
R 496
1980/10









Вкз.

Пулиссон

10
1980



1



2




3



4



5



7



6

КПСС

XXVI

съездини



муносиб кутиб оламиз

Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнат коллективларининг ташаббуси ҳамиша тараққиётимизни жадаллаштирувчи қудратли омил бўлиб келди. Хўжалик юритиш соҳасида ҳамма жойда жуда яхши тажриба тўпланган. Бу тажрибани ҳамманинг мулкига айлантириш керак.

Л. И. БРЕЖНЕВ

ГБ
Ж

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

1. «МЕҲНАТ — РОҲАТ» БРИГАДАСИ

Кун ташвишлари ортда қолиб, кўчаларда ҳаракат тинди, Бешариқ аҳли одатдагидек ором оғушига чўмди. Аммо қишу ёз хотиржам кўринган қабул пунктлари, катта хирмон учун бошланган курашни бошқарувчи хўжалик идоралари, жумладан, матбуот маркази — район газетаси редакцияси бедор эди. Газетанинг уч саҳифаси тайёр. Фақат биринчи саҳифанинг юқори қисми бўш қолдирилган. Қўшни хонада навбатчи мухбир машинка ҳарфларини битта-битталаб чиқиллатади. Газета редактори Собиржон Асқаров айвон устунига суянганича босиб-босиб тамаки чекади. У сигарета қолдиғини кулдонга ташлаб хонасига кирди. Нима қиларини билмай, газета тўпламини олиб беихтиёр варақлади. У «Искра» колхозидан, аниқроғи Тўхтақўзи Росабоев бригадасидан хабар кутаётир. Бугун бу бригада ўнинчи беш йиллик планини бажариши керак. Ҳали куз забтига олмай туриб ғалабага эришиш, янги беш йилликни қаршилаш ҳазилакам гап эмас. Тўғри, саноатда ҳатто ўн биринчи беш йиллик маррасини эгаллаганлар ҳам бор. Аммо пахтачиликда бундай ютуққа эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Эҳтимол ўтган йилги қайта экишлар бўлмаганда-ку, беш йиллик режа тўрт йилда адо этиларди-я...

Редактор газета варақлар, «Искра» колхози, хусусан Росабоев бригадасига бағишланган хабармақолаларни яна бир ўқиб чиқарди, шунда кўз ўнгида гўё бригадирнинг ўзи гавдаланарди. Ана у: юмалоқ юзли, паст бўйли, кўринишидан босиқ, вазмин, аслида эса куюнчак бир киши. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, икки марта Ленин ордени билан тақдирланган. Лекин ўзининг хизмату имтиёзларини пеш қилмайдиган камтарин инсон. Редактор у билан йилда ўн марталаб мулоқотда бўлади. Аммо бригадир ўз муқофотлари ҳақида сўз очганини сира эсламайди. Одамлар ҳам ҳар хил. Баъзилар фақат мукофот илинжида ўзини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уради. Не бахтки, умри мазмунини эл-юртга хизмат қилишда деб биладиган Тўхтақўзи акага ўхшаганлар уларга нисбатан кўп.

Росабоевнинг камтаринлиги — унинг ҳавас қилса арзигулик инсоний кўрки. Лекин бу хислат мухбирларни кўп қийнайди. Мана, Асқаровнинг ўзи бригада ҳақида неча бор ёзган. Гўё бригадирдан ҳар бир сўзни битталаб юлқиб олган. Тўхтақўзи ака ўттиз йилчадан буён бригадага бошчилик қилаётган бўлса, озмунча янгилик кашф этдими? Агар интилиш, янгилик бўлмаса, гектаридан 12 центнер пахта берган бригадани 60 центнерлик маррага бошлаб келиш мумкинмиди?

Бу йил деҳқоннинг бахтига баҳор яхши келди. Ёзнинг тафти ҳам дуруст бўлди. Фақат шамол қийнади. Ховос — Қўқон йўналишида эсиб турувчи шамолга бас келиб ҳосил етиштирганларга балли! Чигит экканда шамол ерни ялаб ташлайди. Ғўза бош кўтарганда бир ёнга эгиб машина теримига нобоп қилиб қўяди, кейин шонани тўкади, зарарли ҳашаротларнинг кўпайишига йўл очади.

Чеканка тугаб, дала ташвишлари бир оз камайган паллада Асқаров бригадада бўлган эди. Пахтазордаги ишларидан бўшаган колхозчилар августнинг бошларида келгуси ҳосил тадоригини кўрардилар — каттаю кичик маҳаллий ўғит тўплаш билан банд эди. Афсуски, Росабоевнинг бундай тадбиркорлиги кўпчиликнинг, ҳатто қўшни бригада бошлиқларининг назаридан четда қолмоқда. Баъзилар қолоқ бригадани қабул қилиб олгач, уни бир-икки йилда машъалга айлантираман, деб зўр берадилар. Қўшимча минерал ўғит ҳисобига ҳосилни ошириб, баъзан бунга эришадилар ҳам. Бироқ ернинг илиги қуриб, бригада яна пастга шўнғийди. Тўхтақўзи ака бундай йўлни маъқул кўрмади. Арқонни узун ташлади. Алмашлаб экишни йўлга қўйгач, майдонни уч қисмга ажратиб маҳаллий ўғитга тўйдира бошлади. Имкон бўлган пайтда офтобда куйган пахсадевор кесакларини ҳам далага ташиди. Аста-секин ер

1 «Бешариқ» совхоз-техникумининг Одинахон Қўшоқова (чапда) бошқарадиган бўлими бу йил 40 центнерлик маррани кўзлаган. Бундай юксак хирмонни тиклашда Зарифахон Аҳмедова бригадаси карвонбошилик қиладн.

2 Собиржон Холиқов — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати. Ҳосилдорликни ошириш, меҳнат таннархини камайтириш борасида у бошқараётган бригада бошқаларга ўрнак.

3 «Искра» колхозидаги «Меҳнат — роҳат» бригадасининг бошлиғи Тўхтақўзи Росабоев.

4 КПСС XXV съезди делегати, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Мирзатилла Уролов гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариб съездолди мусобақасида қизғин ташаббус бошлаб берган илғор бригада бошлиғи.

5 Партия XX съезди номидаги совхознинг илғор сувчиси Абдумутал Раҳмонов.

6 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Кенжаев — Киров район меҳнаткашларининг сардори.

7 Тўхтақўзи Росабоев бригадасининг Абдуллажон Улмасов, Абдуманноп Ҳусанов, Худойназар Бекназаров, Абдуғаффор Турсунов, Анбарали Йўлдошев каби отахон боғбонлари аднр багрида ҳашар йўли билан 70 гектарли боғ яратдилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Гулистон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 10 (368)
Октябрь
1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Инв. №

бир хилда қувватга кириб, ҳосилдорлик мунтазам ошиб борди. Бир неча йил илгари бригада тарихига «50 центнер ҳосил кўтарилди», деган ёзув қайд этилди. Маҳаллий ўғит ғўзанинг офатларга, сувсизликка чидамли бўлиб ўсишига, пахтанинг салмоқли бўлишига таъсири кучли эканини ҳамма билади. Аммо била туриб етарли эътибор бермайди. Фермаларга яқин жойлашган айрим бригадалар ишни вақтида тўғри тақсим қилолмагани учун ўғитни ташиб ололмайди.

Ҳозир пахтачилигимизда бригадаларни олий маълумотли, ҳатто илмий унвони бор мутахассислар бошқараётирлар. Бригадирлар орасида ўсмирлиги уруш даврига тўғри келиб ўқиёлмай қолган пахта усталари кўп. Уларнинг тажрибалари манман деган олимларга ҳам асқотгулик. Сир эмас, баъзан олий маълумотли ёш мутахассислар одамлар билан тил топишиш, тадбиркорлик, раҳбарлик қилиш илмидан бехабар бўладилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалик институтини аъло баҳолар билан тугаллаб келган қайси бир ёш агрономлар илғор бригадани ҳам бошқара олмасликлари мумкин. Ҳолбуки, ўтган йили наврўздан сўнг Тўхтақўзи ака беш ой хасталаниб ётса ҳам, бригададаги иш рисоладагидай бўлди. Улар биринчилар қаторида планни бажардилар. Бунинг сабаби: бригадир фақат пахтани эмас, одамларни, ўзаро аҳилликни ўйлаган. Бригадани ҳамжиҳат оилага айлантирган. Пахтакорлар ҳам бригадирларига тўла ишонган ҳолда унга эргашганлар. Шунинг учун унинг йўқлигини билинтирмаганлар. Бригадирга ишонганлари учун ҳам қаровсиз ётган адирга унинг изидан чиқиб боғ яратдилар. КПСС XXV съезди якунланган куни илк ниҳол ўтқазилган адир бағридаги 70 гектарли боғ ҳашар йўли билан барпо этилди.

Ёрдамчи хўжалик-чи? Тўрт йил илгари бригадирнинг таклифи билан пул жамғариб сотиб олинган 61 та қўзичоқ ана-мана дегунча кўпайиб, ўттиз олтита қўй бўлди. Уларнинг бир нечтасини сотиб 4 та ғунажин олдилар. Ҳозир улар говмуш сигирларга айланган. Шундайгина шийпон ёнидаги мўъжаз фермада ҳозир яна 16 та қўй, 120 товуқ боқилмоқда. Хуллас, колхозчилар ҳам, уларнинг ясли-боғчадаги фарзандлари ҳам сут, қатиқ, қаймоқ, тухум билан таъминланганлар. Шунинг эвазига тушдаги иссиқ овқат ҳам бепул бўлди. Область газетаси бу ҳақда ҳикоя қилиб, коллективни «Меҳнат — роҳат» бригадаси» деб атади. Дарҳақиқат, бу тажриба оммалаштирилиб, «Коммунистик меҳнат бригадаси»нинг дастлабки босқичи сифатида социалистик мусобақа шартларига киритилса, чакки бўлмас эди.

Телефон жиринглаб, газета редакторининг хаёли бўлинди. Трубкадан мухбирнинг ҳаяжонли овози эшитилди:

— Тўхтақўзи Росабоев бригадаси бугун ўн биринчи беш йиллик ҳисобига пахта топшира бошлади. Олтмиш центнерлик маррани октябрь ойида эгаллашга сўз бердилар!..

2. МАШЪАЛ — «МОСКВА»

«Москва» колхозига кўп меҳмон келишининг сабаби бор: ҳосилдорлик бўйича машъал — «Москва» колхози. Спорт ишларининг яхши йўлга қўйилишида, маданий ўсишда машъал — яна «Москва» колхози. Энг мукаммал музей ҳам, энг кўркам қишлоқлар ҳам шу колхозда. Бу тажрибаларни ўрганиш учун узоқ-яқиндан меҳмонлар келиб туради. Мана бугун ҳам раис Мамаюнус Мадаминов хорижий шарқ мамлакатларининг биридан ташриф буюрган меҳмонлар билан бирга бўлди. Оқшомда уларни кузатиб, идорэга қайтди. Турли ишлар билан кутиб турган колхозчиларни қабул қилгач, ҳовлига чиқиб, катта тол остига қўйилган сўрида колхоз билан танишган меҳмонларнинг гоҳ ажабланганларини, гоҳ таажжубда қолганларини, гоҳ ҳаяжонга тушганларини эслаб кулди...

Кунботар пайти меҳмонларни колхоз стадионига бошладилар. Колхоз командаси Тошкент область «Қизил Ўзбекистон» колхози футболчилари билан куч синашаётган эди. Стадионни тўлдириб ўтирган икки-уч минг одамни кўриб, меҳмонлардан бири ажабланди:

— Ўтирганларнинг ҳаммаси колхозчиларми?

— Ҳа,— деди раис.

— Нима, томошада ўтиришибдими?

Раис саволнинг мағзини шундагина чақиб, кулиб юборди:

— Бундай мусобақа кунлари колхозчиларимиз тушгача ишлайдилар. Мусобақани сайлга айлантириш анъана бўлиб қолган.

— Бунақа имтиёзлар назаримда, шаҳарда ҳам йўқдир?

— Ҳа, йўқ. Лекин биз шуни одат қилаётибмиз. Деҳқончилик учун шарт-шароит тобора яхшиланяпти. Демак, турмуш шароитини яхшилаш, деҳқонга дам бериш масаласини ҳам ўйлашга фурсат етди. Деҳқон эрта саҳардан то оқшомгача нимани кўради? Осмоннию оёғи остидаги ғўзаними? Йўқ, энди ишни бошқачароқ ташкил қилиш керак. Ҳозир ўнта бригадамизда дам олиш куни жорий қилинган. Пахтакорлар худди шаҳардагидай якшанба куни дам оладилар. Биз бундан ютқизаётганимиз йўқ. Одамлар меҳнатга онгли муносабатда бўлиб, иш сифатига кўпроқ эътибор берганлари учун ҳамма ишларимизни вақтида бажараётибмиз.

Меҳмон бу жавобдан қаноат ҳосил қилиб: «Яхши! Ажойиб!», деб қўйди.

Агар раис бу йил синалаётган яна бир янгиликни айтиб берганда, ажнабий меҳмон, шубҳасиз, ҳайратдан ёқа ушларди.

Ҳисоб дарсларида муаллим ёзиб кўрсатган масала дастлаб ўқувчига мураккаб кўринади. Ўқитувчи эса уни бир сонияда ҳал қилиб беради. Дала аҳлига шаҳардагидек шароит яратиб бериш ечиб бўлмайдиган бир қанча муаммоларни ўртага қўйиши мумкин. Шундай пайтда хўжалик раҳбари ўз фанини пухта билган муаллимдек бўлиши керак. Мамаюнус ака масалани худди шундай дадил, аниқ ҳал этишга киришди.

Раис бир куни ҳисоб-китоб қилиб ўтириб ўйга толди. Мана, тағин бир беш йиллик ниҳоясига етай деб турибди. Ҳамма соҳадан ўсиш бор. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича беш йиллик план вазифаси адо этилди. Агар 650 тонна пахта топширилса, юзлари яна ҳам ёруғ бўлади. Колхозчиларнинг ўртача ойлик даромади 80 сўмдан 152 сўмга етди. Бу йил даромад ундан ҳам кўп бўлиши керак. Колхознинг даромади эса 4 миллион сўмга бориб қолди. Хуллас, хўжалик қўлини қаерга узатса етади. Лекин колхозчининг ҳаётида нима ўзгарди? У ҳали ҳам ўша-ўша қуёш билан баравар туриб далага чиқади, қоронғи тушганда уйига қайтади. Бу аҳволда қишлоқни шаҳарга тенглаштириб бўладими? Шунда раис далада ишлаётган колхозчиларни кўз олдига келтирди: оқ рўмол ўраб қўпол этик кийиб олган қиз-жувонлар, манглайини қийиқ билан танғиган йигитлар қатқалоқни юмшатмоқдалар. 1 минг 260 гектар майдондаги барча ишни колхозчиларнинг ўзлари, ёрдамчисиз, вақтида амалга оширадилар. Чопиқ пайтида ҳар бир кишига ўртача 12 сотихдан ер ажратиб берилади. Колхозчи шу ерда эртадан то кечгача ишлайди. Ахир, шу вазифани у тушга қадар ҳам уддалаши мумкин-ку? Раис шу тахминни бир-икки ерда синаб кўрди. Дарҳақиқат, белгиланган вазифани ярим кунда сифатли қилиб бажариш мумкин экан. Хўш, унда ишни то оқшомга қадар чўзишдан нима фойда? Ҳа, «Вазифамни бажарганим билан бари бир жавоб бермайди», деб ҳам вақтини бекор ўтказади, ҳам иссиқ кунда ўзини қийнайди. Ҳозир одамларга: «Ҳа, бўл! Ҳа, бўл!», деб дўқ уриб ишлатиш вақти ўтиб кетган. Агар бригадир ёки раис шундай деб уларнинг кетмон уришига кўз тикиб турса, иш чиқмайди. Колхозчи аввало сифатга эътибор бермайди, кейин бўлар-бўлмас баҳоналар билан ишдан қолаверади. Интизом онгли меҳнатни эмас, балки аксинча, онгли меҳнат интизомни белгилайди. Раис тажриба учун бир қанча бригадаларда шу усулни қўллади. Натижа ажойиб бўлди: колхозчи белгиланган ерни чопиқдан чиқаргач, бригадирга топширади. Бригадир энг аввало сифатга эътибор бериб, ишни қабул қилиб олади. Бу усул айниқса хотин-қизлар учун айни муддао бўлди. Тажриба бу йил синовдан ўтди. Энди келгуси йил ёппасига қўлласа бўлаверади.

Раис чет эллик меҳмонларга келгусида қилинажак ишлар ҳақида гапираётганда, улардан бири: «Сиз бу ишларнинг бажарилишига қаттиқ ишонч билдириб гапиряпсиз», деди. Дарҳақиқат, раис ишонч билан гапирган эди. Чунки раис билан колхозчилар ўртасида ўзаро ишонч бор. Раис айтилган вазифанинг вақтида кўнгилдагидек адо этилишига амин. Колхозчилар эса раиснинг таклифи албатта бутун хўжалик учун катта наф келтиришига ишонадилар.

Мана бу йилги воқеани олинг. Баҳор нисбатан яхши келган бўлса-да, қатқалоқ қийнади. Ҳатто байрам кунлари ҳам ишлашларига тўғри келди. Агар шу кунлар ичи далага чиқилмаса, кейин иш кўпаяди, келгусида ҳосил чўғига ҳам салбий таъсир етади. Колхозчиларнинг дам олиши ҳақида қайғурадиган раиснинг бир оғиз гапи билан ҳамма ёппасига далага чиқди. Икки-уч кунда чопиқни тугалладилар. Кейин биргаликда байрам қилдилар. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш дегани шу эмасми?

Раис колхознинг шундай биқинида юлғун ва янтоқдан бошқа нарса кўкармайдиган Шайтонкўлни Пахтакўлга айлантиришни таклиф қилди. Мирзатилла Ўролов бошчилигидаги азаматлар қарийб ўн икки йилдан бери Пахтакўлдан катта ҳосил кўтармоқдалар. Тўққизинчи беш йилликда бу бригада аъзолари элликцентнерчилик ҳаракатини бошладилар, бу беш йилликда эса улар ҳамкасбларини олтмиш центнерлик маррага даъват этмоқдалар. Тоққа чиққан одам чўққини кўзлаб йўл юради, деганлари шу эмасми?

Бир вақтлар минерал ўғитга ишониб ерга қарамаган эканлар. Нотекис майдоннинг қай ерига сув чиқмай, қай ери кўллаб ётарди. Ҳосилнинг бир четини кемириб турадиган хасталик шу экан. Жўрабой ота Дўстматов, Абдуназар Мадаминов, Ойдинниса Раҳмонова каби тажрибали пахта усталарининг таклифи билан ерлар текисланди. Илгарилари кузда шудгор қилинса ер тез етилмайди, деган тушунча бор эди. Раис уста пахтакорларни ёнига олиб, ер таркибини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, тўқсон фоиз ерни кузда бемалол шудгор қилиш мумкин экан. Бу тадбир дарров самара берди. Ҳосилдорлик анча юксалди. Дадил тажрибаларга суяниб иш кўриш шу эмасми?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида қилган докладида «Ҳосилдорликни ошириш пахта етиштиришни кўпайтиришда асосий йўналиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади», деб таъкидлади.

Ҳосилдорликни ошириш учун механизмларга суяниш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш асосий омил ҳисобланади. Лекин Мамаюнус Мадаминов учун яна бир имконият бор. Бу — одамларни маънавий рағбатлантириш ҳисобига уларни янги зафарларга чорлаш.

Бир куни раис бутун умрини колхозда ўтказган қарияни кўчада учратиб қолди.

— Ҳа, отахон, кўринмай қолдилар, тинчликми?— деб сўради у.

— Мана, пенсияга чиқиб олдик, ўғлим. Дам олиб ётибмиз,— деди қария аллақандай ўкинч билан.

Раис у билан хайрлашди-ю, аммо кўнгли ғаш бўлиб қолди. Бу қанақаси? Неча йил бир сафда ҳалол меҳнат қилган одам қариб, пенсияга чиқсада, правление хабарсиз қолса? Бу ҳолда одамлар: «Куч борида колхозга керакман, қариганимда ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади», деб ўйламайдими? Район социал таъминот бўлимида ҳужжатлар расмийлаштирилгач, отахон ва онахонларни колхоз умумий йиғилишида тантана билан кузатадиган бўлдилар. Колхозда ишлаш истагини билдирган пенсионерларга алоҳида шароит яратиб бердилар.

Одам зоти қорнини эмас, қадрини ўйлайди. Меҳнати шу даражада қадрланаётган деҳқон эса қўл учида эмас, жону дили билан ишлайди. Раис ўтган йили Тўғонбой Пўлатовнинг бригадасида бўлиб, бригадирнинг тадбиркорлигига тан берган эди. Октябрь ойида бригада планни бажарди. Раис пахтакорларни табриклаш учун шийпонга келса, бригадир мажлис қилаётибди. У аввал сувчини ўртага чақирди.

— Бугун планни бажаришимизда сизнинг хизматингиз катта. Сиз ғўзаларни чанқатмадингиз. Вақтида суғордингиз. Сувни исроф қилмадингиз. Шунинг учун сизга раҳмат,— деб сувчининг белига янги белбоғ боғлади.— Бу ҳамир учидан патир, катта мукофот колхоз мажбуриятини бажарганда бўлади.

Шу тариқа у бирин-кетин механизатор, теримчиларни табриклаб чиқди. Бу эътибордан руҳланган пахтакорлар салкам эллик уч центнерлик ҳосил кўтардилар. Раис кейин билса, бу мукофотлар бригадирнинг шахсий ҳисобидан экан.

Ери бир, суви бир, оладиган ўғиту механизмлари бирдек икки бригада, икки колхоз ёки икки районнинг турлича ҳосил кўтариш сири худди шу тадбирларда яширинмаганмикан?

Енгил шабада эсди, раиснинг эти жунжикди. Соатига қаради. Ҳали замон партком секретари пунктдан қайтиши керак. Бугун ҳам кечагидек пахта топширилган бўлса, демак, эртага ўннинчи беш йиллик плани бажарилади. Колхоз машъаллигини қўлдан бермаган ҳолда янги беш йилликка муддатидан анча илгари кириб боради.

3. ҚЎШНИЛАР

Собиржон Холиқов Киров номидаги совхозда, Зарифа Аҳмедова «Бешариқ» совхоз-техникумида бригада бошлиғи. Бирининг даласида трактор наъра тортса, иккинчисиникида туриб эшитиш мумкин. Собиржон Холиқов йигирма икки йилдан бери бригадани бошқаради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. СССР Олий Советининг депутати. Ҳосилдорликни 55—56 центнерга олиб чиқиб, 60 ни мўлжал қилиб турган донгдор пахта устаси. Зарифахон эса ёш бригадирлардан. Партия, ҳукуматимиз ўрта бўғинни малакали мутахассислар

билан кучайтириш ҳақида қарор қабул қилгач, агрономликдан бригадани бошқаришга ўтган. Бригада Зарифахон раҳбарлигида йилдан-йилга камол топиб, ўнинчи беш йилликни 40 эмас, 50 центнерлик ҳосил билан якунламоқчи. Бир қараганда, уларнинг хўжаликлари ҳам бошқа-бошқа, тажрибада ҳам, олинажак ҳосилда ҳам фарқ бор. Аммо мақсад бирлиги уларни якдил қилиб туради.

Пахта иши ҳам қизиқ. Сиртдан қараганда, барча иш қўлланмаларда кўрсатилгандек боради. Яъни: ер ҳайдалади, чигит экилади, ундириб олинади, кейин ягана, сўнг ишлов, суғориш, чеканка, ниҳоят терим. Аммо бу ишнинг нақадар инжиқ, нақадар оғир бўлишини далада чанг-ғубор ютиб тер тўккан одамгина билади. Бу йилнинг иши сира ўтган йилдагисига ўхшамайди. Ҳар сафар об-ҳавонинг келишига қараб, ўзгача тадбирлар кўрилиши керак. Демак: йил сайин ўқиб-ўрганишни тўхтатмаслик керак. Буни ҳар икки бригадир ҳам тушунади. Бири маслаҳат сўраб келишдан тортинмайди, иккинчиси билганини аямайди. Социалистик мусобақанинг моҳияти ҳам шундада. Тажрибасини сир тутиш, фақат ўзим бўлай, дейиш асл пахтакор учун ёт нарса.

Мана бугун ҳам Зарифахон машина терими бошланиш арафасида уста пахтакор ҳузурига келди. Собиржон ака катта толлар соясидаги сўрида бошини қўллари орасига олган кўйи ўйчан ўтирарди. Тонгда далага чиққанича уйга қайтмаган кўринади. Соқоли ўсинқираган. Чарчагани кўзларидан кўриниб турибди. Зарифахон бу одамнинг иродасига қойил қолади. На касаллигига қарайди, на ҳориганига. Тўнини ёстиқ қилиб, марзада мизғиб олган дамлари кўп бўлади. Зарифахоннинг назарида Собиржон ака бу йил бир оз қийналди. Сафдоши — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Самижон Тешаевнинг бевақт вафоти унга қаттиқ таъсир қилди. Икки қаҳрамон бир бригадада ҳамнафас ишлаб, бир-бирига суяниб қолган эдилар...

Собиржон ака қўшни бригадирни кўриб ўрнидан турди. Ҳол-аҳвол сўради.

— Эртага машина теримини бошламоқчимиз,— деди Зарифахон.

— Жуда пайти. Бошлайверинг. Оқшомда далангизни оралаган эдим.

— Элликдан ололармиканмиз, шу пайтга келиб сал чўчияпман.

— Эллик бўлиши аниқ. Чўчиманг. Шамолда қум уриб, баргни буриштириб қўймаганда, ҳосилнинг чўғи яхши эди. Яхшики, ҳашаротга сезгирлик қилиб қолдингизлар. Машина қанча пахтани териб бериши керак?

— Саксон фоизини...

— Саксон бўлса дуруст. Аслида ҳаммасини машинада терсак нур устига нур бўларди-я. Афсуски, иложимиз йўқ. Одамлар пахтани экдилар, ўстирдилар. Энди териб, пича даромад қилсинлар. Бизда, умуман водийда одам зич. Одамларни ўйлаб, қўл кучига кўпроқ ўрин бериб қўямиз. Шунинг учун бизда таннарх баландроқ. Чўллардаги хўжаликлар билан ҳеч қизиққанмисиз?

— У ерда ҳамма иш механизм ёрдамида бажарилади. Бизда ҳам имконият бор бунга. Механизм етарли. Карталар — яхлит, катта. Фақат ҳозир айтганингиздай...

— Ҳамма иш механизмга юкланса, аёлларнинг иши уч-тўрт баробар енгиллашарди.

— Э, нимасини айтасиз, Собиржон ака! Далада иш, уйга борганда яна иш. Аёлларимиз: «Уйда табелчи йўқ-да, бўлса ҳисоб-китоб қилиб берарди», дейишади.

— Биласизми, Зарифахон, бу масалани ҳеч бир қийинчиликсиз ҳал қилиш мумкин. Фақат ҳафсала керак. Ҳозир айрим хўжаликларда турли саноат корхоналарининг бўлимлари очилмоқда. Шунақа бўлимлар водийдаги ҳамма хўжаликда ташкил этилса, аҳоли учун қўшимча даромад манбаи вужудга келар эди. Одамларни зарур пайтда вақтинча пахта ишига чорлаймиз, бошқа пайтда ўз ишлари билан банд бўладилар. Қарабсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Таннарх арзонлашади, аёллар даланинг оғир меҳнатидан қутуладилар. Мана бизнинг қишлоқда дўппи тикиш, нариги қишлоқда тўн, унисида гилам ёки шолча тўқиш цехлари очиш мумкин-ку. Район марказида Фарғона Тўқимачилик комбинатининг бўлими ташкил этилмоқда. Марказни эмас, бўлимларни ҳам ўйлаш керак.

— Шундай қилинса ўқувчиларни ҳашарга жалб этишни камайтирардик.

— Бундан умуман воз кечиш мумкин. Болалар фақат ўқиш, ўрганиш билан банд бўлардилар. Ахир эртанги янги пахта навларини шу болалар яратадилар-да!

Янги пахта навлари хусусида сўз очилиб, Собиржон ака ўзининг кўп йиллик кузатишларини сўзлай бошлади. Зарифахон унинг сўзларини эшита туриб, билимига, зеҳнига қойил қолди. Агар Собиржон акага ўхшаган одамларга шароит яратиб берилса борми, булардан ўткир селекционерлар чиқарди. Афсуски, улар вақтида ўқий олмаганлар.

Икки қўшни бригадирнинг суҳбати узоқ давом этмади. Гапни чўзадиган вақт эмасди, терим бошланган, ҳар иккиси ҳам катта карвон ташвиши билан банд эди.



Бригадир Собиржон Холиқов (ўртада) сувчи Аҳмаджон Абдураҳмонов, механизатор Йўлдошали Қўлдошев билан ҳосилни тез ва соз йиғиб-териб олиш тадбирларини белгиламоқда.

Д. ОҚБОЕВ фотолари

4. РАЙКОМ СЕКРЕТАРИНИНГ УМИДЛАРИ

Кировобод районида Тожикистон ССРнинг Ленинобод областига туташиб кетади. Халқи азал-азалдан пахтачилик билан шуғулланади. Бу ерларнинг боғи, меваси қадимдан машҳур. Ота-боболардан миришкорлик мерос бўлиб қолган деҳқонлар ҳали ҳам боғ-роғлар парвариш қиладилар.

Бешариқликлар азалдан пахта усталари, дедик. Аммо улар пахтакор бўлиб шу кейинги беш йилдагидай хирмон кўтармаганлар. Ўн йилдирки, район областда илғор ҳисобланади. Мажбуриятлар ҳар йили ошириб бажарилади. Қишлоқлар тобора кўркамлашмоқда. Район маркази шаҳар тусига кириб бормоқда...

Сарҳисоб дамлари яқин. Киши беихтиёр рақамларга мурожаат қилади. Район бу йил Фарғона областининг 500 минг тоннадан зиёд хирмонига 80 минг тонна пахтаси билан ҳисса қўшади. Ўнинчи беш йиллик аввалида 66 минг тонна пахта берган район бу йил режадаги 33 эмас, балки 40 центнерлик довонни эгаллайди. Агротехникани яхшилаш, шўр ювишни, кузги шудгорни йўлга қўйиш, иш сифатига эътиборни кучайтириш, кадрлар масъулиятини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига кўзланган чўққилар эгалланди.

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ меҳнат қилиш, тобора юксак манзилларни мўлжал қилиб яшаш, интилиш — совет кишиларининг ибратли хислати. Бешариқликлар ҳам буюк мақсадларни дилга жо этиб қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Бу сатрлар сиз, муҳтарам журналхонлар эътиборига етгунча, район беш йиллик планни бажарган бўлади. Биз бу шодиёнадан енча илгари, пахта терими энди бошланган паллада район партия комитетининг биринчи секретари Салимжон Марасулов билан суҳбат қурдик.


Суҳбатимиз юқорида баён этилган якунлардан бошланиб, эртанги режаларга уланди. Келгуси беш йилликда ҳам районнинг асосий иши пахтачилик бўлиб қолади. Шубҳасиз, бутун куч ва эътибор ҳосилдорликни кўтаришга қаратилади. Бир бригаданинг 30, иккинчисининг 60 центнердан ҳосил кўтариши сабаблари чуқур таҳлил этилади. Бу фарқларга барҳам бериш чоралари кўрилади. Дарвоқе, бу Киров районидагина эмас, балки бутун республика миқёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммо. Баъзан бирон район мақталса, олтмиш центнерчи бригадалар саналади. Ҳолбуки, районнинг ҳосилдорлиги ўттизнинг нари-берисида бўлади. Нима учун баъзилар ҳаддан зиёд илгарилаб кетадию бошқалар ярим йўлга ҳам етмайди? Агар бу масала барча жойда баравар ҳал этилса, республиканинг ҳосилдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Киров районида янада кўпроқ пахта етиштиришнинг имкониятлари бор. Сирдарё бўйларида ўзлаштирилиши мумкин бўлган ерлар кўп. Агар тегишли ташкилотлар район таклифини инобатга олсалар, 5 минг гектар майдонда пахта етиштирадиган янги совхоз вужудга келади, бинобарин, район ўн биринчи беш йилликни 100 минг тонналик ҳосил билан якунлаши учун имконият туғилади. Натижада пахта таннархи арзонлашади. Шунингдек, Тўхтақўзи Росабоев бригадаси ҳашар йўли билан тиклаган 70 гектарли боғни кенгайтириб совхозга айлантириш мумкин бўлади. Худди шу адир бағрида ўрдакчилик комплекси ишга туширилади. 100 гектар майдонни ўз ичига олган замонавий қишлоқ қурилади. Ҳозир 80 гектарни эгаллаб турган балиқчилик хўжалиги заминида совхоз ташкил этилади...

Райком секретари келажакдаги ишлар ҳақида кўп гапирди. Биз фақат яқин йилларда амалга ошиши кўзда тутилган янгиликларнигина тилга олдик. Район барча соҳа бўйича планни бажариб, янги режалар, янги порлоқ мақсадлар билан КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олмоқда. Ниятлар покиза, мақсадлар буюк экан, партия съезди белгилаб берадиган вазифаларнинг адо этилиши шубҳасиздир.

Тоҳир МАЛИК

Фарғона область, Киров райони



Мамлакатимизда энг йирик Навоий Электрокимё комбинатида бу йил которан — қимматли гербицид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада навбатдаги цех қурилиши давом этаётир.



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг Июнь пленумидаги ёркин докладида съездолди ишларининг асосий йўналиши, мақсади ва кўламини аниқ-равшан баён этиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-қудратни ишга солиш кераклиги, бу ўринда съезд шарафига бағишланган социалистик мусобақа алоҳида аҳамият касб этиши лозимлигини таъкидлади. Барча совет ишчилари каби, Ўзбекистон саноат корхоналари ишчилари ҳам бу доно йўл-йўриқларга амал қилиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан аввал адо этиш, ўн биринчи беш йилликка пухта замин яратиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Йиллик планни 7 ноябрь — Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш ҳаракати ҳамма жойда кенг қулоч ёзди.


Бунёдкор қурувчилар, қўли гул кимёгарлар, чорвадорлар шаҳри бўлган Навоий саноат корхоналари — СССР 50 йиллиги номидаги Кон-металлургия комбинати, Азот ишлаб чиқариш бирлашмаси, ГРЭС, Электрокимё комбинати, Пахта тозалаш заводи, Озиқ-овқат маҳсулотлари комбинати ишчилари ҳам XXVI съезд шарафига социалистик мусобақани қизғин давом эттирган ҳолда, «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» шиори остида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар.



Мирзаахмад Мирзаалиев шаҳардаги кўлгина саноат объектларининг тамал тошини қўйганлардан. У бугун монтажчилар бригадаси бошлиғи.



СЪЕЗД ШАРАФИГА



Кимё комбинати аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехининг смена бошлиғи, Ҳурмат белгиси ордени кавалери Абулаҳад Юсупов социалистик мусобақа ғолибидир.

Азот ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган минерал ўғитлар олтин қўлли деҳқонларимизга мададкор.



Навоий ГЭСининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Геннадий Муравьев — ёш ишчиларнинг жонкуяр мураббийси.

Г. ЯСТРЕБОВ фотолари

ЯШАШ ИШТИЁҚИ

НОЯБРЬ кунларининг бирида Чортоқ сойи устидаги кўприкда автомобиль ҳалокати юз берди. Машинадаги бир неча медицина ходими енгил жароҳатланди. Аммо бир кишининг аҳволи оғир эди. Ҳушини йўқотган ярадорни зудлик билан Намангандаги касалхонага олиб бордилар. Унинг касаллик тарихига дастлабки сўзлар ёзилди: «Умуртқа суяги дарз кетган, орқа мияга қон қуйилган, тана фалаж...»

Инсон ҳаёти қил устида! Тошкентдан телефонда беморнинг аҳволини сўрадилар. Эҳтиёт чоралари кўрилгач, беморни Тошкентдаги ошиғич ёрдам кўрсатиш институтининг касалхонасига жўнатишга қарор қилинди.

Лекин у ерда ҳам беморнинг аҳволи енгиллашмади. Уни Москвадаги Марказий травматология институти клиникасига жўнатдилар. Шифохонада анча вақт даволанишига тўғри келди. Беморнинг деярли бутун гавдаси гипсда эди. Бели баландда, боши пастда, синган оёқларига тошлар осиб қўйилган. Кунлар ниҳоятда имиллаб ўтади. Ўзбекистонлик ёр-биродарлар, москвалик ҳамкасблар тез-тез келиб, беморнинг аҳволини сўрар, кўнглини кўтарар эдилар.

...Отаси қазо қилганда Саид эндигина ўн ёшга тўлган эди. Майрамхон опа бир этак бола билан бева қолди. Тўнғич ўғли, ўн тўрт ёшли Муҳаммаджон Учқўрғонда ташкил этилган совхозга кетди, ўша ерда шофёрликни ўрганди. Ўн ёшли Саид эса болалар уйига жойлашди. Шу ерда еттинчи синфни битириб, медицина ходимлари тайёрлаш курсида, кейин Фарғонадаги Медицина техникумида ўқиди. Сўнгра Самарқанд Давлат медицина институтига йўлланма олди. Кундузи ўқиб, кечқурунлари лаёқати етган ишларда меҳнат қилиб, рўзғор тебратишда онасига ёрдамлашди.

1936 йили Медицина институтини тугатган Саид Учқўрғон районидаги Қайқи қишлоғида очилган шифохонада ишлай бошлади. 1939 йил бошларида Учқўрғон район марказий шифохонасига врач бўлиб ўтди. Қайқи қишлоқ участкасида даволаш-профилактика ишларини намунали йўлга қўйгани учун Саид Маҳмудов СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Шу орада Катта Фарғона канали қурилиши бошланиб, йигирма беш яшар қаҳрамонимиз ҳам комсомол чақириғига биноан канал трассасига йўлланма олди. Ўша кунларни у жуда хушнуд кайфият билан эслайди. Уни биринчи санитария-эпидемиология бирлашмасига бош санитар врачи қилиб тайинлаган эдилар. Шу ерда Саид бир эзгу ишга қўл урди: каналнинг Учқўрғондаги бош иншооти ёнида ёғоч-тахтадан шифохона қуришга бел боғлади. Уч-тўрт кунда битказилган 100 ўринли шифохонанинг ичкариси дока билан хоналарга ажратилди. Дастлабки беморлар ётқизилаётган пайтда қурилишдаги хўжалик ходимларидан бири: «Ёғочни нега бесўроқ ишлатиб юбординглар?» дея қизишиб, Саидни қаттиқ койиди. Бахтига, Йўлдош ота Охунбобоев бош иншоотга келиб қолди-ю Саиднинг жонига ора кирди. Янги шифохонани кўздан кечириб чиққач, Йўлдош ота:

— Бундай ишни ўғил бола қилади!— деди.

Жанжалкаш хўжалик ходими чурқ этолмай қолди.

Ўша кунларда Саид кўп машҳур қурувчилар билан, ҳатто Усмон Юсупов, Абдужаббор Абдураҳмонов, Бузрукхўжа Усмонхўжаев сингари мўътабар кишилар билан ҳам учрашиш, танишиш шарафига муяссар бўлди.

Канал қазишга тайёргарлик ишлари тугаганидан кейин врач Саид Маҳмудов Катта Фарғона каналининг махсус портлатиш участкасида медицина-санитария хизмати бошлиғи бўлиб ишлади. Иншоот қурилиши кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган суръатлар билан давом этарди. Халқимиз ғайратшижоатининг тимсоли бўлиб қолган бу қурилиш, маълумки роппа-роса қирқ беш кун деганда тамомланди.

Катта Фарғона каналига сув қўйилиши шодиёнаси Ўзбекистон республикаси тузилган куннинг ўн беш йиллик тўйи тантаналарига уланиб кетди. СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан канал қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатганлардан катта группаси Ватанимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида врач Саид Маҳмудов ҳам бор эди. 1940 йили у мукофотланганлар қатори улуғ пойтахт Москвага борди.

Тантанавор, ҳаяжонли дамлар ҳамон унинг хотирасида... Катта Кремлнинг залларидан бири меҳмонлар билан тўла. Барчанинг юзида шодлик порлайди. Бир пайт Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин кириб келди...

Ҳамма қатори Саид Маҳмудов ҳам номи айтилган чоқда улуғ оқсоқол томон тортинибгина борди. Михаил Иванович эса, унга қараб юрди, Саидни ўз ўғлидек қучоқлаб, бошини силади.

Катта Фарғона канали ишга тушгач, Саид Маҳмудов Шимолий Фарғона канали қурилишига сафарбар этилди. Бу иншоот ҳам тез муддатда қуриб битказилди. 1941 йилнинг апрелида врач Маҳмудовни эндигина ташкил топган Наманган область соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигига тайинладилар.



Улуғ Ватан уруши бошланганда у қизғин ташкилий ишлар билан банд эди. Республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг буйруғига биноан Эвакуация госпиталлари область бошқармасининг бошлиғи вазифаси ҳам Саид Маҳмудов зиммасига юклатилди. Бир ёқда аҳоли соғлиғини сақлаш ишлари, иккинчи ёқда эвакуация госпиталлари ташкил этиш, жанг майдонларидан келтирилаётган ярадор жангчи ва командирларнинг тезроқ даволанишларини уюштириш катта шижоат, истеъдодни талаб этарди. Саид Маҳмудов кам ухлаш ҳисобигагина бу вазифаларни қисман бажаришга улгурарди. Шуни айтиш кифояки, бир ой ичида Наманган области бўйича ўнга яқин ҳарбий госпиталь очилди.

Ўша кунлари республикадаги ҳарбий шифохоналарнинг ишини текшириш учун Москвадан профессор А. Шабанов раҳбарлигида комиссия келди. Комиссия аъзолари Косонсой районидаги «Коммуна» колхози клубида очилган госпиталнинг ишига юксак баҳо бердилар. Госпиталь республикадаги энг яхши ҳарбий шифохона деб топилди. Бу баҳо Саид Маҳмудовнинг ҳам фидокорона хизматини кўрсатар эди. Унинг 1942 йили Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланишида ана шундай хизматлари ҳисобга олингандир.

Саид Маҳмудов 1942 йилнинг охиридан 1945 йилгача ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг ўринбосари вазифасида ишлади. Область ташкилотларининг илтимосига биноан яна Наманган шаҳрига юборилди.

1946 йили Фарғона водийсида курорт ресурсларини ўрганиш бўйича илмий экспедициялар иш олиб борди. Маҳмудов ана шу экспедицияларнинг фаол иштирокчиларидан бири эди. Экспедициялар фаолиятининг натижаси сифатида Наманган ва Фарғона областларида «Чортоқ» ва «Чимён» санаторийлари очилди. Илгари бу хилдаги санаторийлар Ўзбекистонда бўлмаган эди. Ана шу хизматлари учун 1947 йили Саид Маҳмудовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилди...

САИД Маҳмудов каравотга михланиб ётарди. Оёқларига оғир тошлар осиб қўйилган. Палатанинг шифтини, шифтдаги мўъжазгина қандилни, оппоқ деворларни, ёнидаги беморларни, хонага кирган ҳамширалару врачларни узун сопли кўзгу орқали кўради. Палатадан ташқаридаги манзараларни кўришдан маҳрум. Ҳатто дераза яқинида ўсиб турган кўм-кўк арчаларни кўриш учун бошини кўтаролмайди...

Ҳозир айни баҳор. Она юрти — Ўзбекистон, жонажон шаҳри Наманган роса гул-лолаларга бурканиб ётгандир. Қани энди, Чортоқ санаторийси атрофидаги қир-адирларга бир тўйиб боқса!.. Ҳа майли, ҳар қалай тирик-ку, вақти-соати билан яна кўрар ўша жойларни.

Дарвоқе, Чортоқни эслагани бежиз эмас. У жойлар Саидга қадрдон бўлиб қолган. Наманган яқинидаги бу гўзал гўшада чиққан шифобахш сувда беморлар даволанадиган, эл дам оладиган курорт ташкил этиш учун озмунча жон куйдирдими! Худди ўша — фалокат содир бўлган куни Усмон Юсупов бошчилигида республика раҳбарларини санаторий очилишига таклиф этиш учун отланган эмасмиди? Афсуски, фалокат оёқ остидан чиқди...

Иттифоқимизнинг ҳамма бурчакларидан одамлар қатнаб даволанадиган мўътабар жой бўлади ҳали Чортоқ! «Чортоқ» сўзи, Чортоқ санаторийси Саид Маҳмудовнинг юрагига қанчалик яқинлигини тасаввур этиш учун республика Соғлиқни сақлаш министрлиги 1949 йил, 31 августда чиқарган буйруқнинг мана бу сатрларини эслаш кифоядир:

«ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Семашко номидаги Курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти илмий экспедициялари томонидан Чортоқ қишлоғидаги юқори сифатли ер ости сув ресурслари ўрганиб чиқилди ва унинг Совет Иттифоқидаги бир қанча бальнеологик курортларнинг ер ости сувларидан қолишмаслиги аниқланди. Наманган областининг маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳамда соғлиқни сақлаш идоралари Чортоқ ер ости сувларининг шифобахш хусусиятларини ўрганишда катта ёрдам кўрсатдилар.

ЎзССР ҳукумагининг топшириғига биноан даволаш павильонлари қурилиши 1949 йилнинг 29 июнида тамомланди ва махсус Чортоқ ер ости суви билан даволаш учун 30 ўринли стационар жиҳозланди. Бу билан Ўзбекистонда биринчи бальнеологик санаторий ташкил этишга киришилди. Чунки республикамиз аҳолиси бундай шифохоналарга эҳтиёж сезар эди.

Чортоқ бальнеологик шифохонаси қурилиши ва ташкил этилишида кўрсатган ташаббускорлиги учун Наманган область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Саид Хўжаевич Маҳмудовга ташаккур эълон қилиниб, шахсий делосига ёзилсин.

Чортоқ бальнеологик шифохонасининг бош врачлиги ва бундан кейинги тараққиётига раҳбарлик қилиш вазифаси Наманган область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ С. Х. Маҳмудов зиммасига юклатилсин...»

Саид Маҳмудов ана шундай маъсулиятли бир пайтда автомобиль ҳалокатига учради.

Онда-сонда таниш-билишлар, ошна-оғайнилар кўргани кириб туришади. Улар Ўзбекистон нафасини олиб келгандек бўладилар. Машҳур жарроҳ, профессор, СССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Александр Николаевич Шабанов тез-тез келиб туради, беморнинг аҳволини сўрайди, даволаш жараёнини кузатади. Бир гал шифокор сифатида келса, бошқа сафар қадрдон дўст сифатида кўриб кетади. Аслида Саиднинг Москвага келтирилишига ҳам шу киши бош қўшган эди.

Бир куни палатага шифохона бош врачи билан беш-олти киши кириб келди. Бош врач беморнинг касаллик тарихи, даволаш натижалари ҳақида қисқача гапириб берди. Нозиккина қиз бош врачнинг сўзларини инглиз тилига таржима қилди. Ажнабий меҳмонлардан бири алланима деди. Таржимон меҳмоннинг сўзларини беморга етказди:

— Ўзингизни қандай сезяпсиз? Руҳингиз бардамми?

— Яхшиман,— деди бемор жилмайишга уриниб.— Дунёда инсоннинг қадр-қимматидан ортиқ шифо йўқ. Қадр-қиммат мени ўлимдан олиб қолди...

Бемор ўзини дадил, бардам тутишга ҳаракат қиларди-ю, бироқ киртайиб қолган кўзлари асл ҳолатини сездириб турарди. Савол берган меҳмон беморга тикилиб:

— Сизлар яратган бир фильмни кўрган эдим,— дея сўз бошлади.— Янглишмасам, қаҳрамони Павел Корчагин эди. Ҳозир мен ўша Корчагинни эсладим. Сизларда шундай одамлар кўп бўлса керак?

Атрофдагилар бир-бирларига қараб олишди.

— Тўғри айтдингиз, бизда бундай одамлар кўп,— деди профессор Шабанов.— Бизнинг характеримиз шунақа...

Меҳмонлар палата эшиги томон йўналдилар. Лекин гапга аралашмай турган, тўла қоматли, узун бўйли, оппоқ сочли аёл ёнидан жилмади. У беморнинг пешанасига кафтини қўйиб:

— Исм-фамилиянгизни қайтадан айтинг, ўғлим,— деди. Бемор қуруқшаган лабларини тили билан намлашга уриниб, жавоб берди.

— Асли қаердансиз?

— Ўзбекистондан.

— Александр Николаевич тўғри айтди, совет кишилари бир-бирига ўхшайди. Мана, сиз менинг марҳум ўғлимга ўхшар экансиз. Умрингиз ўхшамасин. Бардам бўлинг, ҳали ёшсиз, тузалиб кетасиз...

Аёл хомушланди. Саид Маҳмудов бошини хиёл қимирлатиб унга ҳамдардлик билдирган бўлди.

— Хайр, болам, мен яна келаман, бафуржа гаплашамиз.

Бемор яна беҳолгина бош қимирлатди. Аёл чиқиб кетди. Бу аёл ким бўлди экан? Ўлган ўғли ким экан?..

Уни яна ғамгин ўйлар чулғаб олди. Москвага келганига ҳам, мана, беш-олти ой бўляпти. Ёниверига бурилолмайди, фақат шифтга тикилади. Наҳотки, шундай ногирон аҳволда қолиб кетса?! Ўттиз беш ёшида-я?

Ҳалиги аёл кўз ўнгидан кетмасди. Ҳамшира қиздан оппоқ сочли аёлнинг кимлигини сўради.

— Зоя Космодемьянская билан Александр Космодемьянский деган қаҳрамонларнинг онаси Любовь Тимофеевна шу киши бўлади,— деди қиз.— Эшитганмисиз?

— Эшитганман. Ҳаммаси тушунарли...

Орадан бир неча кун ўтди. Ҳамшира палатага кириб:

— Любовь Тимофеевна сизни кўргани келяпти,— деди. Бемор ётган жойида шошиб у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди.


— Салом,— деди бемор хаста товуш билан. Лабларида хиёл табассум жилваланди. Любовь Тимофеевна саломлашиб, келтирган совғасини тумбочкага қўйди, қўлидаги гулни гулдонга жойлаштирди. Пойгакда турган стулни яқинроққа суриб ўтирди, беморнинг икки юзини, пешанасини силаб қўйди.

— Қалайсиз, ўғлим? Бардаммисиз?

— Яхшиман, раҳмат!..

Любовь Тимофеевна ўша куни беморнинг ёнида узоқ ўтирди. У фарзандлари Зоя ва Шура ҳаётидан қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Саид Маҳмудов қаҳрамон Зоя ҳақида кўп эшитган эди-ю, унинг қаҳрамон укаси Александр ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эди. Александр: «Опам учун ўч оламан!», деб қаҳр-ғазаб билан жангга кирган, ўн уч немис танкини ёндириб юборган, ўн тўртинчи танкни ёндираётганида ўзи ҳам ҳалок бўлган. Меҳри дарё онанинг суҳбати бемор қалбидаги ҳаётга муҳаббат учқунларини аланғалатди.

Любовь Тимофеевна Саиддан тез-тез хабар олиб турди. Уларнинг суҳбати узоқ-узоқ давом этарди. Ана шу суҳбатлар мобайнида улар она-



Фарғона водийсидаги йирик сув иншоотлари қурилишларининг раҳбарларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаев Саид Маҳмудовнинг севимли отахони эди. (Сурат 1960 йилда олинган.)

бола тутиндилар. Онанинг меҳрибон сўзлари мажруҳ йигитнинг дардига малҳам бўлди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди, беморнинг аҳволи хиёл енгиллашди. Бироқ у ҳали ҳам ўрнидан туролмас эди. Шундай бўлса-да шифохонанинг зукко мутахассислари қайта-қайта текширишлар, маслаҳатлардан кейин, Саид Маҳмудовни Ўзбекистонга қайтариш мумкин, деган қарорга келдилар. Москвада ўн бир ой даволанган бемор она юртига қайтди. Энди унга Косонсойнинг хушманзара жойларидан «Правда» колхозининг катта олмазор, ўрикзор боғи ошиён бўлди. Қалмоқ ариғи бўйида, субҳон ўриклар остида қад кўтарган бир уй, бир айвонли манзилда тўрт ярим йил яшади. Онаси Майрамхон опа уни иккинчи марта гўдак тахлитида парвариш қилди.

— Мени деб кўп азоб чекдингиз, ачажон,— дерди Саид онасига термулиб.

— Ундай дема, болам, саломат қолганинг мен учун давлат-ку!..

Колхоз раиси Ҳакимов, бригадир Тўланбой ака беморнинг ҳолидан хабар олиб туришарди, боғбон Эгамберди ака билан қоровул Муборакхўжа ҳар куни суҳбатлашгани келишарди. Қалмоқ ариғининг нариги қирғоғидаги қўни-қўшнилар беморлан ҳол-аҳвол сўрагани, шу билан бирга ўз дардларига даво топиш учун врач Маҳмудовдан маслаҳат сўрагани чиқишарди. Кечқурунлари пастдан сойнинг шовуллагани баралла эшитилиб турар, бу аллаловчи садо беморнинг танига малҳамдек ёқар эди. Маҳмудов ана шу манзилда ўзини ҳаётга қайтарган москвалик шифокорларга, тутинган онаси Любовь Тимофеевна Космодемьянскаяга миннатдорчилик мактубларини ёзди.

1956 йилнинг январида Маҳмудов ҳаётида янги саҳифа очилди. Олти йилдан кўпроқ давом этган мажруҳликдан кейин у оёққа турди, ўзи туғилиб ўсган ҳовлида, болалиги ўтган кўчаларда одимлаб юрди. Тез орада меҳнат қучоғига қайтди. Дастлаб область касалхонасида ички касалликлар бўлимига бошчилик қилди. Айни пайтда область стационари қурилишига раҳбарлик ҳам унинг зиммасига юклатилди. Стационар қурилиб битгандан кейин ана шу шифохонада бош врач бўлиб ишлай бошлади.

Йиллар ўтаверади, Любовь Тимофеевна Космодемьянская билан Саид Маҳмудов ўртасидаги она-болалик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Саид Маҳмудов Москвага — онахони ҳузурига икки марта бориб келди. Любовь Тимофеевна ҳам ажойиб баҳор кунларида Наманганга келиб, бир ҳафта давомида ажойиб ўлка меҳмони бўлди. Любовь Тимофеевна билан Майрамхон опа узоқ-узоқ суҳбатлашдилар. Саиднинг ўзи эса, иккала онанинг гурунгига таржимонлик қилди. Ўша кунлари иккала она иштирокида Наманган областидаги колхозларда, завод ва фабрикаларда, мактабларда учрашувлар уюштирилди.

1977 йилнинг 8 май куни — Ғалаба байрами арафасида Саид Москвадан телеграмма олди. Бу Любовь Космодемьянскаянинг вафоти ҳақидаги нохуш хабар эди. Маҳмудов оғир мусибатга қолди. Дарҳол йўлга отланди, онахонининг таъзиясига етиб борди. Шундан бери ҳар гал хизмат юзасидан Москвага борганида биринчи навбатда меҳрибон онанинг қабрини зиёрат қилади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Ўтган кунлар, кечирилган ҳаяжонли онлар хусусида гап очилганда Саид Хўжаевич одатдагидек оҳиста сўзлайди:

— Мана ёшимиз ҳам бир жойга бориб қоляпти. Умрни оқар дарёга ўхшатадилар. Шу гап тўғри, ҳа-ҳу дегунча ўтиб кетар экан. Фақат эзгу ишлар, яхши одамлар хотирада қолади. Уруш бошланган кезлардаги ишларимизни эсласам, ҳали ҳам ҳайрэтланаман... Бир ойда ўнлаб госпиталь очдик. Санитария дружинаси рўйхатида 482 қизнинг номи бор эди. Уларнинг ҳар қайсиси ҳар ерда ишларди. Эшелонда ярадорлар келтирилганини эшитишим билан радио орқали қизларга хабар бераман. Барака топкурлар ёппасига вокзалга етиб келишади-да, икки соат ичида вагонларни ярадорлардан бўшатишади. Ярадорлар госпиталга жойлаштирилгандан кейин дружиначи қизларимиз тағин ўз иш жойларига жўнаб кетишади. Яна бир воқеа тез-тез хотирага тушиб туради. Автомобиль ҳалокатига учраб, Тошкентда ётган пайтимда ногаҳон иккита профессорнинг тортишувини эшитиб қолдим. Улар менинг аҳволим хусусида тортишишарди. Шаргородский деган профессор: «Тўққиз ой ётди, бўлди-да, энди туриб юраверсин», деди. Профессор Берлинер эса: «Йўқ, ҳали ётади, даволанади», деди. Ўша куни Москвадан профессор Шабановдан хат олдим. «Москвага келгин, ўзимиз даволаймиз» дебди. Самарқанддан укам Маъруфжонни чақиртирдим. У мени Москвага олиб кетди. Онахоним Любовь Тимофеевна туфайли кўп мўътабар одамлар билан учрашдим. Бир гал Куба республикасининг раҳбарларидан Рауль Кастро келганида у киши билан Союзлар уйидаги учрашувга бордик. Ўша ерда онахоним маршал Рокоссовский билан таништирди, суҳбатлашдик.

Саид Маҳмудов эсини таниб, меҳнат қила бошлабдики, элу халқ саломатлиги йўлида, юрт манфаати йўлида хизмат қилиб келди. Даволаниш вақтида ҳам тинч ётмай, «Чортоқ — Ўзбекистоннинг биринчи бальнеологик санаторийси», «Никотин — ҳаёт заҳари», «Ичкиликнинг зарари» деган асарларни ёзди.

Олдинги ғилдирак қайси йўлдан юрса, кейинги ғилдирак ҳам унинг изидан юради, деган гап бор. Бу ҳикматнинг исботини Саид Маҳмудов ва унинг укалари мисолида кўрса бўлади. Сўзимизнинг аввалида оиланинг бош фарзанди Муҳаммаджоннинг қўриқ ерга кетганини айтган эдик. У кишининг асосий касби автомеханиклик бўлди. Ёзувчи Адҳам Раҳматнинг 1975 йил нашр этилган «Қамал кунларида» очерклар тўпламини варақласангиз, ундаги «Содиқ фарзандлар» деган очерк Ленинград қамалининг мудофаачиларидан Аҳмад Маҳмудович Хўжаев ҳақида ҳикоя қилади. Аҳмаджон Хўжаев — Саид Маҳмудовнинг укаси. У бир неча бор ярадор бўлиб тузалиб чиққач, қайта-қайта жангга кирди. Жангларда кўрсатган жасоратлари учун «Биринчи даражали Ватан уруши» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. Аммо гвардиячи капитан Аҳмад Хўжаев 1945 йилнинг 18 январида Польша тупроғини фашист газандаларидан озод қилиш учун бўлган қизғин жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Саид Маҳмудовнинг яна бир укаси Маъруф Маҳмудов ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг ватанпарварлик бурчини адо этди. Жангларда бир неча марта яраланди. Урушдан кейин Самарқандда Ўзбекистон давлат университетини битириб, бир неча ўн йиллардан бери Бахмал районида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

Маҳмудовлар оиласининг кенжа фарзанди Акрамжон эса Саид Маҳмудов изидан юрди. У Самарқанд Давлат медицина институтини битирганидан сўнг ўша ерда шифокор-жарроҳлик билан илмий ишини қўшиб олиб борди. 50-йилларнинг охирида Акрамжон медицина фанлари кандидати деган илмий даража эгаси бўлди. Айни кунларда у Андижон Давлат медицина институтида бўлажак шифокорларга таълим бермоқда.

Саид Маҳмудов ҳам, укалари ҳам кўпдан-кўп яхшилар қатори ҳамиша Ватан учун, халқ учун хизматда. Бу оға-иниларнинг фазилатлари ўз фарзандларига ҳам, бошқаларга ҳам ибрат. Яшаш иштиёқи, ҳаётга таъзим ҳиссиёти уларнинг қалбида ёлқинланиб туради.

Оқилжон ҲУСАНОВ

ЛОШМОН-ИНҚИЛОБ ЎҒЛИ

УЧРАШУВ

Жамол ШАРОПОВ

Каримберди аканинг таърифини кўп эшитганман. Уни республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ўғли бўлгани учун эмас, одамохун, ишбилармон, сувни гавҳар, ерни зар баҳоси билан ўлчайдиган донишманд деҳқон бўлгани учун ҳам бутун Фарғона водийсида «отасининг боласи» деб атайдилар. Мен у киши билан учрашиш орзусида эдим. Айни баҳорда Ёзёвонга йўлим тушди. Каримберди ака раислик қилаётган Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз Марғилоннинг шундоққина биқинида жойлашган. Йўл-йўлакай колхозга кириб ўтдим.

Баҳорда деҳқоннинг ташвиши кўпаяди, чойини ҳам бафуржа ичолмайди. Раиснинг иши бошидан ошиб ётганини авзойидан билиш қийин эмасди. Биров техника, биров ўғит масаласида кирса, яна бири ипак қурти ташвишида. Ҳаммасига жали-жавоб қилиш, ёрдам бериш керак.

Ниҳоят, одам сийраклашиб, раис бизга юзланганда, яна эшик очилиб, юзлари чўзиқ, елкалари бир оз туртиб чиққан, қорамағиздан келган киши киришга рухсат сўради.

— Келинг, кираверинг, Лошмон ака,— деди раис ўрнидан қўзғалмай.

— Ўша кунги гап бўйича келувдим, раис,— деди Лошмон ака ҳонадагилар билан қўл олишиб сўрашар экан. Кейин Каримберди акага яқинроқ ўтирди.— Райсобесдагиларга учрашсам, исмингни тўғрилатиб, туғилган жойингдан справка олиб кел, дейишди. Оворагарчилиги кўпга ўхшайди. Яхшиси, пенсияга чиқмай ишлайверайин, раис?

— Мен туғилган қамоқхона бузилиб кетган, демадингизми?— деди Каримберди ака. Раиснинг мийиғида кулиб қўйганини кўриб, ўйланиб қолдим...

— Дунёнинг ишлари қизиқ-да,— деди Лошмон отани кузатиб қайтган раис ўрнига ўтирар экан,— гоҳо бир парча қоғоз юзта тирик гувоҳдан қадрлироқ бўлади. Йўқса, Марғилон атрофида шу одамнинг кимлигини етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади. Ўша — собесдаги расмиятчилар ҳам. Бари бир қоғоз керак уларга!

— Қонун шуни талаб қилади-да...

— Тўғри, қонун ҳамма учун баробар. Лекин ҳеч қандай жиноят йўқ-ку. Кимнингдир айби билан туғилган йили 1917 йил эмас, 1919 йил деб ёзилган. Қачон туғилганини ҳаммамиз биламиз. Дарвоқе, сизни Лошмон ака билан таништирмабман ҳам. Жаҳл чиққанда, ақл қочади-да...— деб раис узр сўраган бўлди.— Балки Чиннибиби ҳақида ўқигандирсиз? Бизнинг ҳамюртимиз. 1916 йил қўзғолонида қатнашиб, қамалган. Турмада туққан. Мана шу одам ўша қамоқхонада туғилган Лошмон...

— Буни қаранг-а, ҳали шу киши,— дея ҳозиргина Лошмон ота чиқиб кетган эшикка ишора қилдим,— Чиннибибининг ўғилларими?

— Ҳа-да, қамоқхонада туғилган Лошмон!

Бу сўзни эшитиб, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Чунки мен Лошмон отани ғойибона танир, у киши билан бир кўришиш орзусида эдим. Бунга академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур ўзбек аёллари тўғрисида ёзилган «Оналар» очерки сабаб бўлган. «Марғилонлик Чиннибиби Бадалбой қизи 1916 йил қўзғолонида мингбошини калтаклаб, турмага тушди,— дейилади очеркда.— Турмада туғди ва ўғлининг отини Лошмон қўйди». Шу сатрларни ўқигач, Чиннибиби Бадалованинг ҳаёти мени қизиқтириб қўйди...

Лошмон отанинг изидан югургудек, қайтариб келиб, суҳбатлашгудек кайфиятда эдим. Каримберди ака шаҳдимни пайқади чоғи:

— Агар гаплашмоқчи бўлсангиз, Бордончига ўтамиз. Лошмон аканинг тоғаси, туғишган акаси, ўша воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ҳамқишлоқлари бор. Бафуржа суҳбатлашасиз,— деди.

Раиснинг таклифи маъқул тушди. Колхозни айландик, Марказий Фарғона чангалидан юлиб олиб ўзлаштирилган ерларни кўрдик, ажойиб деҳқонлар билан суҳбатлашдик. Йўлдош отанинг шаҳар ўртасидаги уй-музейини томоша қилдик. Кечга яқин Марғилон — Ёзёвон йўлидан кетаётганимизда, «Бордончи» деган ёзувга кўзим тушиб, севиниб кетдим.

Раис айттириб қўйган шекилли, Лошмон ота кўчаларга сув септириб, ҳовлидаги ток тагига жой қилдириб, бизни кутиб турган экан.

Лошмон ота Марғилон услубида безак берилган уч хонали гувала уйда тўрт ўғил, бир қизи билан яшаркан. Катта қизи Мамлакатни узатибди, ўғли Маматни уйлантириб, ҳовли-жой қилиб берибди.

— Ҳали Ғафур Ғулом ёзган ўша Лошмон мен денг?— деб остонада кулиб турган мезбонга қарадим.

— Шундай! Мана бу китобда онамизнинг суратлари ҳам бор.— Лошмон ота токчадан З. Кастельскаянинг 1937 йили мардикорликка қарши халқ қўзғолонининг йигирма йиллиги муносабати билан чоп этилган «Узбекистонда 1916 йил қўзғолони» китобини қўлга олди. Унда Чиннибибининг қамоқхонада олинган сурати, Марғилон қўзғолони ҳақида батафсил маълумот берилган эди. Фарғона губернатори Гиппиуснинг Туркистон генерал губернатори номига юборган телеграммаси эътиборимизни тортди: «Бугун, 10 июлда Эски Марғилонда мардикорликка одам олиш эълон қилиниши муносабати билан бошланган тўполон пайтида рус офицери, икки оқсоқол, бир маҳаллий полициячи ва тўрт киши — ҳаммаси бўлиб саккиз киши ўлдирилди. Скобеловодан казаклар юборилди. Лекин бу пайтда оломон тарқаб кетган эди».

Дам китобга, дам ўша кунлар гувоҳи — Лошмон отага қарайман. Ҳозир у оддий бир колхозчи, Каримберди ака айтмоқчи, ўзига, бутун меҳнат аҳлига бахт берган инқилоб шарафига Ёзёвон чўлида боғ яратган соҳибкоргина эмас, революция бўронларида дунёга келган, қамоқхона эшикларини парчалаб, қўлига қурол олган, озодлик йўлида жонини ҳам аямаган минглаб лошмонлар тимсоли бўлиб туюлди.

ҒАЗАБ ҚАЙНАГАНДА

— Нега индамайсизлар, қиличдек йигитларни мардикорликка бериб, қон қақшаб қолаверамизми?— деди ўтирганлардан бири.

— Илож қанча? Бир бизми, бутун юртнинг бошида шу ташвиш бўлса,— деди Усмон элликбоши.— Марғилонга кетган вакил келсинчи, шунга қараб иш кўрамиз.

— Йўқ, фақат бечоралар бошига тушган бало бу. Нега бойлар, оқсоқоллар, муллаларнинг ўғиллари рўйхатга ёзилмади?— Бояги одам элликбошига қаради.— Тақдирга тан бериб ўтираверсак, ҳали бундан ҳам оғир мусибатлар тушади бошимизга.

— Мен кеча Марғилонга тушган эдим, Ғани мискар деган танишим бор, ўшанинг гапига қараганда, шаҳарда мардикорликка қарши шўриш бўладиган чоғи. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, бир чорасини топишимиз керак,— деди Тўхтабой.

— Ким қилар экан қўзғолонни?— деди ҳайрон бўлиб Жўра.— Хўжайинларга қарши чиқиб бўладими ҳозирги замонда?

— Ғафлат уйқусидан бош кўтарадиган замон келди, пичоқ суякка бориб қадалди, оғайни. Бойлар қонимизни сўргани етмагандек, оқпошшо учун Сибирга бориб ишлашимиз қолганмиди?

— Нима қил дейсиз? Ўша Ғани мискардан сўрамадингизми? Халқ қўзғаладиган бўлса, қаерга боради, кимга учрашади?

Бир неча киши Тўхтабойга мурожаат қилди:

— Мингбошининг маҳкамасига бориб, йигит олинишини бекор қил, деб шарт қўяйлик.

— Бир-икки қишлоқ бош кўтаргани билан нима бўларди? Бекорга қон тўкилади,— деб Усмон элликбоши бу таклифга қарши чиқди.— Оқ подшонинг фармонини мингбоши бекор қила оларми?

— Йўқ, амаки, Тўхтабойнинг фикри тўғри. Муттаҳамларга қора халқ нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйиш керак,— деб боядан бери эркакларнинг гапига аралашмай ўтирган Чиннибиби рўмолининг бир учини тишлаганча ўрнидан турди.— Бири мен бўлсам, эрим кетса, уч болам билан ҳолим не кечади? Мана сиз, ўғлингизни, жиянингизни мардикорга юбориб, улар ғамида куйиб-ёнмайсизми?

— Гапинг тўғри, Чиннибиби. Лекин уйинг куйгурларга бас келиб бўладими? Пул ҳам, қурол ҳам, қонун ҳам шуларнинг қўлида. Бош кўтарганимиз билан қўлимиздан нима келарди? Қонун уларга ён босади.

— Йўқса теримизни шилиб, танимизга туз тиқса ҳам пешанада борини кўрамиз, деб ўтираверишимиз керак экан-да! Мунча шўр бўлмаса бу пешачамиз?— деб Тўхтабой киноялн жилмайди.

— Мардикорликка олинган йигитларнинг рўйхати ҳойнаҳой маҳкамада бўлиши керак. Исополвон мингбошига ана шу рўйхатни бер, деймиз. Яхшиликча бермаса, маҳкамага ўт қўямиз, рўйхат ёниб кетади,— деди Чиннибиби.

— Нималар деяпсан, бошимиз балога қолади,— деди Усмон элликбоши.— Рўйхат ёнгани билан мардикорликка йигит беришдан қутулиб қолармидик? Қайта рўйхат тузадилар.

— Ҳозирги турмушимиз кулфат эмасми? Қачонгача елка қисиб яшаймиз? Сибирь деганлари борса келмас бир жой эмиш. Йигитларнинг ҳоли не кечади?— деди Мирзо тоға.

— Қуролсиз бош кўтариб ҳеч иш чиқаролмаймиз. Яхшиси, оқибатини кутайлик,— деб Усмон элликбоши ҳамқишлоқларига таскин бермоқчи бўлди.

Марғилон йўлида отлиқ кўринди. Ҳамма унга талпинди. Абдужаббор шаҳарда кўргани, Ғани мискарни отишгани, халқ ғазабга келиб бошлиқларни уркалтак қилганини айтди. Азбаройи ҳаяжонланганидан тили базўр айланар эди.

— Мана, кўрдингларми, беҳудага қон тўкилади,— деди Усмон элликбоши.

— Сизларнинг юракларингиз бўлмаса, мана, мен бораман,— деб Чиннибиби рўмолини белига боғлаб ўрнидан турди.— Ўша маҳкамасига ўзим ўт қўяман.

— Тўхта, Чиннибиби,— деб Усмон элликбоши унинг йўлини тўсди,— бу ишда шошқалоқлик кетмайди. Қишлоқ мўйсафидлари билан кенгашайлик, қани улар нима маслаҳат беришади. Бекорга қон тўкилмасин.

Чошгоҳга яқин кўприкбошига тўпланган Шаҳартепа, Қизилой, Қосимаминтўпи, Бордончи ва бошқа қишлоқ одамлари Ёзёвон маҳкамаси томон йўл олдилар. Бировнинг қўлида паншаха, биров кетмон, биров хаскаш кўтарган. Чиннибибининг ёнида бораётган икки йигитнинг қўлида эса пахтавон пилта милтиқ. Ҳозир оломон — тоғдан тушиб келаётган сел. Одамлар дарёсини дарчадан кузатиб турган Исополвон мингбошининг юраги орқасига тортиб кетди. Аввалига дераза-эшикларни беркитиб олмоқчи бўлди, лекин халқнинг ғазабидан яшириниш қийинлигига кўзи етиб, уларга пешвоз чиқиш ва қандай бўлмасин шўришни бостириш йўлини ўйлади...

— Оломон бостириб келаяпти, нима қиламиз, оқсоқол!— деб қўрқиб кетганидан мўйлови пирпир учаётган Асқар миршаб остонанинг у томонида туриб бақирди.

— Кўзим кўр эмас, ҳаммасидан хабарим бор. Умар айғоқ қани? Айт, отни миниб, Искобилга чопсин, халойиққа ўзим пешвоз чиқаман.

Давоми 10, 11, 12-бетларда

Ажойиб тақдирлар

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

ОЛОВ ЙЎЛИ

Шўртан — Сирдарё ГРЭСи трассасидан лавҳалар

— Илгари бу ерларга инсон оёғи етганмикан?— деб сўради пайвандловчи Стоил Велинов.

— Қадимги Ипак йўли шу ерлардан ўтган,— дедим мен.

Қурувчи Зокир Турдиев кўз илғамас чўл бағрини кесиб ўтган трассага тикилди:

— Бизнинг трубопроводларимиз эса Ипак йўлидан ҳам зарурроқ.

— Тўғри, — деди болгар дўсти. — Бўлмаса, «Правда» газетаси бизнинг трассамизни Петровск, Елец, Уренгой ва Челябинск қурилишлари қаторига қўшмас эди.

Стоил Зокирга газетани узатди. Зокир овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «...Истеъмолчиларга етарли миқдорда нефть ва газ етказиб бериш учун ҳали яна 8 минг 685 километр узунликда трубопроводлар ётқизиш лозим. Улардан энг муҳими: Петровск — Елец, Уренгой — Челябинск, Шўртан — Сирдарё ГРЭСи трубопроводларидир».

Зокир Ўрта Осиё Газ-нефть иншоотлари қурилиши трести бошқарувчисининг ўринбосари Анатолий Рагулин билан қилган суҳбатини эслади. Анатолий Петрович ўшанда унга бу улкан трассанинг моҳиятини содда қилиб, лекин муфассал тушунтириб берган эди.

— Тўғрисини айтганда,— деган эди у,— сўнгги йилларда республикамизда тоза газ миқдори нисбатан камайиб кетди. Бу эса таркибида олтингугурт бўлган газ запасларидан саноат усулида фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Чунончи, яқинда Муборакда ана шундай йирик корхона — газни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Ундан Навоий ГРЭСига қувурлар тортилди. Энди навбат Шўртан «зангори олов»ига... Бу газ конидан Сирдарёгача 442 километр! Ҳазилакам масофа эмас! Улкан станция тўла қувват билан ишлаши керак. ГРЭСда ҳозир бир кеча-кундузда 7 минг тоннадан зиёдроқ қорамой ёқилмоқда. Бу — деярли уч состав поезднинг юки: у Ўрта Осиё конларидан Омск, Братск, Ангара сингари ўнлаб узоқ саноат марказларидан келтирилмоқда. Оқибатда бир тонна қорамойнинг нархи йўл харажати билан бирга 25 сўмга тушмоқда. Бунинг устига, танқис. Шунинг учун ўтган йили ГРЭС қувватидан фойдаланиш коэффициенти атиги 47,7 процентни ташкил этди. Ҳаракатдаги саккиз блокдан тўрттаси ишлади. Пировардида ҳар бир киловатт соат электр қувватининг таннархи 0,7 тийинга етди.

1981 йил охирларигача ГРЭСнинг яна икки блоки ишга туширилиши лозим. Бунинг учун эса ёнилғи керак. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз станциянинг барча агрегатларини Шўртан гази билан ишлашга кўчиришни лозим топди.

— Энди ГРЭСнинг қувват ҳосил қилиш имконияти кўпайса керак,— деди Зокир.

— Албатта!— деди Рагулин ҳаяжон билан.— Дастлабки ойларнинг ўзида энергия миқдори ўн миллиард киловатт соатдан 13 миллиард киловатт соатга кўпаяди. Ҳар бир кубметр «зангори олов» нархи қорамойга нисбатан 15 сўм арзонга тушади. Электр қувватининг таннархи икки баравар камаяди.

Стоил Зокирнинг ҳаёлга чўмганини кўриб, унга халал бермади. Ўрнидан туриб, вагон-уйлар томон кетди.

Зокирнинг овозини гуриллаган мотор овози бўлди. Вагон-уйлар олдига машина келиб тўхтади. Ундан Бухоро Газ саноати қурилиши трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Марат Носиров тушди.

— Мана, лойиҳалар ҳам тайёр, укалар,— деди у йигитларга юзланар экан, қизил муқовали папкадан аллақандай чизмани олиб.— Мана бу ГРЭС, мана бу Фарҳод посёлкаси, унинг ёнида биз қурмоқчи шаҳарча...

— Шўртан қаерда?— дея қизиқиб сўради Стоил.

— Мана бу ерда, ўртоқ Велинов,— деб Марат Акбарович унга меҳр билан тикилди.— Диаметри 1 минг 20 миллиметрли пўлат қувурлар Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё областлари ва қисман Тожикистоннинг Ленинобод область территориялари орқали ўтиб, Сирдарё ГРЭСига олов етказиб беради. У мамлакатдаги йирик олов йўлларидан бири. Таркибида олтингугурт борлиги учун бу газни маиший эҳтиёжлар учун ишлатиб бўлмайди. Электрстанциялар учун эса у яхши ёнилғи ҳисобланади.

Бир зумда бошлиқ атрофида одамлар кўпайиб қолди. Бетончи Зайнобиддин Султонов Марат Носировдан сўради:

— Газ таркибидаги олтингугурт қувурларга таъсир қилмайдими?

— Бу муаммо аллақачон ҳал этилган, дўстлар,— деди Носиров.— Тўғри, биз дастлаб қувурларни қалинроқ пўлатдан ясамоқчи бўлдик. Лекин бунда одатдагидан йигирма-йигирма беш процент ортиқча металл сарфланаркан. Кейин Муборакдаги сингари, Шўртанда ҳам газни қайта ишлайдиган корхона қурмоқчи бўлдик. Бироқ мутахассислар: «Бу самарали йўл эмас», деб унамадилар. Чунки завод қуриш учун кўп вақт талаб этилар эди. ГРЭС эса ёнилғига муҳтож. Пировардида, ҳар уч йилда бир марта кучли босим ёрдамида махсус суюқлик юбориб, қувурлар ичини ёғлаб туришни лозим топдик. Бунда газ таркибидаги олтингугурт пўлат қувурларга таъсир қилмайди. Қувурлардан яна эллик-олтмиш йил бемалол фойдаланса бўлади. Ярим аср-а! Оз муддат эмас. Бу давр ичида давлатимиз оладиган фойдани бир ҳисоблаб кўринг-чи?!

— Марат Акрамович, трассага ҳаммаси бўлиб қанча капитал маблағ сарфланади?— деб қизиқиб сўради Стоил.

— 109 миллион!

— Бу ҳаражатларнинг ўрни неча йилда қопланади?

— Тўрт йилда,— деб лўнда жавоб қилди бошлиқ.— Ҳар куни трасса бўйлаб 15 миллион куб метр Шўртан «зангори олов»и оқиб туради. Бу — бутун бошли олов дарёси-ку. Трассамиз йил давомида 25—28 миллион сўм соф фойда келтиради. Энг муҳими, Ўзбекистон қуёши деб аталаётган Сирдарё ГРЭСи тўла қувват билан ишлайди, яъни шу воситада юзлаб корхоналарда янги-янги қувватлар ишга тушади. Маҳсулот ишлаб чиқариш мунтазам равишда ортиб боради.

Қуёш уфққа бош қўйиб, чўл шамоли эса бошлади. Кўп ўтмай қоронғи тушди. Бир ёнда нурчилар шаҳри — Ширин, бир ёнда Шўртан — Сирдарё ГРЭСи газ трассаси бунёдкорларининг манзилгоҳи — Фарҳод.

— Трасса мана шу ердан бошланади!— деди ҳамроҳим Марат Носиров. У кўрсатган томонга қарадим. Машина чироғи бетон қозиққа қоқилган тахтачадаги «1» рақамини ёритиб турарди.—200 километр масофадаги қурилиш трестимиз ихтиёрида; ундан нариёғида Ўрта Осиё Газ-нефть иншоотлари қурилиши трести қурувчилари меҳнат қилмоқдалар. Кўриб турибсиз, заранг ерлар... Яқин келажакда совет Шарқи чинакам нурхонага айланади. Ўрта Осиё республикаларида ҳозир бирданига Норак, Вахш, Толлимаржон, Қайроққум, Навоий, Сирдарё каби янги нур қасрлари бунёдга келтирилмоқда. Улар орасида энг қудратлиси Сирдарё ГРЭСи бўлади. Келгусида унинг умумий қуввати 4 миллион 400 минг киловаттга етади. Ҳар бир блокининг қуввати қарийб уч Фарҳод ГЭСига тенг бўлади. ГРЭС тўла ишга тушганда қирқта Фарҳод ГЭСи ҳаракатга келди, деяверинг. Лекин шундай улуғ иш хамирдан қил суғургандек осон битмайди. Қийинчиликлар ҳам етарли,— деб гап оҳангини ўзгартирди у.— Дарвоқе, қурилишимиз янги: у 1978 йили бошланган. Дастлабки кезларда жуда қийналдик. Уй-жойлар ҳадеганда қурилавермади. Вагон-уйлар етишмасди. Қувурлар, техника вақтида келмади, ишчи кучини уюштириш ҳам осон бўлмади. Қурилишга мутасадди ҳар икки трест пландаги 32 миллион сўм капитал маблағнинг 21 минг 438 сўмидан фойдаланди, холос. Яъни ҳар бири кўзда тутилган 15 миллион сўм ўрнига 8,5—9 миллион сўмлик иш бажарди. Лекин бизга газеталар ёрдам қўлини чўздилар. Шундан сўнг назорат кучайди. Таъминотчилар тартибга чақирилди. Кучлар марказлашди. Орадан икки-уч ой ўтгач, аҳвол бутунлай ўзгарди. Биринчи кварталда 12,8 миллион сўмлик, иккинчи кварталда 14 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Белгиланган ишлар ҳажмидан ҳозир бир ярим ойга илгарилаб кетдик. Ишимизнинг кўлами кун сайин ортмоқда. Сўнгги километрларга пўлат қувурлар ётқизмоқдамиз.

Зарбдор посёлкасида барча қурилиш участкаларининг қурувчилари иштирокида ўтган радиолетучка тугади. Марат Носиров зинадан тушаркан, кулиб ёнимга келди.

— Йўлимиз бир чиқиб қолди, меҳмон. Мен ҳам сиз билан ҳозир Тошкентга кетаман.

— Тинчликми?— деб сўрадим.

— Топшириқ бор,— деди у қисқа қилиб.— Ирек Аспатович билан эртага Москвага учадиган бўлиб қолдик.

— Шўртан Газ кони қурилиши директори Сулаймонов биланми?

— Худди шундай.

Бу гапдан кейин Шўртанда бўлганимда Ирек Аспатович газ кони иншоотлари ва трасса қурилиши суратига ҳалал бераётган бир талай тўсиқлар ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида сўзлаганини эсладим. Ушанда у яқин кунларда Москвага — СССР Нефть ва газ саноати корхоналари министрлигига трасса қурилиши вакиллари билан бирга жўнамоқчи эканлигини айтган эди.

— Вақт — қисқа, иш эса кўп. Қурилишнинг бошланганига уч йил бўлса ҳам, сув муаммосини ҳал этолганимиз йўқ,— деди у.—47 километр узунликда Толлимаржон — Шўртан сув йўлининг қуриб битказилганига саккиз ойдан ошди-ю, лекин сувдан дарак йўқ. Қурувчиларга ичимлик сувини Қарши шаҳридан ташиб келтираётирмиз. Электр қуввати таъминотида ҳам аҳвол шу. Кон иншоотлари қурилиши майдончаларида трансформаторлар ўрнатилиб, узатиш линиялари тортилганига икки-уч ой бўлиб қолди. Бироқ ҳануз қувватдан фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз. Область электр тармоқлари корхонаси ходимлари эса парвойи фалак. Электр линиялари ва ускуналарни монтаж қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган Ўрта Осиё Электр тармоқлари қурилиши трестининг 5-бошқармаси коллективи иши ҳам олға силжимаётибди.

Мен Сулаймоновнинг шу гапларини хотирлаб:

— Жуда куюнчак одам экан,— дедим.

— Ишчан одам!— деди Носиров.— Ўтган гал республика Автомобиль транспорти министрлигида ўтган кенгашда бирга иштирок этдик. Министрга ўз сўзини ўтказди. Машина сўради. «Кон территориясида сал кам йигирма километрли асфальт йўл қурилиши зарур. Бунинг учун эса юк автомашиналари етишмаётибди. Топиб берасиз», деб туриб олди. Хуллас, Александр Фадеевични кўндирди.

Марат Носиров ҳақ гапни айтди. Ирек Сулаймонов каби ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган, фидойи коммунистларнинг меҳнат шижоати туфайли Шўртан гази — жуда ноёб ёнилғи яқин йиллар ичида Толлимаржон, Сирдарё ГРЭСларининг барча қувватларини мунтазам ҳаракатга келтиради. Шу сабабли ҳозир Шўртан — Сирдарё ГРЭСи газ трассасида бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан қизғин давом эттирилмоқда. Кон яқинида суюлтирилган газ тайёрловчи станция, йилига 500 минг тоннага қадар оқсил моддаси ишлаб чиқарувчи саноат комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳада газ кони йилига 8 миллиард кубметр «зангори олов» бериш имконига эга, деб кўрсатилган. Беш йилликнинг якунловчи йилида ана шу қувватнинг ярми ҳосил қилинди. Бунинг учун йил охирига қадар 28 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши, 18,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши лозим. Шунингдек, 13 миллион сўмлик ҳажмдаги газ қувурлари пармаланади. Ўн биринчи беш йилликда кон қуввати йилига 9—10 миллиард куб метрга, яқин келажакда эса 16 миллиард кубметрга етказилади.

Охири 12-бетда

Шўртан — Сирдарё газопроводи республикамиздагина эмас, Иттифоқимиз миқёсидаги энг йирик қурилишлардандир. Барча совет кишилари каби, бу зарбдор қурилиш коллективи аъзолари ҳам жонажон партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини муносиб меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш мақсадида иш суръатини борган сари жадаллаштирмоқдалар. Ҳисор Нефть қидирув экспедициясининг мастери Сергей Савин ва пармаловчи Эркин Рисмуҳамедов съездолди социалистик мусобақаси ғолиблари сифатида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси



Тошқўрғон кўчаларидан бири.

Қизилсув қўриқхонасидаги Ҳўкизбурун шаршараси.

Кўҳна масжид шифти.

Темур ғорининг ички кўриниши.

А. ЖДАНОВ фотолари

ТОШҚЎРҒОНДА БИР КУН

Ҳисор тоғларининг сурмаранг чўққилари орасида жойлашган кўҳна Тошқўрғон қишлоғини кўришни анчадан бери орзу қилардим. Қашқадарё воҳасида алоҳида нуқта бўлган, ноябрь ойидан то мартга қадар «Катта ер»дан ажралиб яшайдиган бу жой одамларининг ҳаёти, турмуши, шарт-шароити, табиати, тарихи, ёдгорликлари мени анчадан бери қизиқтирарди.

Сафарнинг мавруди келди. Биз тушган УАЗ машинаси тоққа ўрлаган асфальтдан Тошқўрғонга йўл олди.

Қишлоқ билан орамиз йигирма беш чақирим. Лекин бу масофани босиб ўтиш анча машаққатли. Ҳар лаҳза, ҳар қадам қалтис, ҳушёрликни талаб қилади. Йўл тик чўққиларга қараб, қоялар орасидан илон изи бўлиб оралаб кетган. Қишда қор босиб ётадиган бу йўлдан то баҳор қуёши чарақламагунча юриш имкони йўқ. Тошқўрғон билан «катта ер»ни боғловчи бирдан-бир восита — шу йўл.

Айланма довонлардан ошиб, кўм-кўк майса қоплаган чўққига чиқдик. Календарь бўйича июнь ойининг иккинчи ярми бўлса ҳам, бу ерда эндигина апрель ойи бошланаётгандек. Олча ва ўриклар гуллаган. Каклик, майна, югуриб ўтган қуён кўзга чалинади. Яна бир неча километр юргандан кейин айиқ ва тўнғизларни ҳам учратдик.

...Бу тонг мен учун ўчмас хотиралар қолдирди. Барра майсаларнинг ажиб бўйини туйдим, кўзлари доимо ҳадиксираб турадиган қуённи кўрдим, мовий осмоннинг бепоён кенгликларида ҳаволаган тўғай навосини тингладим. Айланмадан ўтганимиздан кейин булоқ ёнида машинадан тушдик. Сув шу қадар шаффоф ва муздек эдики, тишни зирқиратиб юборди. У ер қаъридан сизиб чиқиб, тоғ дараларида катта оқимга айланар, Қарши даштида меҳнат қилаётганларнинг хонадонларига қувонч олиб кирар эди. Булоқнинг номи «Оби замзам» бўлиб кетган. У ҳақда афсона ҳам бор.

Эмишки, бир кун Яккабоғ бегининг онаси туғма кўр қизи Зайнабни булоққа олиб келибди. Унга булоқнинг сувидан ичириб, юзини ювдирибди. Шунда бирдан Зайнабнинг кўзи очилиб, ёруғ жаҳонни кўрибди. Бу — афсона, албатта. Аммо булоқнинг биллур сувидан қониб ичган ҳар бир киши денгизнинг мовийлигини, чўққиларнинг юксаклигини, тоғ ҳавосининг мусаффолигини, заминнинг беқиёс ҳидини туяди. «Оби замзам»нинг сири шунда.

Тоғ булоғидан яна бир бор тўйиб сув ичгандан сўнг нариги довонга пиёда чиқишга аҳд қилдим. Ярим соатдан сўнг кўз ўнгимда ажиб олам пайдо бўлди. Олдинда водий, сўлда — ёнбағирлаб жойлашган Тошқўрғон қишлоғи.

Тоғ манзараларига маҳлиё бўлиб термулдим. Қишлоқ кўм-кўк дара қўйнида. Уч юз ҳовлидан кўпроқ оилани бағрига сиғдирган кўркам гўша. Қуш парвози етмас бу баландликда у худди саробга ўхшайди. Мана шундай туйғулар шеърий сатрларга айланди:

О, Тошқўрғон, сурурли қишлоқ,
Рақсга тушар ҳатто соялар.
Мағрур ташлаб юксакка нигоҳ,
Тош қотганча турар қоялар.

Юксакликда яхши англанар —
Замин меҳри. Шу ўнгирларда
Гулдирак-ла юзма-юз турар,
Кўкрак кериб дўл, ёмғирларга.

Тошқўрғонни яқиндан кўришга, кўчалари бўйлаб юришга ошиқдим. Машина пастга тушиб борарди. Бир кичик дарёдан ўтдик. Қирғоқ бўйлаб анча юрганимиздан сўнг, тепалик ортидан қишлоқнинг дастлабки томлари кўринди. Кўришим биланоқ қадимги ёдгорликлар, тарихий топилмалар билан биринчи бор танишганимни эсладим. Тошқўрғоннинг бошқа қишлоқларга ўхшамаслигини кўриб таъсирланиб кетдим. Назаримда, унинг кўчаларида минг йиллик тарих қад ростлаб турарди.

Афсоналарга кўра, халқ қаҳрамони Фарҳод шу ерда яшаган, у ташна ком ерларга сув келтириш учун бел боғлаган эмиш. У қояларни итқитиб, қудратли дарё йўлини очган, шундан сўнг ташна чўллар бағрига, боғ-роғларга айқириб сув оққан экан...

Қишлоқ беш юз йил олдин қурилган, ҳозир ҳам ўша майдонни ишғол қилиб турибди. Лекин ўтган вақт ичида, албатта, бошқа қишлоқ ва шаҳарлардаги сингари, бу ерда ҳам кўп ўзгаришлар юз берган. Уйлар баҳаво, ҳовлилар баланд деворлар билан ўралган. Ҳовлилар кичик-кичик қўрғондек таассурот қолдиради. Дарвозалари яхлит-яхлит чинор тахталардан ясалган. Бундай дарвозани очиш ҳам маҳол. Уни ҳатто гурзи билан бузиш ҳам мушкул. Бу ўрта асрларнинг эҳтиёжидан туғилган, ўша суронли даврларнинг анъанасидир.

Мен дарвозалардан бирини очиб ичкари кирдим. Ҳовлида ўрик ва анор. Кенг айвон, бурчакда эса мой соладиган танқа. Лекин ҳовли бўм-бўш, жон зоти йўқ. Қўшни ҳовли ҳам шундай. Кўчанинг нариги бетидаги ҳовлида ҳам одам кўринмади. Тириқчилик учун ҳамма нарса бор, лекин қишлоқ етим қолгандек, ҳувиллаб ётибди.

Қишлоқ аҳолиси беш-олти ойлаб қор қоплаб ётган йўлдан юролмас, шаҳарга тушолмас эди. Бир қишлоқда, бир хил ҳаёт тарзига ноилож кўникиб қолар эдилар. Қачонлардир бундай яшаш балки яхши бўлгандир. У замонлар қишлоқ аҳли табиатнинг саҳовати эвазига анча пайтларгача ўз қишлоғи тинчини сақлаган. Лекин бизнинг давримизда «Катта ер»дан ажралиб, унинг нафасини ҳис этмай яшашни тасаввур қилиб бўладими! Шунинг учун Тошқўрғон аҳолиси воҳанинг бошқа жойига кўчиш, ўз кучқувватларини қайноқ ҳаёт қучоғида синаш ҳақида ўйлай бошлади. Бу гап асосан ёшлардан чиқди. Ҳарбий хизматдан қайтган, олий ўқув юртларида билим олгач марказларда қолиб ишлаётган ёшлар туғилган қишлоқларига келганда, ўз ота-оналари, ҳамқишлоқларини «Катта ер»га чиқишга қайта-қайта ундар эдилар. Воҳага кўчилса, равон асфальт йўллардан юрилади, кинотеатрларга тушилади, Хуллас, замонавий маданий ҳаёт имкониятларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Буни якка тартибда амалга ошириб бўлмас эди, албатта. Масалани бамаслаҳат ҳал қилиш, бир-бирини қувватлаш қишлоқ аҳолисининг фазилати. Бу тўғрида оила аъзолари йиғилганда, кексалар тўпланганда неча марталаб фикр юритилди. Лекин шундай катта қишлоқ бирданига қаёрга кўчиши мумкин? 320 хўжалик ҳазилакам гапми! Агар ҳамма бараварига бир ерга кўчиб борса, битта янги совхоз ташкил қилса бўлади. Лекин Яккабоғ районида бундай жой ва имконият йўқ.

Қарши чўлини ўзлаштиришга киришилган, чўлни бўстонга айлантириш учун янги посёлкалар, янги районлар вужудга келтирилар эди. Тошқўрғонликлар ўзаро маслаҳатлашиб Қарши чўлига кўчишга қарор қилдилар. Улар эндигина қурилиб битказилган агрошаҳарчани эгалладилар. Қишлоқ аҳолиси учун барча нарса муҳайё эди. Қулай, чароғон, шифер билан ёпилган, томорқали уйлар. Савдо маркази ва замонавий усулда жиҳозланган ўрта мактаб. Маданият саройи. Хуллас, тошқўрғонликларнинг янги жойдан кўнгли тўлди.

Тошқўрғон қишлоғининг эса бироята ҳовлиси, бироята уйи бузилмасдан ўз ҳолича қолдирилди. Тошқўрғонликлар ота-боболари ва ўзлари қурган иморатларни бузгилари келмади. Туғилган уйининг деворига кетмон қўйишга кимнинг ҳам юраги бетлайди! Тошқўрғон қишлоғини неча-неча аждодлар бунёд этган. Уни, агар таъбир жоиз бўлса, қадимий Ўзбекистоннинг хотира музейи дейиш мумкин. Унинг турмуш тарзи ҳам, маданият обидалари ҳам республикамизнинг аҳоли яшайдиган бошқа жойларидаги сингари ўзбек халқининг қадимги удумларига ҳамоҳанг ва муштаракдир.

Тошқўрғондаги уйлар бир хил усулда қурилган пешайвонли, мустаҳкам синчли. Ёғочдан ўйиб ишланган тарновлар. Икки табақали дарча, ичкари олиб кирадиган эшиқ, уйнинг шифтига тиғиз терилган нақшли вассалар. Токчалар кўрпа-ёстиқ тахмони учун қурилган балғондорга туташ. Кўриниб турибдики, бу шунчаки ҳовлилардан иборат бир қишлоқ эмас. Воҳага кўчган одамлар икки ғилдиракли араваларни, сув чиғириқларини, тегирмонларни ҳам қолдириб кетганлар. Ёғоч охурлар, ҳатто омочни ҳам учратасиз. Тўғри, улар анчадан буён кераксиз матоҳдек ётган эди. Энди бу осори атиқа, даврнинг шиддатли оқими четга суриб ташлаган ана шу нарсаларни музейларда, баъзи кўҳна қишлоқлардагина аҳён-аҳёнда учратасиз.

Тошқўрғон бахтли тасодиф билан омон қолди. Бу қишлоқни текислашнинг сира зарурати йўқ. Томошага келувчилар учун қишлоқ ҳамон аслидек турибди. Сўнгги пайтларда бу ерга бир қанча саёҳатлар уюштирилди. Бу ерга Москва Давлат университетининг экспедицияси ҳам келди. Тошқўрғонга келган одамлар тарихнинг шоҳиди бўлиб, бой таассуротлар билан қайтадилар. Уларнинг хаёлига бу жойни авлодлар учун очиқ музей ҳолида асраб қолиш керак, деган фикр келиши аниқ. Бунинг устига, Тошқўрғон Қизилсув қўриқхонаси билан туташ. Бу ерда қолган баъзи одамлар шу қўриқхонани қўриқлайдилар. Қизилсув қўриқхонасида ҳайвонот оламининг тўқсондан ортиқ турини кўриш мумкин.

Тошқўрғондан беш километрча нарида эчкемар сўқмоғи бор. (Аждодлари узоқ даврларга бориб тақаладиган, катталиги ярим газча келадиган бу маҳлуқлар тупроқда бесўнақай из қолдирган.) Ундан нарида эса Темур ғори бошланади.

Тошқўрғоннинг ўзида ҳам диққатга сазовор жойлар кўп. Шундай ёдгорликлардан бири Аловиддин масжидидир. Меъморлик жиҳатидан бу бино ўзгача қурилган. Қизилсув қўриқхонасининг директори Салим Содиқовнинг фикрича, унинг қурилганига 250 йилдан ошган. Масжиднинг баланд-лиги гумбази билан бирга 20 метр келади. Гумбазини тутиб турган чинор стунлар жимжима нақш билан безатилган. Ёғоч стунлар саккиз паҳлили қилиб тарашланган. Гумбазнинг шифти нилий рангга бўялган. Безаклар, хилма-хил ранглар, ёғочларга солинган ўйма нақшлар меъморларнинг юксак диди ва маҳоратидан далолат беради.

Тошқўрғондаги Мамарасул Аҳмедовнинг ҳовлиси ҳам диққатга сазовор. Бу каттакон хонадонда 204 киши бўлиб, оила аъзолари бир эшикдан кириб чиққанлар. Ўзига хос бу жамоа 35 оиладан ташкил топган. Ягона ҳовлининг ўртасида оила бошлиғининг хонаси жойлашган. Унинг ўнг ва чап қанотидан бир-бирига туташтириб оиланинг бошқа аъзолари—ўғиллар ва неваралар учун хоналар солинган. Ҳовлининг қоқ ўртасида катта дошқозон, унинг ёнида ўнта челак ҳозир ҳам турибди. Ягона ҳовлида яшаб, бир қозондан овқатланган бу аҳил оилани тошқўрғонликлар меҳр билан тилга оладилар.

Тошқўрғонни кўрган киши аҳиллигининг беқиёс куч эканини яна бир бор сезади. Юксак тоғлар орасида ҳаёт кечирган матонатли одамларнинг донишмандлиги мафтун этади, табиатнинг кўрки, тоғларнинг гўзаллиги, қояларнинг мағрур туриши сеҳрлаб қўяди.

20-йилларда Бухорода инқилоб ғалаба қилиб, амирнинг чет элга қочганини эшитган тошқўрғонликлар дарҳол ўз ревкомларини тузганлар ва Бухорога вакил юборганлар. Буни пайқаб қолган Яккабоғ бегига қарашли босмачилар тўдаси тошқўрғонликларни жазоламоқчи бўлган. Аҳоли бутун қишлоқни айланасига душман кира олмайдиган тўсиқлар билан ўраб олган. Қамал икки ҳафта давом этган. Мудофаачилар бу вақт ичида юзга яқин қўлбола тўппонча ва тўртта ёғоч ғилдиракли тўп ясаганлар. Металлни ҳам ўзлари қуйганлар. Тошқўрғоннинг жасур одамлари ғалаба қилганлар, улар қалбидаги озодлик ва ҳақиқат туйғулари рўёбга чиққан.

Тошқўрғонликлар меҳнатда ҳам, курашда ҳам собит кишилардир.

Қишлоқдан қайтар чоғимда унга яна узоқ тикилдим. Неча-неча авлодлар барпо этган бу тарихий ёдгорлик, бу гўзал гўша бузилиб кетмаслиги керак. Ўйлаймизки, бу ерда истиқомат қилаётган тошқўрғонликлар қишлоқ кўчаларини қаровсиз қолдирмайдилар, қишлоқнинг вайрона бўлишига йўл қўймайдилар. Уларга ҳар томонлама, яъни фан соҳасида ҳам, мутахассислар борасида ҳам ёрдам керак. Тошқўрғон яна кўп авлодларга ўзининг ибратли тарихидан сўзлаб туришини истаймиз.

Евгений БЕРЕЗИКОВ

Юртимиз жамоли



Озодлик курашчиси Чиннибиби Бадалбой қизининг Фарғона қамоқхонасида олинган сурати. 1916 йил, куз.

Давоми. Боши 7-бетда.

— Ундай қилакўрманг, халқнинг кўзи қонга тўлган.

— Э, ношуд,— деб Асқар миршабни йўлидан четлатган мингбоши эшик томон юрди,— халқ бамисоли пода. Алдасанг — кўнади. Унгача Умар Искобилга етади. Сен ўзингни четга ол.

— Гап битта, мингбоши ота,— деди Чиннибиби Исополвоннинг алдаётганига кўзи етиб,— мардикорга олинган йигитларнинг рўйхатини берасиз. Йўқса...

— Айтдим-ку, менинг қўлимда ҳеч нарса йўқ, ҳаммасини приказчик Искобилга олиб кетган.— Мингбоши икки қўлини кўксига қўйганча, олномондан илтимос қиларди.— Бекорга тўполон қилманглар, фойдаси йўқ. Фармони олийни бекор қилиш ҳазрати олийларидан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

— Ёлғон гапиргани худодан қўрқмайсизми?— деб ғазаби қайнаган Чиннибиби қўлидаги кетмон дастани ҳаволатди.— Халқни кўряпсизми, унинг ғазабидан қутулолмайсиз. Яхшиликча муросага келинг. Марғилон ҳам оёққа қалққан.

Марғилон қўзғолонидан хабари бўлган Исополвон иложи борича одамларни чалғитиб туришга ҳаракат қиларди. Лекин қўзғолончилар мингбошини суриб, маҳкама эшигига яқинлашиб қолганидан чўчиган миршабнинг дағаллиги тутаб турган ўтни ловуллатиб юборди. «Мана бўлмасам!», деб Чиннибиби аввал Исополвон мингбошини, кейин Асқар миршабни кетмондаста билан савалай бошлади. Оломон улар устига ёпирилди. Маҳкама эшигини бузиб кирган қўзғолончилар ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб ташлашди. Ғазаб ўти борган сари ловулларди. Чиннибибининг қўлига гугурт қаёқдан тушиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Олов тили ён-атрофдаги уйларни ҳам ялай бошлади. Тартибсиз ўқ товуши эшитилиб, чўл томондан от қўйиб келаётган суворийлар кўринди. Қўзғолончилар тарқалишга ҳаракат қилдилар, лекин кечиккан эдилар.

МАСТЕРОВОЙЛАР КИМ?

Опасини сўроқлаб уч бор Искобилга борган Солижон Бадалов аниқ бир гап ололмай қайтди.

Ниҳоят, тўртинчи марта шаҳарга тушганида марғилонлик маҳбуслар ётган турмани аниқлади. Лекин ичкарига киришнинг ҳам, опасига майда-чуйда беришнинг ҳам иложини қилолмади. Бу гапни эшитиб, поччаси Сотволдининг боши қотди. Бир томонда онаси бошини кўтаролмай ётибди, томорқа сувсизликдан қовжирамоқда. Ҳаммасидан ҳам бир ярим ёшли Умрқулнинг йиғиси отанинг жигар-бағрини эзиб юборди. Кечаси билан кўтариб чиқади. Болакай онасига ичикиб ранглари сарғайиб, ҳолсизланиб қолди. Беш ёшли Назиркулнинг сўроқлари Сотволдини жон-жонидан ўтиб кетади: одамларнинг кўприкбошига йиғилгани, онаси уларнинг олдига тушиб, йўл бошлагани, маҳкаманинг қандай ёнганини ўз кўзи билан кўрган Назиркул онасини қаерга олиб кетишгани, нега қамашганига ақли етмасди, фақат сўраганисўраган. Яхши ҳамки бахтига катта ўғли Имомназар бор. Йўқса, отанинг юраги тарс ёрилиб кетарди. «Намунча бераҳм бўлмаса одамзод? Наҳотки, ёш болали, бунинг устига, иккиқат аёлнинг қўл-оёғига кишан солса, қочиб кетади, деб ўйласа? Эҳ, номардлар, бағри тошлар. Сенларнинг ҳам онанг, хотининг, болаларинг бор-ку?» Бечоранинг кўзларидан ёш эмас, қон тизиллаб кетгандек бўлди. «Чумолининг уясини бузишга кўзимиз қиймайди. Улар бўлса бутун юртни вайрон қиляпти-я!»

— Бувинг айлансин, бир иложини қилиб, онасини кўрсатиб келмасанг, ичикиб бир нарса бўлиб қолади,— деди онаси сўлиб қолган Умрқулни ўғлининг қўлига берар экан.

Сотволдининг икки кафтига чўғ босилгандек бўлди. Бола бечора азбаройи кўп йиғлайверганидан бутун танаси ўт бўлиб ёнарди. Унинг синиққан юзига, термулган кўзларига қараб туриб, ота бечоранинг юрак-бағри юз чандон пора бўлди. Боласининг иссиқ юзларига кўзларини босди...

— Мана буни ол, болам, хотинингнинг кўйлак-рўмоли, иккитагина иссиқ нон билан тўртта тухум солдим. Дунёда яхши одамлар кўп, бири бўлмаса, биринг раҳми келиб, ёрдамлашар,— деди онаизор ўғлига тугунни узатар экан,— ноумид — шайтон, дейдилар. Қаерда бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўриб кел.

Бордончи билан Шаҳартепанинг ўртаси бир ярим чақирим. Сотволди учун бу йўл бир ярим тошдан ҳам олис туюлди. Хайрият, ўғилчаси ухлаб қолди. Катта йўлга чиққанда, Марғилон томондан соябонли қўқонарава кўринди. У йўлнинг ўртасига чиқди.

— Ассалому алайкум, шаҳарга кетаётган бўлсангиз, бизни ҳам...— деб Сотволди ўғилчасига ишора қилди.

— Шаҳарнинг ичига кирмайман. Қоровултепанинг ёни билан Водилга ўтиб кетаман,— деди аравакаш.

— Сизга ўхшаган бирор савобталабни учратсам, ажаб эмас,— деб аравакашнинг рўйхуш берганидан Сотволди севиниб, аравачанинг шотисига оёқ қўйди,— худонинг марҳамати кенг дейдилар, иним.

— Ўғилчани менга беринг.— Бола ҳамон иситма ўтида ёнаётганидан ҳансирарди.— Иситмаси баланд-ку, қаерга олиб борасиз буни?

Кўринишидан дағал, гушна туюлган аравакаш Сотволдининг ҳасратларини тинглар экан, бўғинлари бўшашиб кетди. Ўзи ҳам акаси ва тоғасини мардикорликка жўнатиб, бир ҳафта олдин онасини тупроққа топширганини ўксиб-ўксиб гапирди.

— Менингча, қамоқхона эски шаҳарда бўлса керак,— деди аравакаш Фарғонага яқинлашганларида,— ёш бола билан уриниб қоласиз. Ундан кейин сизга кўрсатишадими? Яхшиси, мастеровойларнинг олдига боринг. Ажаб эмас, ўшалар ёрдам қилишса.

— Мастеровойлар дейсизми, улар қанақа одамлар?

— Темир йўлда ишлайдиганларни айтаяпман. Улар бойларга қарши, сиз билан менга ўхшаганлар ғамини ейдиган кишилар.

— Уларни қандай топаман?— деди Сотволди маъюс.— Улар орасида ўзимизникилар ҳам борми?

— Олиб бориб ўзим таништираман. Ўз одамларимиз ҳам кўп...

Аравакаш йигит айтганидек, темир йўл депосида руслар, татарлар, арманлар, украинлар билан бирга ўзбеклар ҳам ишлар эканлар. Улар Сотволдини ўғли билан бир рус кишисининг хонадонига жойлаштириб, марғилонлик маҳбуслар ётган қамоқхонани қидиришга тушдилар. Учинчи куни Чиннибибига ўғлини кўришга рухсат берилди.

Сотволди «Онасини кўрса болакай бир оз ҳовуридан тушар» деб ўйлаган эди. Сочлари қирқилган, юз-кўзлари кўкарган, озиб-тўзиб кетган онасидан бегонасирагандай бола ўзини ота бағрига ташлаб, тинимсиз чинқирарди. Ярим соатлик дийдор кўришиш Чиннибибига болаларини, ота-онаси ва қавм-қариндошлари ҳол-аҳволини сўрашга ҳам етмади. Бир дарди минг бўлиб, эри билан хайрлашди.

УМИД

— Наҳотки, ёруғ жаҳонни кўрмай, шу мурдорлар қўлида ўлиб кетсак,— деб бир неча кундан бери безгак тутиб ётган Тўхтабой Жўрага юзланди.

— Мен бир туш кўрдим, амаки,— деб Чиннибиби атайлаб Тўхтабойнинг кўнглини кўтариш учун ҳамма эшитгудек қилиб гапирди.— Биз гўё қафасда эмишмиз. Бир пайт ҳамма ёқ ёна бошлади. Фақат бизнинг қафасга олов яқинлашмайди. Шу пайт аллақандай ҳайбатли қуш ўт ичидан учиб келиб, қафасга чанг солдию тоғу тошлар оша, бир гўзал мамлакатга олиб борди. Бизга ўхшамайдиган, тиллари ҳам бизникидан бошқача бўлган одамлар юрти эмиш. Бояги қуш қафасни боғ ўртасига аста қўйиши билан қафас ўз-ўзидан очилиб, нотаниш одамлар атрофимизни ўрадилар. Бири қўлимиздаги кишанни ечса, бири юзларимизни артиб, сув ичирармиш. Кейин тоза либослар кийинтириб, чўғдек ясатилган саройга олиб кирдилар. У ерга тўпланган беҳисоб одамлар бизни қучоқ очиб кутиб олган эмишлар...

— Худо хоҳласа, рўшноликка чиқамиз, яхши туш кўрибсан, Чиннибиби,— деди Усмон элликбоши.— Иккиқат аёлларнинг руҳи пок бўлади. Иншоолло, бу тушинг хосиятини кўрамиз.

Чиннибиби тушининг таъбирини ҳар ким ўзича йўярди. Тўхтабойни яна йўтал тутди. Ҳамма унинг бошига тўпланди. Шу пайт ташқарида оёқ товуши эшитилиб, занжир шиқир-шиқир этиб тушди. Маҳбусларнинг ранги қув ўчди. Ахир, улар олти ойдан бери ҳар дақиқада ўлимни кутиб ётибдилар. Саҳари мардонлаб эшикнинг очилиши хайрли бўлсин-да. Маҳбуслар бир-бирларига унсиз тикилдилар. Эшик очилиб, камерага ёруғлик билан тоза ҳаво ҳам кирди. Бўсағада эса тилидан заҳар томадиган бадбашара миршаб турарди. Унинг қўлида тугун, чеҳраси ҳам одатдагидан бошқачароқ.

— Мана шуни сизларга бир киши олиб келди,— деди у тугунни узатар экан,— эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким сезмасин тағин.

Маҳбуслар ҳайрон. Чиннибибига ўғлини кўришга бир бор рухсат берилганини ҳисобга олмаганда, келганларидан бери биринчи маротаба нарса олишлари. Кимдан бўлиши мумкин?

Ўша Сотволди келиб-кетганидан бери темир йўлдаги яширин ташкилот уларни озод қилиш ҳаракатига тушганлиги, неча ойлик заҳматлар натижасида қамоқхона посбонларини сотиб олганлигини билмас эдилар. Шу тугун гўё Чиннибиби тушида кўрган қушу уларни олиб чиқиб кетадигандек эди ҳозир.

Ниҳоят, нимқоронғи хонанинг бир бурчагига тўпланган маҳбуслар тугунни очдилар. Оби нон, ёнғоқ мағзи солинган парвардда, тутмайизни кўриб, ҳаммаларининг кўзи ёшланди. Битта нонни навбат билан ўпиб, кўзга суртдилар. Олти ойдан бери биринчи марта кунжут сепилган ширмой нонни кўраётган бўлсалар-да, ушатишга ҳеч ким ботинолмасди.

— Етказганингга минг қатла шукур,— деди Усмон элликбоши,— нонки келди, нажот ҳам келади. Худо хоҳласа, насибамиз узилмагани шу.

Иккинчи нонни ушатаётган элликбошининг қўллари титраб кетди. Ноннинг орасидан тушган қоғозни Жўра Мамажон полвонга узатди. Полвон айрим сатрлари уйқашиб кетган хатни ичида ҳижжалаб, кейин равонроқ ўқимоқчи бўлди. Лекин маҳбусларнинг бунга сабри чидамасди.

— Овозингни чиқариб ўқисанг-чи, йўқса Чинни опамга бер,—деди Тўхтабойнинг тажанглиги тутиб.

Полвон тутилиб-тутилиб ўқий бошлади: «Биз неча ойдан бери сизлар билан алоқа йўлини қидирамиз. Шукурки, мақсадимизга эришдик. Бу ишда бизга Қўқон инқилобий ташкилоти катта ёрдам берди. Мана, биринчи дарчани очдик. Насиб қилса, сизлар билан дийдор кўришамиз. Сизларни бу қийноқлардан қутқазиш учун бутун кучимизни сарфлаймиз. Яхши кунларга етишимизга оз қолди. Инқилобий ташкилотдагиларнинг айтишларига қараганда, жуда катта ўзгариш бўлармиш. Инқилоб бўлиб, омон-эсонлик бўлса, ажаб эмас. Бардам бўлинглар, қамоқхонанинг етти қаватли девори ҳам, эшикларига солинган қулфлар ҳам биз учун чўт эмас. Бундан буён ҳолларингиздан хабардор бўлиб турамиз. Яна бир ноннинг орасида қўқонлик шоир Завқийнинг сизларга атаб ёзган шеъри бор, руҳларингизни кўтариб, ҳаётга қувонч билан боқишларингизга даъват этишига аминмиз. Дийдор кўришгунча омон бўлинглар! 1917 йил, 30 январь».

Маҳбусларнинг кўзларида олов чақнади. Бир нафасга бўлса-да, қамоқхонада эканликларини, ҳар куни бир йилга тенг рутубатли онларни унутган эдилар. Ниҳоят, Завқийнинг ўша шеърини топдилар:

Бу кунлар бошимизда бир сароб ўлса ажаб эрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,
Бу давлатга сув юзинда бир ҳубоб ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юздин ҳижоб ўлса ажаб эрмас.

Мамажон полвон қўлидаги қоғозни баланд кўтариб такрорлади:

Муқаррардир замона инқилоб ўлса ажаб эрмас.

Эшик орқасида қамоқхона бошлиғининг таниш пўнг овози эшитилди. Эшик очилгунга қадар тугунни хаснинг тагига яширган маҳбуслар: «Сўроққа тайёрмиз», дегандек бардам турар эдилар. Чиннибибининг қалбида шоир мисралари жаранглади...

— Чиннибиби Бадалбой қизи, таваллуди 1869 йил. Ёзёвон волостининг Бордончи маҳалласидан!

— Қироат билан ўқиётган терговчи бошини кўтариб, юзлари моматалоқ бўлиб кетган аёлга кўзойнаги тагидан ёвқараш қилди ва давом этди:— Халқни шўришга кўтариб, мингбошини ўлдиришда ва маҳкамага ўт қўйишда ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?

Чиннибиби шаҳд билан бошини кўтариб, нимадир демоқчи бўлди. Лекин боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Кимдир уни суяб қолди.

— Инсофсизлар, оғироёқ хотинга шунақа муомала қиласанларми? Ҳеч бўлмаса, ўтиришга рухсат берсаларинг-чи!— Мирзо тоға яна нимадир демоқчи эди, лекин елкасига тушган муштнинг зарбидан гандираклаб кетди.

— Буларда диёнат борми, ўзингизни итга талатманг, амаки,— деди терговчига еб қўйгудек бўлиб тикилган Жўра.

— Оғзингга қулф солиб қўйиш қўлимиздан келади, итвачча,— деди бошлиқ.

— Бир бошга — бир ўлим, сенинг дағдағангдан қўрқадиган аҳмоқ йўқ,— деб пешанаси ёрилган Ислом полвон Худойбердиев олдинга чиқди,— аммо она зотига қўл кўтарган, ҳали дунёга келмаган норасидани ҳақорат қилган одам икки дунёда кўкармайди. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Бизга ҳам навбат келар ҳали.

— Овозини ўчир лаънатининг!

— Бир менинг овозим ўчгани билан ёнган ўтни сўндириб бўлармиди. Ал-қасосу миналҳақ!

Чиннибибининг пешанасига реза-реза совуқ тер чиқди. Тиззалари букилиб, юзтубан йиқилаётганда, Мирзо тоға, Усмон элликбоши, Исломполвон ва Жўра уни ушлаб қолдилар. Қамоқхона хизматчилари нима қилишга ҳайрон эди. Шоп мўйловли миршаб бошлиқнинг қулоғига алланарсалар деб шивирлади. Маҳбуслар яна олти ойдан бери димиқиб ётган камерага ҳайдалди. Чиннибиби бир бурчакка тиқилганча, тўлғоқ дардини енгишга ҳаракат қиларди. Лаблари қип-қизил қон бўлиб кетди. Эркаклар бир-бирларига маъноли қарадилар. Кимдир юракни эзиб юборадиган даражада оҳ тортди. Кимдир тақдирга лаънат ўқиди.

— Тақдир экан, синглим, тепада парвардигор шоҳид. Бошқа иложимиз йўқ. Дарча томонга ўт,— деди Усмон элликбоши қора терга тушган Чиннибибининг қўлидан олиб,— ажаб эмас, шу гўдакнинг пойқадами қутлуғ келса...

Зах, қоронғи хонада гўдак йиғиси янгради. Олти ойдан бери ўлимни эмас, болаларини ўйлаб жигар-бағри хун бўлган маҳбусларнинг юзида биринчи марта табассум жилва қилди.

Усмон элликбоши болани яктагига ўраб кўтарар экан:

— Ўғил, ўғил! Сотволди яна бир ўғиллик бўлди,— деди баланд овоз билан Чиннибибига ҳалақит бермаслик учун бир бурчакка ўтиб, бирбирларининг пинжига кириб олган ҳамқишлоқларига яқинлашиб,— ўлмай чиқсак, Бадал баққолни битта тўйга туширамиз.

Эркаклар қўл-оёғини йўқотиб қўйгандек эдилар. Ҳолсиз ётган Чиннибибига қандай ёрдам беришларини билмасдилар. Жўра аламига чидолмай жонининг борича эшикни тепа бошлади. Югуриб келган миршаблар гўдак йиғисини эшитиб, эшик олдида қотиб қолдилар.

...Чиннибибини олиб чиқиб кетаётганларида Усмон элликбоши болани боши баробар кўтариб:

— Чинни, ўғлинг қамоқда туғилди. Сен билан биз мардикорликка қарши чиқиб, бу ерга келдик. Бордию қайта юз кўришиш насиб этмаса, бизнинг хотирамизга ўғлингни Лошмон деб атагин. Бу гўдак униб-ўсганда, одамлар нега исми Лошмонлигини сўраганларида, бизнинг ҳақимизда ҳам эслашсин,— деди.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Рўпарамда ўтирган шу одам — ўша зах қамоқхонада туғилган гўдак эканига ишонгим келмайди.

— Тақдир экан,— деди Лошмон ота ёшланган кўзларини артиб — мен туғилган куннинг иккинчи ҳафтаси Россияда қўзғолон кўтарилиб, оқ подшо тахтидан ағдарилибди. Унинг эпкини Фарғонага ҳам етиб келиб, онам билан қамоқда ётган Усмон элликбоши, Мирзо тоға, Жўра амаки, Мамажон полвон ва бошқа маҳбусларни Бабушкин бошлиқ Қўқон революцион ташкилоти озод этибди.

Суҳбатга Каримберди ака аралашди:

— Дадам билан Усмон Юсуповнинг Бордончига келишгани, Лошмон аканинг онаси ва бошқа қўзғолончилар билан учрашув ўтказилгани эсимда. Адашмасам, 1939 йилнинг баҳори эди. Кейинчалик колхозда ишлаб юрганимда, Чиннибиби опа билан кўп учрашганман. Тегажоғлик қилиб, қамоқхона бошлиғининг юзига қандай шапалоқ тортганини сўрасам, «Ҳа, шундай бўлган-да, болам», дердилар кулиб.

— Неча ёшда вафот қилдилар?

— Юздан ошдилар-а, Лошмон ака?— деди раис мезбонга қараб.

— Юз бешга тўлганларини нишонлаган йилимиз вафот этдилар.

— Лошмон ака инқилоб берган бахтни немисфашист босқинчилардан ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олиб, Киев остоналаридан Австриягача бўлган жанг йўлларини босиб ўтди,— деди раис.— Ўттиз йилдан бери колхозда ишлаб, ота-онасининг орзуларини амалга ошириш йўлида қандай курашаётгани ҳақида эса қалин бир китоб ёзса бўлади...

Гап орасида справка масаласини сўрадим.

— Бир-икки ҳамқишлоғимнинг гапи билан пенсияга чиқмоқчи бўлдим. Паспортимга туғилган йилим ҳам чатоқроқ тушган. Собесдагилар шунга тихирлик қилиб, туғилган жойингдан справка олиб келасан, деб овора қиляпти-да.

— Сизга ҳеч қандай справканинг ҳожати йўқ,— деди Каримберди Охунбобоев,— инқилоб ўғли эканлигингизни бутун Фарғона билади.

Раис тўғри айтди. Лошмон ота ва унинг жасур онаси Чиннибибининг тарихи фарғоналиклар тилида афсонага айланган. Мени бошқа бир нарса ўйлантириб қўяди — халқ қалбида шунчалик ўчмас из қолдирган, ёшларимизга умри ибрат бўладиган она номи билан бирор қишлоқ, мактаб ёки кўчани атасак арзимайдими? Чиннибиби қўзғолончиларга бош бўлиб, эркка интилди. Кейинчалик эса қурбонлар эвазига эришилган бахтни бўлмайдиган даражада. Гўё мана бу ўтли мисралар унга бағишлаб ёзилгандек эди:

Оламни нуридан мунаввар этган
Сен — она.
Йиғласа дунёни роса титратган
Сен — она.
Келгуси саодат парвариш этган
Сен — она!

Шеърни овоз чиқариб ўқидим чоғи, раис менга ўгирилиб:

— Бир нарса дедингизми?— деб сўради ўйчанлик билан.

— Буни қаранг-а, хаёл олиб қочибди,— дедим узр сўраган бўлиб.— Чиннибиби мана шу йўллардан ўтган бўлса керак-а?

— Ҳу, анави томни кўряпсизми?— деб ғираширада оқариб турган иморатга ишора қилди Каримберди ака.— Ёзёвон маҳкамаси шу бино ўрнида бўлган. Ҳозиргина ўтган кўпригимиз Шаҳартепа билан Бордончини бирлаштиради. Қўзғолончилар ана шу кўприк бошида тўпланганлар. У пайтда анҳор лабида чойхона ва нонвойхона бўлган. Йўл ҳам ҳозиргидек кенг бўлмай, битта қўқонарава зўрға сиғгудек, чанг тупроқли бўлган. Чиннибиби қўзғолончиларни шу ердан маҳкамага бошлаб борган.

Кейинги воқеалар тасаввуримда яна жонлана бошлади. Аллапайтгача машинанинг маромига чайқалиб, ўша кунлар гирдобида сузардим.

— Фарғонада бордончилик маҳбуслар ётган қамоқхона ҳали ҳам бор. Йўлингиз тушса, бир кўринг,— деди хайрлашаётганимизда раис.— Ажаб эмас, архивда ҳужжатлар ҳам сақланиб қолгандир. Менинг отам ҳам ўша қамоқхонада ўтирган...



Лошмон ота Сотволдиев онла аъзолари орасида.

немис-фашист босқинчиларидан асраб қолиш учун уч ўғлини жангга кузатиб, ёши бир жойга бориб қолганига қарамасдан, қишлоқ аёлларига онабошилик қилиб, чўлда ғалла етиштирди.

...Бордончи қишлоғидан оқшом чўка бошлаганда қайтдик. Катта йўлга бурилаётганимизда яна орқага нигоҳ ташладим. Гузар бошида турган Лошмон ота менга жуда ҳам салобатли, китобларда тасвирланган қаҳрамонларга ўхшаб кўринди. «Инқилоб бўлмаганида унинг тақдири нима кечарди? У чиндан ҳам инқилоб фарзанди», деган фикр хаёлимдан ўтди.

Яна бир қараганимда, унинг ёнида қўлини пешанасига соябон қилганча бир аёл тургандек бўлди. Менга шундай туюлган экан. Бу менинг хаёлим кўзгусида гавдаланган Чиннибиби эди... Бир зум ҳамма нарсани унутиб, қўзғолончиларни бошлаб бораётган, мингбошини кетмондаста билан савалаётган, қўли боғлиқ, лекин мағрур ҳолда отлиқлар олдида бошини мағрур кўтариб қадам ташлаётган, зах ва қоронғи қамоқхонада тўлғоқ кучидан икки букилиб, инграётган ва ниҳоят, йўргакланган чақалоғини бағрига босганча қўқонаравада қишлоғига қайтаётган она қиёфасини кўз ўнгимга келтирдим. Унинг матонати, сабр-қаноати ва меҳр дарёси ҳеч тасвирга сиғдириб

ЯНГИ САҲИФАЛАР

Чиннибиби тақдири кундалик ҳаётимнинг бир парчасига айлангандек эди. Қайта-қайта архив материалларини варақлайман. Музей залларидан ўтиб, унинг суратига узоқ тикиламан, ўша алғов-далғов кунларга бағишланган китоблардан номини қидираман. Жасур аёл менинг назаримда бутун борлиғи билан гавдаланаётгандек... Б. Ресков ва Г. Седовларнинг атоқли партия ва давлат арбоби Усмон Юсупов ҳақидаги китобини ўқиб ўтириб, Катта Фарғона канали қурилиши муносабати билан айтилган мана бу сатрларга дуч келдим:

«Шундай қилиб, Худоёрхон замонида Қорадарёдан янги қурилган Улуғнор ариғига сув очилди. Шу заҳоти сув сўл соҳилни уриб кетди. Тантанали маросимга қатнашаётган мусулмон шайхлари «доно» маслаҳат бердилар: «Сув уриб кетган жойни Тўхта исмли деҳқонларнинг таналари билан тўсиш керак». Юзга яқин кишини қўш-қўш қилиб боғлаб, раҳна етган жойни уларнинг таналари билан тўсдилар ва устларидан тош-шағал ҳамда чий бостириб юбордилар.

Янги канал қурувчилари орасида ана шу шўрлик Тўхта ва Тўхтасинларнинг набиралари ҳам бор эди.

Трассада тупроқ қазиш ишларини бошлаб бериш шарафи бошқа бир жафокаш — Чиннибиби Бадалованинг ўғлига насиб бўлгани диққатга сазовордир. 1916 йил қўзғолонининг қатнашчиси Чиннибибини чор маъмурлари турмага ташлаган эдилар. Унинг ўғли Усмон шу авахтада туғилган эди. Усмон тепаликка чиқиб, халққа таъзим қилди. Ҳамма ёқни карнайлар садоси босиб кетди.

...Чиннибибининг ўғли Усмон кетмонни азод кўтарди. Кетмон ёрқин қуёш нурлари остида ярақлаб кетди. Тўн кийиб, белларига хилма-хил белбоғлар боғлаган мингларча кишилар қўлларидаги кетмонларини баланд кўтардилар».

Чиннибиби матонатининг янги саҳифасини ўқидим. Демак, халқимизнинг сув учун кураш тарихига олтин ҳарфлар билан битилган Катта Фарғона канали қурилишида ҳам жасур онанинг излари бор экан.

1939 йилнинг айни саратони. Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоев Сойбўйига келганларида, улар Чиннибибини кўрмоқчи эканликларини айтганларида она дарҳол йўлга ҳозирланди.

Президент Йўлдош ота билан Чиннибиби опа-ука тутинишган. Ойдинбулоқ ёнидаги чорбоғдан сал наридаги Абдураҳмонбой ерларида чорахор бўлиб юрган Йўлдошбой билан Чиннибиби тақдиридаги ўхшашлик уларни опа-ука қилганини кўплар билмайди. Ўша шаҳартепалик қўзғолончиларга бош бўлиб, Исполковни ўлдирган, мақкамага ўт қўйган кунлари Марғилондаги қўзғолонда қатнашган Охунбобоев ҳам Фарғона қамоқхонасининг ҳужраларидан бирида азоб чекарди.

— Қалбингда ёнган ғазаб ўтини ўлим даҳшати ҳам ўчиролмас экан,— деди Чиннибибиларнинг чорбоғидаги супада бўлган бир суҳбатда Йўлдош ота,— қамоқда не қийноқларга солишмади, чала ўлик қилиб уришди ҳам. Барибир виждонимга қарши бормадим. Инқилоб яқинлашиб қолганини, бизга ўхшаган бечораларнинг пешанаси ярқирашини кўнглим сезар эди.

— Инқилоб бўлгани билан бой бойлигича, камбағал бечоралигича қолди-ку, Йўлдошбой?— деди Сотволди ака. Мана сиз ҳамон бойнинг ерида ишлайсиз. Бошқалар ҳам.

— Лекин қарол эмасман. Чоракор. Инқилобдан олдин бой мен билан ҳозиргидай муомала қилмасди. Бошимда қамчин ўйнарди. Қани энди тегиб кўрсин-чи, Шўро ҳукумати биз томонда.

— Бойларнинг ер-сувини камбағалга олиб беради, деган гаплар бекорми? Ҳукумат ишчи-деҳқонники бўлади, дейдилар, ростми?

— Рост. Мана, мени айтди дерсиз. Ҳозирча, атрофдаги душманларни бир ёқли қилмагунча, босмачиларни тугатмагунча бу ишлар навбат кутади.

— Мен ҳам шундай бўлишига ишонаман, илоҳим айтганингиз келсин,— деб эркакларнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтирган Чиннибиби гапга аралашди.— Бу, уйинг куйгурлар халқнинг қонини зулукдек сўрди. Мана энди талвасага тушиб, ўзини ҳар ёнга урмоқда. Бой дегани маккор келади, хўжайинингизга эҳтиёт бўлинг, яна алдамасин. Кейинги вақтларда еридан ҳам хабар олмай қўйди. Ҳаммаси ўзингизга қолиб, бой бўлиб қолманг яна.

Кўп ўтмай, Йўлдош ота айтган кунлар келди. Бойлар ғимирлаб қолди. Ҳамкишлоқлари Йўлдошбойни Жойбозор Шўросига раис қилиб кўтардилар. Бу хабарни эшитган Сотволди ака Чиннибиби билан бирга Жойбозорга қутлуқ бўлсинга бордилар.

Йўлдош ота «Қўшчи» союзига раислик қилган, республика президенти бўлиб ишлаган йилларида ҳам Чиннибибини йўқлаб турди, ўша бой ерида чоракор бўлиб юрган кезларида ўз инисидек билиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб тургани ҳурмати уни асло эсидан чиқармади. Самарқанддалик пайтида бир неча марта марказга келинг, деб айттириб юборди.

— Шунисига ҳам шукур, иним,— деди 30-йилларнинг бошида учрашганларида,— ҳеч нарсадан камимиз йўқ, болалар колхозда ишлашяпти, мактабда савод чиқаришяпти. Ёшим бир жойга етиб қолганда, Самарқандга бориб нима қиламан. Тожихон, Жаҳонойларнинг йўриғи бошқа, улар ёш, йўқлаганингиз учун раҳмат, иним.

— Ҳеч бўлмаса, бугунги бахтли кунлар учун қандай курашганингиз, қамоқхонада тортган азобларингизни ёшларга гапириб берасиз,— деб Йўлдош ота Чиннибибини пойтахтга олиб кетишга ҳаракат қиларди.— Сиз халқимизнинг жонли тарихисиз, революция қалдирғочисиз, опа. Лошмонингиз қалай?

— Мен нима қилибман, айланай Йўлдошбой? Инқилобни сизлар қилдиларингиз, босмачиларга қирғин келтириб, бойларни қуритдиларингиз. Мени мана шунақа эсдан чиқармай, гоҳ-гоҳида йўқлаб турсаларингиз етади,— деди у севинч ёшларини артиб.

— Сизни унутиб бўладими, опажон. Биз эмас, жасоратингиз олдида авлодлар бош эгади. Шундай жасур онаси бўлгани учун ҳар бир ўзбек фахрланади.

Фэқат Йўлдош ота эмас, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов ҳам Чиннибибини яхши билар, водийга келганларида уни кўрмай кетмас эдилар.

1925 йилнинг февралида Бухорода Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи (таъсис) съезди бўлиб ўтди. Фарғоналик етти вакила байроқни мағрур кўтариб, залга кириб борганларида залдагилар ва меҳмонлар оёққа қалқиб, уларни табриклашди. Аёллар зал бўйлаб айланиб ўтиб, съезд президиумига байроқни топширар экан, шу ернинг ўзида бошларидаги паранжиларини улоқтириб ташладилар. Ана шу бахтли кунлар йўлида фарғоналик жасур аёллар, жумладан, Чиннибиби Бадалова қандай курашгани ҳақида сўз борганда, съезд делегатлари бу тарихий жасоратни давомли қарсаклар билан олқишладилар. Ҳатто Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин матонатли онанинг тақдири билан астойдил қизиқиб қолди.

ИЗЛАР

Чиннибиби Сойбўйига етиб келганида марғилонлик машҳур аскиячилар даврасида ўтирган Йўлдош ота унга пешвоз чиқди. Усмон Юсупов чорпоядан тушаётганида, онахон безовта бўлманг, ишорасини қилиб, икки қўлини кўксига қўйганча ҳол-аҳвол сўрашди.

— Эсингиздами, Чиннибиби опа, бир учрашганимизда Норин билан Қорадарёнинг сувини Куйганёрда бўғиб, канал орқали водийга оқизиш ниятимиз борлигини айтган эдим,— деди бошқаларга ҳам эшиттириб Усмон ота.

— Шундай деган эдингиз, айланай. Солижондан бир-икки суриштирдим ҳам,— деб нариги чорпояда ўтирган раис — Йўлдош отанинг укаси Солижон Охунбобоевга ишора қилди Чиннибиби,— канал ўтадиган изни аниқлашяпти, яқин орада бошланиб қолса керак, деган эдилар.

— Ўша канални қазишга ҳозирлик кўряпмиз. Худди мана шу,— Усмон ота бепоён чўл томонни кўрсатди,— Ёзёвондан ўтади. Бутун республика қатнашади. Сизга ҳам хабар юборамиз.

— Дарагини эшитсам бўлди, ўғилларимни олдимга солиб, ўзим етиб бораман. Сизлар шунчалик хайрли ишни бошлайсизлару биз четда турамизми, айланай.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг бир юз етмиш минг колхозчиси Катта Фарғона каналини қазиш учун трассаларга чиққан, карнайлар одамларни жасоратга чорлаган ўша —1939 йилнинг 25 июль куни уч норғул ўғли билан ёнма-ён сочлари қордек оппоқ, саксонга бориб қолганига қарамай қомати тик, кўзлари ўткир, сўзлари бурро мунис бир она ҳам турарди ҳукумат аъзоларига яқин жойда. Ҳамманинг нигоҳи унда. Машҳур кинорежиссёр С. Эйзенштейн ҳам ана шу манзараларни лентага олиш ниятида қулай жой изларди.

Гаплар айтилди. Қилинадиган ишлар ҳажми, ҳамманинг вазифаси тайин. Фақат ишни бошлаш керак. Усмон ота юзидаги маржон-маржон терларни артиб, каналчиларга мурожаат қилди:

— Халқимизнинг асрий орзуси — сувга ташналикдан қутилиш, Фарғона далаларини обиҳаётга қондиришга хизмат қиладиган канал трассасидаги биринчи тупроқни қазиш ҳуқуқи ҳаммамиз учун мўътабар бўлган онамиз, шу кунларни деб қамоқхона азобларини чеккан, лекин душманга бош эгмаган Чиннибибихон опанинг чор ҳукуматининг авахтасида туғилган ўғли Лошмонга берилади.

Ҳамма ёқни қарсак тутиб кетди. Она одамларга таъзим қилди. Ўғилларининг пешанасидан бир-бир ўпиб, Лошмонни қизил байроқ ҳилпираб турган тепалик томон бошлади. Минглаб кетмон кўтарган колхозчилар уларга эргашди. Бир зумга тинган карнайлар яна чўлни ларзага келтирди, чанг-тўзон кўтарилди. Кейинчалик шуҳрати дунёга достон бўлган Катта Фарғона канали қурилиши шу зайлда бошланди.

— Мен Чиннибибини канал трассаларида кўп учратар эдим,— деб эслайди Катта Фарғона каналидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсиддинов,— айниқса, хотин-қизлар меҳнат қилаётган участкаларда. Кексайиб қолганига қарамасдан тупроқ қазишар, қопнинг оғзини очиб турар, ҳатто этагида юқорига тупроқ таширди. Канал битгунча бу ердан кетмади ҳисоб. Йўлдош ота, Усмон ака, Бузрукхўжа ака ва Тешабой Мирзаевлар опани беҳад ҳурмат қилар эдилар.

Марғилонга кейинги сафар борганимда Лошмон ота, тоғаси Солижон Бадалов, акаси Назирали Сотволдиев билан бирга Катта Фарғона каналининг Ёзёвондан Тошлоқ орқали айланиб ўтадиган соҳилларини пиёда айландик. Ўша унутилмас воқеа — Лошмон ота илк кетмон уриб, тупроқ қазган Найманбўстон олдида тўхтадик.

Усмон ота ҳақидаги китобда: «Усмон тепаликка чиқиб таъзим қилди», дейилган.

— Ҳа, худди мана шу тепалик эди,— деди Лошмон ота.

— Нега китобда Лошмон эмас, Усмон деб ёзилган? Ёки хато қилишганми?

— Йўқ,— деди Лошмон ота кулиб,— номим айрим ҳужжатларда Лошмон, айримларида Усмон. Иккинчисини мактабга бориб юрганимда қўйишган. Лекин онам раҳматлик ўла-ўлгунча Лошмон деб чақирардилар мени.

— Биз учун ҳам Лошмонсиз — Инқилоб ўғлисиз,— дедим меҳнатда пишган чайир қўлларини қаттиқ қисиб.

Марғилон — Фарғона — Тошкент

Охири. Боши 8-бетда.

Улкан қурилишда Бухоро, Муборак Газ саноати қурилиши трестлари, Ўрта Осиё Электр тармоқлари қурилиши бошқармаси сингари ўнлаб қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқдалар. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш омилига айланган ва кундан-кунга кенг қулоч ёяётган социалистик мусобақада Муборак Газ саноати қурилиши трестининг 5-участкаси, Бухоро Газ саноати қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг 5- ва 9-участкалари коллективлари байроқдор.

Шўртан газ кони ва Шўртан — Сирдарё ГРЭСи газ трассасини бутун мамлакат қурмоқда. Унда мамлакатимиз барча республикалари вакиллари қатори қардош социалистик мамлакатларнинг фарзандлари ҳам тер тўкмоқдалар. Рус йигити Николай Маркелов, украин Алексей Сердобенцев, белорус Михаил Куликов, ўзбек Зокир Турдиев, Йўлдош Пардаев, тожик Муҳаммад Кенжаев, озарбойжон Оллоҳверди Мажидов, Шафиқ Ҳасанов, туркман Иброҳим Баҳовиддинов, Қурбон Неъматов, болгар Стоил Велинов, Дмитрий Тодоров, Христо Опришанов каби замонамиз қаҳрамонлари қўлни қўлга бериб, муқаддас олов йўлини қуриб келмоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоати тобора жўш урмоқда. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсади ҳар бир ишчи, ҳар бир инженерни янги меҳнат зафарлари сари руҳлантирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Июнь пленумидаги сермазмун ва ёрқин доклади уларни янада илҳомлантириб юборди. Экономикамиз ривожининг баъзи бир муҳим масалаларига тўхталиб: «Жумладан, ёқилғи, — энергетика ва транспорт проблемаларига, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишга, машина-ускуналарни импорт қилишга эътибор жалб этилган эди,— деди Л. И. Брежнев.— Шу муносабат билан анча иш қилинаётганини биламан. Аммо ҳали яна ҳам кўп иш қилиниши керак».

Буюк совет халқи меҳнат даҳосининг яна бир мисоли сифатида бунёдга келаётган Шўртан — Сирдарё трассаси ўртоқ Л. И. Брежнев назарда тутган кўп ишларнинг биридир. Қурувчилар трассанинг дастлабки навбатини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллик байрамигача ишга туширадилар.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Шўртан — Фарҳод — Зарбдор



Ойдин ҲОЖИЕВА

ОФТОБНИНГ ЗАРРАСИ ДИЛЛАРДА

Йўлдаги ўйлар

Л. Худойқуловага

Тикка довон бўйлаб ўрмалар «Газик»,
Ток занжидай ётар тоғлар қалашиб
Ирмоқлар чулдирар най каби нозик,
Шамоллар гувиллар овоз талашиб.
Қисқариб боради йўлнинг таноби,
Хаёл йўли эса узундан-узоқ,
«Қиз учган» қоясин сирли китоби
Ҳар қандай юракка солади титроқ.
Кабинадан тушар оҳудай сапчиб,
Эртак тинглагандай боқар маҳлиё,
Булоқдан ҳовучлаб муздай сув ичиб,
Яна йўлга тушар у Ойқизнамо.

Парча-пурча булут чиқар осмонга,
Синчков термулади кенгликларга қиз:
Кун қайтмай бормоқ шарт олис районга.
Авжи долзарб пайти. Ишлар кўп тиғиз.
Серёмғир йил бўлди, барака ёғди
Қирга буғдой сочган ғаллакор учун.
Тунов кундаги қор юракка ёғди,
Ташвиш орттирди-да чорвадор учун!
Бардошли бўлар-да чўпон-чўлиқлар,
Ўтовида ёзда офтоб мизғийди.
Гоҳда сурувига бўри йўлиқар,
Қўйлар ҳар томонга патдай тўзғийди!
Минг чоғлиқ сурувни қайириб кўр-чи!
Бунга ҳам аслида санъат керакдир!
Чўпонлар бўлишар бахши феъл, жарчи,
Чўлдай чидами зўр, нозик юракдир!..
Секретарь ўйларин йўқдир қирғоғи...
Хаёлга тордир гоҳ осмон қучоғи...

Бугун қайтса керак ўғли шаҳардан
Бугун ўчоғида гурлайди олов.
Ҳар кун шу. Отланар эрта саҳарда,
Алла-палла қайтар, дил алғов-далғов.

Дастурхонда қолар ўроғлик таом,
Синчалакдай мизғир бир-икки соат,
Қайсидир ютуқлар бахш этса ором,
Қайдадир сусткашлик бермас ҳаловат.

Деҳқонга ўхшар у, вақти қисталанг,
Эртанги ишини бугун қилар тахт.
Гоҳида хуш-хандон, гоҳ андак тажанг
Митти юрагида мардона ғайрат.

Табиатга ошиқ, шеърларга ошиқ,
Кўпнинг қувончида кўрар умрини.
Шундай бетинч қалблар этарлар етук
Коммунист деган сўз тасаввурини!

Курсдошларим

Курсдошларим менинг, отилган ўқдай
Баҳсу тортишувга ўч тенгдошларим,
Деҳқон ҳаёт бизни худди уруғдай
Паст-баланд ерларга сочиб ташлади.
Биздан нима унди ҳаёт саҳнида,
Аччиқ данак бўлиб қолдик қайсимиз?
Катта умидларнинг чорлов-маҳрида
Учдикми лочинлар билан изма-из?
Эгарга оққушдай қўнган Ўғилжон,
Оқсоб қолмадими йўлда Ғиротинг?
Ҳазилкаш Озодам, айтгил, хуш-хандон
Гуркираб ўтармн бугун ҳаётинг?
Шеърпараст Саодат баҳор тунида
Навоийни ўқиб сурармн хаёл?
Бердақ шеърларидай бир завқ жонида,
Ҳимарилиб юрарди Ойжон баркамол.
Келинчак Муяссар, сипо Матлуба,
Билимдон Заҳрою Лутфи хушовоз,
Бугун манглайидан балки бахт ўпар,
Уларнинг умрида авжи тўкин ёз!
Файласуф Тоҳиру зеҳни тез Санжар,
Ҳозиржавоб Қутби, теримчи Комил,
Уларнинг онгида ёнган гулханлар
Илм ошёнларин ёритган омил.
Силлиқ лекциялар, сайрлар, тўйлар,
Туғилган кунлардай эмаскан ҳаёт,
Умрнинг мустақил кўчаси бўйлаб
Қалбимизга кирди шодлик, ютуқ, дод.
Кулолнинг лойидек пишдик меҳнатда,
Сандонда темирдек тобландик, рости,
Гоҳ мудраб олдик ҳам қай бир бекатда,
Офтоб семурғ каби қанотин ёзди.
Бизда йўқ хислатлар йил сайин ўтиб,
Кўм-кўк майсалардай уна бошларкан,
Гоҳ она бургутдай қўлингдан тутиб
Ҳаёт чўққилардан ерга ташларкан.
Ризқу насибани термоқ учунмас,
Инсонча меҳнатга ўргатган бизни,
Она каби эслаб, соғинниб бирпас
Йўқладикми азиз даргоҳимизни?
Қани, сен жамлагил қайтадан бизни,
Мушкул саволларинг бергил бирма-бир!
Қайта имтиҳон қил ҳар биримизни,
Биз сенинг учирма қушларинг ахир!
Баҳомиз ошириб қўйма бу сафар,
Қаттиққўлроқ бўлгил, зукко муаллим!
Инсоний бурчимиз, виждон, орзулар
Софлигидан бизни сина, бер таълим!
Балки, шундай қилсак яна ҳам тезкор,
Шиддатли бўлади одимлар, ўйлар!
Курсдошларим, янги тонгдай беғубор
Ҳали мен битмаган энг ўтли куйлар!

Ёмғир ёғалоқ

Шундоқ йўл томонда
Юқори қаватда
очиқ балконда
Қўшиқ айтар икки қизалоқ:
«Ёмғир ёғалоқ!
Ёмғир ёғалоқ!»

Жажжи бармоқларда
Сирғалар ёмғир,
Ёмғир эмас
Нур —
Бир дунё сурур,
Севинчли баҳор...
Бижилдоқ қизчалар
Айтади такрор:
«Ёмғир ёғалоқ,
Ёмғир ёғалоқ!»

Ёмғирпўш ёпинган,
Шамсия тутган,
Бекатга бекинган
Одамлар, қаранг,
Шу мурғак қалбларга,
Шу тийрак кўзларга
Ёғдудай тараламоқда
Осмоннинг зарраси,
Офтобнинг зарраси,
Жаҳоннинг зарраси:
«Ёмғир, ёғалоқ,
Ёмғир ёғалоқ!..»

Кечки шабада

Шабада эсаётир япроқларни қитиқлаб,
Ниҳоллар қулоғига шивирлаб сирли-сирли.
Боғ белида оқади йўрға ариқ қиқирлаб,
Мўйсафид чинор қолар эргашолмай, узрли.

Қайдан келар бу шамол, ким чорлади, кел дея,
Ўчоқдаги ўтинга тутантириқ бўл, дея?
Боғлар беланчагини тебратиб қочгил, дея,
Олма тўкиб, қизлардай жаранглатиб кул, дея?

Балки хирмон бошида чорлади уни деҳқон,
«Ҳай, шабада, боланғни оқизди сув!», дедими?
Шамол гўдагин излаб бўлдими йўлга равон:
«Қайдасан, эркатойим, чопқирим, ҳув!», дедими?

Гул-чечаклар уруғин экиб ўтар боғбондай,
Кўкатларнинг бўйидан димоқлари чоғ бўлар.
Қайдадир боғ тўрида назокатли жувондай
Соч тараган ёз учун шабада тароқ бўлар.

Намоздигар шамоли ошиб ўтар ўмбалоқ,
Этагида гул иси, лабида сут таъми бор.
Уфқ этагида офтоб липиллаб турар, чарчоқ,
Шамол пуфлайди уни болакайдай бахтиёр.

Ҳорғин қуёш думалаб кетар каттакон шардай,
Унга изма-из келар тўполончи шабада.
Қош қорая бошлайди, кун тушади эгардан,
Шабада иси қолар кечки салқин ҳавода...

Манзара

Палак гулидай қуюқ
Чиннигул чаманзори.
Кўз олгудай тиниқ кўк
Укпар булут бозори.

Гулдонларда соллона
Чўғланади атиргул.
Болаларга баҳона —
Изламоққа татир гул.

Чайир тоқ бағазида
Чумоли қора жилға.
Кабутар парвозида
Раққоса монанд жилва.

Симёғоч қулочида
Варрак иплари мезон.
Акасларнинг сочида
Шилдирайди оқ маржон.

Уйда катта даҳага
Уйғонибди ипак қурт.
Айланади шоҳига
Барги таранг балхи тут.

Чўлга кетар гувиллаб
Ёшлар янтоқ ўрмоққа.
Йўғичқазор шовуллаб
Келади илк ўроққа.

Қуёш нури бол-қаймоқ
Эрир борлиқ танида.
Май ойи — бу гулгун чоқ
Фасллар гулшанида!



Ушшоқ

Бир тутам ипакка айланди тоғлар,
Пуф деса ҳавога кетгудай учиб.
Гулдираган дарё, жўшқин ирмоқлар
Оппоқ булутлардай борарди кўчиб.
Йўллар чўзилади уфққа қадар,
Туташди қаттиқ ер ва олис осмон.
Юлдузлар каптардай учиб тушдилар
Ва ерда «ғу-ғу»лаб ўқирлар достон.
Шамолга айланди кўм-кўк ўрмонлар,
Кўллар айландилар кумуш кўзгуга.
Овозга айланиб ёнарди туғён
Борлиқни маҳв этиб тамом ўзига...
Бир лаҳза тинди куй.
Боқсам, улғайиб
Аввалгидан юксак кўринди тоғлар.
Ўрмонлар қайтадан яшил барг ёйиб,
Жўшқинроқ оқарди дарё, ирмоқлар.
Ёдимга тушади қадим бир ҳикмат:
Тоғлар ҳам,
Дарёлар,
Ўрмонлар,
Боғлар
Оҳангдан яралган деган ҳақиқат!

Ғазал



Жуманиёз ЖАББОРОВ

«Минг китоб сўзлар керак бир дилни қондирмоқ учун,
Етгуси бир сўз вале минг дилни ёндирмоқ учун»*.

Ғазнаи дилдан нечоғлиқ ахтарай қудратли сўз,
Сендайин донони ишқимга иноитирмоқ учун.

Сўз — улуғ қудрат, бу — руҳнинг жилваланган шуъласи,
Қайси куч етгайки, сўздин мардни тондирмоқ учун?

Ноўрин бир сўз кўнгилнинг гулшанин этгай хазон,
Яхши сўз қилгай кифоят қайта ундирмоқ учун.

Битта сўз ювгай кўнгилда бўлса минг зангу ғубор,
Битта сўз етгай умид шамини сўндирмоқ учун.

Юксалай балким фазоларга, буюрсанг, эй гўзал,
Севги номли бахт қушин бошингга қўндирмоқ учун.

Сўзларим қалб гавҳаримдир, айни виждону имон,
Ишлатилмас сохта ҳисларни овунтирмоқ учун.

* Бахтиёр Ваҳобзодадан.

* * *

Икки бойлик бор инсонда
Энг бебаҳо, қуёшлик.
Бири кўркам соғлиқ эса,
Бири — навқирон ёшлик.

Бу иккиси инсон учун
Икки қайрилмас қанот.
Мужассамдир ич-ичида
Етук, мукаммал ҳаёт.

Бизда улар бор маҳали
Турли кўйга соламиз.
Йўқотгандан кейингина
Қадрин билиб қоламиз.



Орзу

Бағримизда ўсган фарзанд
Ўт солиб жисму жонга,
Келин бўлиб кетаётир
Бошқа бир хонадонга.

Кетаётир ҳувиллатиб
Ота-она уйини,
Киприкда ёш, лабда кулгу —
Биз ўтказдик тўйини.

Қалбимиздан бир парчаси
Узилгандек дафъатан,
Тилаб минг хил яхши ният,
Узатдик остонадан.

Турмуш ўзи шундай дунё,
Азалдан шу қоида:
Қиз бола бир жойда ўсиб,
Бахт топар бўлак жойда.

Бўлак ерни маскан этар,
Ўз уйи, ўз бахти бор.
Ўша ерда илдиз отсин,
Яйрасин мисли чинор.

Илдиз отсин, япроқ ёйсин,
Тўй-томоша, тахт кўрсин.
Қўшгани-ла қўша қариб,
Минг йил гурсиллаб юрсин.

Обод қилсин борган жойин,
Бўлсин ува-жувалик.
Биздан хизмат: невараларга
Бувилик ҳам бувалик.

Битта илинж, ота-она
Уйин қилмайин канда,
Ҳафта эмас, келиб турсин
Энг камн ой деганда.

* * *

Ҳар улуғ шоирнинг эзгу шеърида
Унинг ўз диёри куйланди баланд.
У аввал улғайиб ўзин ерида,
Сўнг жаҳон элига бўлди аржуманд.

Бир дафтар узатдим

Мен сенга бир дафтар узатдим, тоза,
Унда саҳифалар, билмам, неча юз.
Сен ёниқ қалбингдан олиб андоза,
Унда шеъриятнинг гулистонин туз.

Унда гул товлансин, еллар куйласин,
Унда нур балқисин, акс этсин осмон.
Ҳар шеъринг бир эзгу дарддан сўйласин,
Бағридан юксалсин қудратли Инсон.

Майли, кўз ёш бўлсин ва кулгу бўлсин,
Майли, баҳс этсинлар ўлим ва ҳаёт.





Улар китобхонга бир кўзгу бўлсин,
Висолми, ҳижронми, қўшиқми, баёт.

Унга ошиқ бахти, мардлик, эҳтирос,
Юртинг гўзаллиги сингсин қатма-қат.
Қалбинг не буюрса, барчасини ёз,
Бўм-бўш, бир саҳифа қолдирма фақат.

Шеър — олий туйғулар, фикрий баландлик,
Унга жон бағишлар истеъдод керак.
Ёмғирдан тозариб чиққан чамандек,
Шаффофланиб чиқсин шеърингдан юрак.

Қирқ идишда қирқ дору

Қирқ идишда қирқ хил дору
Яратиб ибн Сино,
Ўлим чоғи шогирдин у
Чорлаб, этибди нидо:

«Бу дорулар умрим бўйи
Тайёрланган буюк сир,
Мен кўзимни юмгандан сўнг
Ичирурсан бирма-бир.

Тартиб билан, навбат билан
Бергил, ақлинг шошмасин.
На бир қатра кам бўлсину
Бир томчи ҳам ошмасин...»

Худди устод ўргатгандай
Иш бошлади шогирд ҳам,

Бир чеккадан тома бошлар
Қирқ идишдан қирқ малҳам.

Шогирд ҳайрон, во ажабо!
Рўй бермоқда қандай ҳол?
Қаён кетди қат-қат ажин,
Қорайди-ку соч-соқол.

Рангга кирди ўлик бадан,
Томирларда чопди қон.
Гўё уйқу ичра ётар
Ёш бир йигит — навқирон.

Вужудида барқ ургандай
Худди ҳаёт нафаси,
Энди унга бегонадир
Тобутнинг тор қафаси.

Ёраб! Қандай мўъжиза бу,
Бу қандайин илму фан?

Ҳаяжондан титрар шогирд,
Даҳшат босиб дафъатан

Ва ниҳоят сўнгги илож,
Сўнгги дору, сўнг ташвиш...
Титраб кетди шогирд қўли,
Қўлидан учди идиш.

Чил-чил синди...
Минг йилларнинг
Орзуси синди наҳот?
Табиатнинг қонунига
Зид бордими ё устод?

Сўнгги идиш синди... Инсон
Етмай эзгу ниятга.
Балки шундай бўлганлиги
Бахтдир инсониятга.



Эски ақида



Амал — гўё сатранж ўйини,
Ундан олиб бунга қўярлар.
Гоҳи баланд, гоҳи қуйини
Манзил этиб, бахтинг йўярлар.
Гоҳ ҳужумкор борурсан олдда,
Гоҳ бурчакда қотажаксан мот.
Гоҳ пиёда, гоҳида отда,
Гоҳи сўлда, гоҳи ўнг қанот,

Гоҳи шоҳсан, гоҳида фарзин,
Гоҳ филликда кучинг зиёда.
Зарра-зарра бу ҳаёт дарсин
Англагайсан пасту қиёда.
Булар бари бурч ҳисси жонда,
Буларсиз бахт бўлмас мукаммал.
Инсон учун — барча замонда —
Инсонийлик — энг буюк амал.

САНОҚ ВА САЛМОҚ

Жуманиёз Жабборовни ўзбек совет шеъриятининг забардаст намояндаларидан десак, муболаға бўлмас. У матбуотда дастлабки эълон қилинган шеърлари биланоқ шеърхон диққатини тортган эди. Ўша пайтларда Тош ДУнинг учинчи курсида ўқирди. «...Филология факультетимизни чинакам адабиёт мухлислари анжумани деса бўларди,— деб ёзади шоир талабалик йилларини эслаб.— Бу ерда ўтадиган қизиқарли адабий кечалар, шоирлар билан учрашувлар, пойтахт ёзувчилари билан яқиндан танишувимиз орзуларимизни алангалатар эди...»

Чиндан ҳам у пайтда Жуманиёз жуда ёш бўлиб, бунга жуссасининг кичиклиги ҳам қўшилиб, ҳа деганда кўзга ташлана қоладиган қиёфада эмас, бироқ ўта ёқимтой, камсуқум, ғоят тийрак, зеҳни ўткир, ориятли, сермулоҳаза йигит эди. Гап-сўзларида оддий қишлоқ болаларига хос соддалик, кўп нарсадан бохабар билимдонлик сезилиб турарди. Биз унинг шоиртабиатлигини яхши билсак-да, аммо шеърлар ёзишидан бехабар эдик: буни ҳаммадан сир тутарди.

Кўп ўтмай бу «сир» ошкор бўлиб қолди: 1950 йили «Ёш ленинчи» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, 1951 йили эса «Шарқ юлдузи» журналида бир йўла саккиз шеъри босилиб чиқди. Илгари ушоққина кўринган Жуманиёз энди кўз олдимизда бутунлай бошқача салобат касб этди. «Наҳотки, бу шеърларни шу ўзимизнинг Жуманиёз ёзган бўлса?», деб, гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас эдик. Кўп ўтмасдан унинг «Ватанимни куйлайман» номи билан илк шеърлар тўплами босилиб чиқди, Ёзувчилар союзига қабул қилинди.

Ўша йиллар худди кечагидек эсимизда, буни қарангки, шундан бери кўп эмас, оз эмас, роппа-роса ўттиз йил, балки ундан ҳам ортиқроқ вақт ўтибди. Жуманиёз бу йиллар мобайнида ижод йўлини дадил босиб ўтди, муносиб излар қолдирди. Дид ва талаби юксак ихлосмандларини туркум-туркум шеърлар, шеърий тўпламлар, достон ва пьесалар билан хушнуд этди, мухлислари руҳига завқ-шавқлар бағишлади. «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Гулшан», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи», «Субҳидам хаёллари», «Лирика» сингари бақувват китоблари босилиб чиқди.

Жуманиёз шеърдан шеърга, достондан достонга ўса борди. Асарларида қалби қайноқ, бахтиёр, истиқболи порлоқ совет ёшларининг ёрқин образларини; уларнинг ўй-фикрлари, нафис ва жўшқин ҳис-туйғулари, эзгу ният ва интилишлари, завқли меҳнат ва курашлари, севги ва садоқатини баланд руҳ, сурурли шукуҳ, қайноқ муҳаббат ва эътиқод билан куйлади. У «ижод қилиш — муттасил изланиш, кашф этиш, янгилик яратиш» эканини, «инсон қалбининг нозик, теран туйғуларини, дўстлик ва бахтни муносиб асарларда куйлай билиш» шоир учун буюк бахт эканини, бу бахтга эришиш эса ижодкордан катта меҳнат, изланиш ва иқтидор талаб этишини чуқур ҳис қилади.

Ўрганишнинг чегараси йўқ,
Одам доим ҳаётга шогирд.
Хоҳ олим бўл — устод сердовруғ
Хоҳ залворли, мисдсиз шоир.

Мукаммаллик давосин асло
Қилолмассан ҳаёт қошида.
Ўйла, тўхтаб қолгайми дарё,
Тиним борми кўк қуёшида,—

деб ёзади шоир бир шеърида бу ҳақда.

Жуманиёз Жабборовнинг ижод тарзи ана шундай. У чиндан ҳам ҳеч тиним билмайди. У ҳаёт воқеа-ҳодисаларига тийрак кўз билан боқади. Ҳар бир ҳодисага ўзича маъно беради, ундан шеърий нафосат, бадиий ранг ва бўёқлар қидиради. Хаёлида «қитъалару уммонлар айланади», дунёнинг «бахти ва қайғусини» тинглайди. Асл шеъриятнинг қай йўсин юзага келиш сирларини, шоирлик масъулиятини жуда яхши тушунади:

Ҳаёт чаманларин минг хил рангидан,
Сайроқи қушларнинг шўх
жарангидан,
Курашлар суроні, ишқ оҳангидан,
Дунёга келади асл шеърият,—

деб ўз олдига катта талаблар қўяди. Бу, албатта, шоирнинг кўп йиллик ижод тажрибасидан келиб чиқиб қўйилган талаблардир. Жуманиёзнинг энг яхши шеърлари худди ана шу талаблар заминида дунёга келади. Жуманиёз кўп ўқийди, устоз санъаткорлардан маҳорат сирларини ўрганади ва шеърларида янги гапларни топиб айтишга интилади.

«Кунларнинг бирида шоир Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонини ўқиб қолдим,— деб ёзади Жуманиёз.— Бу асар хаёлимда янги бир уфқ, афсонавий қаҳрамонлар оламидан тамомила фарқ қиладиган ҳаёт, давр қаҳрамонлари оламини кашф этди. Достонда кўтарилган ҳаётий масалалар, севги, бурч, инсонийликни мадҳ этувчи оташин сатрлар ва ниҳоят, асарнинг юксак мусиқийлиги ва равонлиги мени мафтун этган эди.

Кейинчалик Уйғун шеъриятидан, Ғафур Ғулом ва бошқа устод шоирларнинг давримизни улуғловчи оташин шеърларидан, фалсафий лирикасидан баҳраманд бўла бошладим».

Ана шундай баҳрамандлик уни шеъриятнинг юксак чўққилари сари етаклади. Жуманиёз шеърларида Ҳамид Олимжон услубига хос равонликни, Уйғун поэзиясидаги ўйноқиликни, Ғафур Ғуломга хос фалсафийликни кўрамиз. Баъзи шеърларида Миртемир нафаси сезилиб туради. Айниқса, шоирнинг кейинги тўпламларидан бири —«Эътиқод»да буни жуда равшан кўриш мумкин. Бу китобдаги асарларнинг ҳар бири аниқ ғоявий мақсадга қаратилганлиги, тил ва услубининг бўёқдор ва равонлиги билан диққатга сазовордир. Бирида кўп миллатли совет халқларининг қон-қардошлиги, дўст ва биродарлиги улуғланса, бошқасида соф инсоний муҳаббат, гўзал туйғулар, севги ва садоқат ардоқланади. Ҳаётни, табиатни, инсон фарзандини севишга, эъзозлашга чақиради.

Ҳаётни жонингдан сев ортиқ,
Сев шундай туғишган халқингни,—

дейди у.

Жуманиёз ижодида достончилик алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг айниқса «Гулшан» достони китобхонларга яхши таниш. Танқидчилик «Гулшан»ни Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Зайнаб ва Омон» достони билан ёнма-ён қўйди. Шоир ўз қаҳрамонлари Гулшан ва Дониёр сиймосида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари хотирасини абадийлаштирди.

Жуманиёз энди поэзиянинг бу катта жанрида дадил ва ишонч билан қалам тебрата бошлади. «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи», «Йўлдаги ўйлар», «Қишлоқдаги ҳайкал» сингари жўшқин ва жозибали, теран ва кўламли эпик асарлар вужудга келди. Бу асарларда шоир китобхонлар қалбини тўлқинлантирадиган йирик фикрлар, масалаларни ўртага ташлади, шеърхонни ўйлашга, тафаккур қилишга чақирди, унинг руҳи ва шуурига ёруғлик олиб кирди...

Жуманиёз драматургияда ҳам ўз кучини синаб кўрди. Унинг бир неча йиллар давомида республикамизнинг театрлари саҳнасидан тушмай келаётган «Ўжарлар», «Йиллар ўтиб...» ҳамда яқинда саҳнага чиқарилган «Тўйдан олдин томоша» комедиялари драматургнинг бу синовдан ҳам яхши ўтганлигининг шаҳодатидир.

Жуманиёз Жабборов ҳақида сўз борганда унинг ижодида муҳим ўрин тутган таржимачилик фаолиятини ҳам айтиш керак бўлади. У ўзбек китобхонини рус ва жаҳон адабиёти классиклари асарлари билан сидқидилдан таништирмоқда: Лермонтов, Шевченко, Байрон, Маяковский, Блок, Фирдавсий каби буюк сиймоларнинг шоҳ асарлари унинг таржимасида завқ билан ўқилмоқда. Маълумки, таржима ғоят қийин санъат. Бир тилдаги асарни бошқа бир тилда худди аслидагидек қайта яратиш учун ўша таржима қилинаётган асар автори кўзи билан қараб, унинг сўзи каби сўз яратиш керак. Жуманиёз ана шундай салоҳиятга эга шоирдир.

Шоир масъул ишларда ишлашига қарамай («Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири, «Гулхан» журналида редактор, «Совет Ўзбекистони» газетасида редактор ўринбосари...) ижодкорлик масъулиятини бир дақиқа ҳам унутмайди. Куни кеча биз унинг уйида бўлик. Ижод режалари билан танишдик. Опера учун либретто ёзибди, янги комедиясини тугатибди, нашриётга икки жилддан иборат танланган асарлар мажмуасини топширибди, ҳозирги кунларимизнинг актуал масалаларини қамраб олувчи янги достонини ниҳоясига етказибди...

Ҳамкасаба дўстимиз Жуманиёз, тиниб-тинчимай ижод қилаверинг! Бир шеърингизда «Инсоннинг умри йўлдан иборат», деб, чуқур маънони ифода этган эдингиз. Йўлингиз доимо порлоқ бўлаверсин, биз сиздаги улкан қалб садосини эшитаверайлик. Бу садо шеърларингизда ҳам, достонларингизда ҳам, таржималарингизда ҳам бирдай жаранглаб турсин!

Сиз билан суҳбатлашиб ўтириб эллик ёшлик ижодкор эканингизга сира ишонгимиз келмаган эди. Ижодингизни бир бор назардан ўтказиб, тан олишга мажбур бўлдик. Бу далил ёнига яна янги далиллар: ажойиб совет оиласида тарбия топиб, халқ хизматига бел боғлаган тўрт ўғлингиз, ўқиш билан овора икки қизингиз ва ниҳоят, «Бобо!», деб кўчадан югуришиб кирган набираларингиз қўшилди. Шунча далил билан ишонмай бўладими! Ёшингиз саноғидан ижодингиз салмоғи беҳад зиёда.

Умрингизнинг биринчи довони шундай самарали ўтди, келгусилари ҳам бундан кам бўлмаслигига ишончимиз комил. Ҳаёт йўлингизнинг иккинчи эллик йилида ҳам мана шу навқиронлик, мана шу завқ, шижоат, мана шу камтарлик, тиниб-тинчимаслик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
Ф. НАСРИДДИНОВ

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Денгиз сувларида ер юзидаги одамларнинг ҳар бирини миллионер қилишга етадиган миқдорда олтин борлиги ростми? Бу саволга олимлар қуйидагича жавоб берадилар: «Ҳа, рост! Аммо денгиз сувларидан олтинни ажратиб олишнинг арзон усули топилган заҳоти у ўз қимматини йўқотади».

Шахматни рақибсиз ўйнаб бўлмайди. Агар рақиб топилмаса-чи?! Америка фирмаларидан бири бундай вазиятда рақиб ўрнини босадиган «Электрон шахматчи» таклиф этмоқда. У асосан ўргамчик ўйинчилар учун фойдалидир. Шунингдек, тажрибали ўйинчиларга ҳам гоҳо машқ учун қўл келса ажаб эмас.

Бир гуруҳ ҳинд археологлари Ганг соҳилига яқин жойлашган Античак қишлоғида ажойиб топилмани қўлга киритдилар. Улар VIII асрга дахлдор университет ва ибодатхона харобаларида ҳавони совитадиган ноёб инженерлик қурилмаси бўлганини аниқладилар. Узига хос бу вентилятор бино ичида сунъий иқлим ҳосил қилган. Археологларнинг фикрича, оқар сув совитган ҳаво нишаб канал орқали бино ичкарисига кириб, қўлёзмалар сақланган хоналарни салқин тутган.

Қадимда одамлар бўш вақтларида кўпинча турли ҳашаротлар билан ўйнаб, кўнгил очганлар. Айниқса, бекорчи сарой амалдорлари ҳашаротлар билан кўнгил очишдан тап тортмаганлар. Швед қироличаси Христина бургаларга қарши муросасиз уруш очиб, уларга миттигина тўпдан ўқ узган. Бу тўп ҳозиргача Стокгольм майдонида сақланади. Бу баттол ҳашаротга қирон келтирадиган бошқа бирон йўлни ,афтидан, у замонларда ҳеч ким топа олмасди.

Уткир ҲОШИМОВ

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Онам Ҳакима Ибодхўжа қизи хотирасига

ЭҲТИМОЛ, сизда ҳам шундай ҳоллар бўлгандир. Тун ярмидан оққанда бирдан уйғониб кетасиз. Шифтга тикилиб ётаверасиз, ётаверасиз... Аввалига чиқиллаб турган соат ҳам бора-бора тиниб қолгандек бўлади. Уй жимжит, дераза жимжит, қоронғи осмон жимжит. Ҳатто шамол ҳам қилт этмайди. Шу қадар оғир сукунат чўкадики, қулоқларингиз шанғиллаб кетади. Зилдек юк устингизга ёпирилиб, вужудингизни ерга михлаб ташлайди; танҳо, ожиз бир нарсага айланиб қоласиз. Гўё бутун дунё бир тарафу сиз ўзингиз бир тараф. Шундай пайтда менинг кўз ўнгимда тўсатдан онам пайдо бўлади. Қоронғи хонанинг бир бурчидан чиқиб келади-да, маъюс жилмайган кўйи бошим устига эгилади. Йиллар заҳматидан дағал тортган бармоқлари билан пешанамни силагандек бўлади... Ўпкамни тутолмайман. Туш каби узуқ-юлуқ хотиралар бирдан ёпирилиб, юрагим гурсиллаганча ўрнимдан туриб кетаман.

Расмларни Р. ЗУФАРОВ чизган



Оқ, ойдин кечалар

Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади. Ҳовлимизда бир туп бодом бўларди. Эрта баҳорда қийғос гулларди-ю, ҳеч мева тугмасди. Онам: «Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди», деб тушунтирарди. Шу бодом тагида супа бор эди. Кун ботиши билан онам ҳовлига кўлоблатиб сув сепар, кун бўйи офтобда қизиган ер ҳиди супа олдидаги райҳонлар исига қўшилиб ажиб бир тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди.

Кейин йирик-йирик юлдузлар билан тўлган осмонга тиллақошдек ингичка ой сузиб чиқарди. Ойим ойга тикилиб туриб оҳиста пичирлар эди:

Оймўмахон ҳулла,
Қанотлари тилла.
Субҳон олло сизга.
Умр берсин бизга...

Шундай деб бошимни силарди... Оймўма эса бу сеҳрли қўшиқни яна бир эшитгиси келгандек муаллақ тўхтаб қолар, юлдузлар ўйчан кўзларини тикиб мулойим боқиб туришар, онам эртак айтар эди.

Тошлар орасига кириб ғойиб бўлган бахтсиз қизча йиғлаб-йиғлаб қўшиқ айтарди:

Очил-очил, оқ тошлар-а,
Мен онамни кўрайин-а,
Дийдорига тўяйин-а...

— Мен осмондан юлдузимни танладим. Ана, етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз — меники...

— Майли, ўғлим. Ўша юлдуз сеники. Анави, тўртинчиси — меники.

— Нега, ойи, тўртинчиси энг кичкина юлдуз-ку?

— Шунинг учун ҳам меники... Тўртинчи юлдуз — етимча юлдуз. Кўрдингми, яхши ўсмай қолган. Етимларга раҳм қилиш керак.

Юлдузлар сирли кўз қисишар, ингичка ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, садарайҳон билан тупроқ сирли ҳид таратар, осмон ҳам, ер ҳам сирларга тўла эди.

Гоҳо-гоҳо осмонда бирдан юлдуз учиб қоларди. Ҳозиргина ёниб турган юлдуз тўсатдан лоп этардию ингичка, нурли из қолдириб ғойиб бўларди. Онам чўчиб тушарди.

— Эсиз... Бир бечоранинг жони узилди-я!..

Юрагим шув этиб, онамнинг пинжига кирардим. Ишқилиб бошқа юлдуз учмасин!

...Болалигимни эсласам илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади. Билмадим, эҳтимол ўша оқ-ойдин кечаларда онам илк бор қўлимга қалам тутқазгандир.

Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир.

Тасалли

Қабристон жимжит. Фақат йўлканинг икки четида саф тортган мирзатераклар қабр устига бош эгган фарзандлардек, онага ором тилаб алла айтади. Уларнинг мунгли шивирлаши тиловат садоларига қўшилиб, юракни эзувчи оҳангга айланади... Оқ сурп яктак кийган, мош-гурунч соқоли ўзига ярашган гўрков юзига фотиҳа тортиб ўрнидан туради:

— Бўлди энди, болам! Бунақада ўзингизни олдириб қўясиз. Дунёнинг



ишлари шу экан, илож қанча?— У бир зум индамай қолади-да, қўшиб қўяди:— Волидаи меҳрибонингиз хўп ярлақаган одам эканлар. Тўшакда ётмабдилар, бировга зориқмабдилар... Бундай беозор ўлим ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Нами қуриб улгурмаган тупроқ уюмига тикилганча ўйлайман. Эҳтимол шундайдир. Онам бу дунёда камсуқумгина яшарди. Ҳеч кимга озор бермасди. Ҳеч ким билан ҳеч нимани талашмасди. Эҳтимол, табиатнинг энг шафқатсиз элчиси билан ҳам олишиб ўтиришни хоҳламагандир. Эҳтимол...

— Кўрдингизми,— дейди қария ўйчан оҳангда,— ўша куни кечаси билан жала қуйиб чиқди. То қабрга қўйгунимизча тинмади. Қўйишимиз билан чарақлаб офтоб чиқди. Бунақа руҳи пок одамлар кам бўлади, болам, мен биламан-ку.

Эҳтимол шундай ҳамдир. Балки, одамларнинг дардига шерик бўлавериб кўникиб кетган бу нуроний қария керакли пайтда ҳар кимга ана шундай тасалли сўзини айтар. Раҳмат, сенга, отахон. Эртами, кечми ҳар кимнинг иши тушадиган мана шу қўлларинг учун раҳмат. Ўртаниб турган юракка сув сепа биладиган мана шу ҳамдард қалбинг учун раҳмат. Фақат... Ҳамма гап ёмғирда бўлса, яна ақалли уч кунгина онамнинг умри чўзилсаю кейин ёмғир эмас, муттасил тош ёғса ҳам рози эдим...

Бир ҳафта бўлдики, дўстларим, таниш-нотанишлар эшикдан маъюс кириб келишади. Дўстларим жимгина ўтириб, жимгина чиқиб кетишади. Бошқалар оҳиста сўрайдилар:

— Неча ёшда эдилар?

Мен айтаман... Айтаману, ўйлайман: онанинг ёш-қариси бўладими? Меҳрнинг ёш-қариси бўладими? Шафқатнинг-чи? Садоқатнинг-чи?

Илгарилари бир ҳақиқатни билардим. Она учун боланинг катта-кичиги бўлмайди. Энди яна бир ҳақиқатни англадим. Бола учун ҳам онанинг катта-кичиги бўлмас экан. Она — она экан. Унга бошқа сифат керакмас.

Ҳаққуш

Дўстларим: «Жуда сиқилиб кетдингиз, айланиб келамиз», деб тоққа судрашди. Алла-паллагача ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирдик. Қизиқ, ҳар гал бош устига босиб тушгудек мағрур қад кериб турган тоғларни, улкан новвот парчасидек қиррадор қояларни кўрганда ҳаёт абадий эмаслигини ўйлайман. Қоронғи осмонда яна ҳам қорароқ соядек қилт этмай турган бу қоялар бизга ўхшаганларнинг неча-нечасини кўрди экан?.. Фақат уларнинг тили йўқ...

Кечаси тунаган жойимиз совуқ эди. Анчагача ухлай олмадим. Ташқарида тераклар шитирлайди. Қаердадир, яқин жойда дарё шовиллайди. Бир маҳал қулоғимга дилни орзиқтирувчи мунгли товуш чалинди: «Ҳақ-қу, ҳақ-қу...» Бир зум сукунат тушди-да, анча олисдан яна ўша товуш такрорланди: «Ҳақ-қу, ҳақ-қу...»

Бола эдим, гўдак эдим. Онам акаукалар ҳақида ғалати бир чўпчак айтиб берган эди. Эмишки, бир замонлар икки ака-ука яшаган экан. Бирининг оти Илҳақ, иккинчисиники Исҳоқ экан. Иккаласи бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, жуда ноаҳил экан. Уларнинг кўнглини оламан, деб икки ўртада оналари адои тамом бўлибди. Шунда қодир табиатнинг қаҳри келибдию икковини ҳам кўзини кўр қилиб, қушга айлантириб қўйибди. Шундагина ака-ука бир-бирини кўрмаса туролмаслигини, бир-бирига керакли эканини тушунибди. Ўшандан бери иккаласи кечалари бир-бирини чақириб чиқармиш-у, тополмас эмиш...

Ташқарида ҳамон терак барглари шитирлайди. Дарё шовиллайди. Мана шу шовуллаган сукунат ичида дилни титратадиган изтиробли нидо янграйди: «Ил-ҳақ! Ис-ҳоқ!..»



Бечора онам! Ўша изтиробли афсонани айтаётганингда инидан мўралаган қалдирғоч боласидек кўрпадан бош чиқариб ётган беш боланг бир-бири билан иноқ бўлишини шунчалик хоҳлаганмидинг!

Оналар фарзандлари ҳамиша бирга бўлишини истайдилар. Қисмат эса, қанот чиқариши билан уларни ҳар ёққа учириб кетади. Ҳаёт лоақал шу масалада ҳам оналарга шафқат қилмайди.

Қарз

Бир куни гапдан-гап чиқиб, акаукалар ойимга ҳазиллашдик:

— Ҳар ой пенсия оласиз. Шунча пулни қаёққа қўяяпсиз? Сандиққа босяпсизми?

— Сандиқ қатта, болам?— деб кулди онам.— Қарзларим бор. Ўшанга бераман-да.

Акамнинг қовоғи осилди.

— Қарз? Ҳали бировдан қарз ҳам оласизми?

— Э, сенга нима, болам! Менинг ишимга аралашиб нима қиласан?

Кейин гап бошқа ёққа айланиб кетди. Бу суҳбатни бутунлай унутиб юборган эдим. Қайси куни эрталаб ҳовлида айланиб юрсам, қўшнимизнинг етти яшар қизчаси Нилуфар чиқиб қолди. Оппоқ бантик тақиб, атлас кўйлак кийиб олибди.

— Ҳа, Нилу, ясаниб олибсан, меҳмонга кетяпсанми?— дедим эркалаб.

— Бугун ман туғилдим,— деди у қоп-қора кўзларини парпиратиб жилмаяркан.

— Ия, юбиляр экансан-да, шошмай тур-чи, ҳозир...

Уйдан бир ҳовуч конфет олиб чиқдим.

— Мана, ўртоқларинг билан е.

Нилуфар катталардек жиддий бош чайқади:

— Ман шоколад емайман. Тишим тушган.— Кейин яна ўша жиддий оҳангда қўшиб қўйди:— Бултур Пошша бувим манга туфли олиб берувдилар. Туғилганимда.— Қизча ўйла-

ниб қолди.— Кейин-чи, Баҳога уч сёқли велосипед, Бахтига кўйлак... Қўлимдан конфет тушиб кетди.

Қаноат

Отамнинг жаҳли ёмон эди. Баджаҳл бўлиб ака-укалардан бирортамизни чертган эмас. Бироқ онам: «Ҳой, эҳтиёт бўл, адангнинг жаҳллари ёмон», деб шунчалик уқтириб қўйганки, отамизни кўришимиз билан ҳаммамиз ювош тортиб қолардик.

Тирикчилик важидан бўлса керак, отам кечалари соат тузатарди. Қўни-қўшни, маҳалла-кўйда кимнинг соати бузилса, бизникига олиб келар, отамнинг ҳужрасида катта-кичик соатлар муттасил чиқиллаб турар эди. Онам бизни бу ҳужрага ҳеч йўлатмасди. Бир куни укам иккаламиз у ерга кирсак, стол устида кичикроқ пиёланинг оғзидек келадиган занжирли чўнтак соати ётибди. Қопқоғи, ойнаси очилган, мурватлари бир чеккага тартиб билан териб қўйилган. Ака-ука ўзимизча «устачилик» қилдик. Соатнинг юришидан дарак йўқ. Бир маҳал нариги уйда онамнинг шарпасини сезиб қолдигу секингина сирғалиб чиқиб кетдик.

Кечқурун отам ҳужрага кириши билан хуноб бўлиб қичқирди:

— Соатга ким тегди?

— Ҳеч ким киргани йўқ-ку!— деди онам ҳайрон бўлиб.

— Ҳаммасини сочиб ташлабди-ку!— отам жаҳл билан чиқиб келди. Қўлида биз «тузатган» соат.— Мили йўқ. Эгасига нима дейман!

Укам иккаламиз чурқ этмай мўлтираб ўтирибмиз. Яхши ҳамки, акаларимиз кўчада, бўлмаса, ҳамма айб ўшаларга тушиши аниқ.

Кўп ўтмай овқат келди. Укамга ёғоч қошиқ, менга темир қошиқ тегди. Иккаламиз қошиқ талашиб қолдик. Укам у ёққа тортади, мен бу ёққа. Икки орада коса думалаб, дастурхонга шўрва тўкилди. Бояги хунобгарчилик устига буниси ҳам қўшилдию биз бир ёқда қолиб, отам онамни туширib қолди. Ака-ука пилдирпис бўлиб, ин-инимизга кириб кетдик. Онам шўрликнинг қовоғи кўкариб чиқди. Ачиндим. Аммо начора?..

Эрталаб турсам, отам ишга кетган, ҳовли томондан аёл кишининг шанғиллагани эшитиляпти. Овозидан таниндим: қўшнимиз Мўмин аканинг хотини. Мўмин ака — кетмончи. Ўзи ҳам мўмингина одам. Хотини бошқачароқ. Каттаю кичик — ҳамма уни Келинойи деб чақиради. Келинойининг қизиқ одати бор. Ичида гап ётмайди. Уйида қайси шолчага хокандоздан чўғ тушиб, қанча жойи куйгани, қайси ўғли шолғомни ёмон кўриши, қайси қизининг сочи жамалак бўлиб қолгани — ҳаммасини бир пасда маҳаллага ёйиб чиқади.

— Кетаман!— дерди у овозини баралла қўйиб.— У қўймаса, мана, мен қўйдим! Кетаман! Кетганда ҳам уйини ўйрон қилиб кетаман!

Тушундим. Бундан чиқди, Келинойи эри билан уришган. Уйида сал жанжал чиқса, албатта ойисиникига «кетадиган» бўлиб қолади. Томоша кўриш учун аста мўраладим.

— Нима бўлди ўзи, овсинжон?— деди онам секингина.

— Кеча мани шундоқ сўкди, шундоқ сўкди, йигитгина ўлгур!— Келинойи икки қўли билан шарақлатиб сонига шапатилади.— Онамни сўкди-я, бўйнинг гўрда чиригур!

— Қўйинг, хафа бўлманг,— деб онам уни юпатишга уринди.

— Нимага хафа бўлмас эканман?— Келинойи яна ҳам қаттиқроқ шанғиллай бошлади:— Кечқурун ўсма эзиб қўювдим. Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга қўя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндак тагига олиб, қотиб кетибди. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? «Пардоз-андоз қилгандан кўра овқатингга қарасанг ўласанми», дейди-я, гўрсўхта! Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимга қилибманми, қирчинингдан қийилгур! Қирмочми, баломи, заҳарингга еявермайсанми, ергина ютгур! Хаҳ, онамни сўккан тилларинг кўмакайингга ёпишгур! Тағин нима дейди, денг? Айбни манга тўнкайди: тилинг бир қарич, дейди. Вой, тилимни гапирган тилларинг жодида қийма-қийма бўлсин-а! Елдек келиб, селдек олмаса асло розимасман!

— Қўйинг, овсинжон,— дея онам маъюс жилмайди.— Ошсиз уй бор, урушсиз уй йўқ... Қарғаманг бечорани.

— Вой нега қарғамас эканман?— Келинойи яна сонига шапатилади.— Бўйгинанг сартахтада чўзилгурни нега қарғамас эканман? Оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонинг келгурни нега қарғамас эканман? Кетаман!

— Олти бола билан қаёққа борасиз, овсинжон?— деб кулимсиради онам.— Жўжабирдек жонсиз. Шуларнинг шукурини қилсангиз-чи.

— Э, олтита боламни ойдинда оёғим билан боқиб оламан. Ойигинамнинг тор қорнига сиққан кенг уйига сиғмайманми? Биров мани кўкрагимдан итармас. Мана шу ажалнинг тиғи парронига учрагур билан тургандан кўра...— Келинойи бирдан жимиб қолди. Киприкларини оғир-оғир пирпиратиб онамга узоқ тикилдию овози пасайди.— Вой, юзингизга нима қилди?

— Ўтин тегиб кетди,— деди онам секингина.— Қарасам, ўтин ўлгур қолмабди. Болалар ўқишда, адаси ишдалар. Кўзлироқ саржин экан, теша билан бир урганимни биламан...— Онам қовоғини силаб қўйди.— Адаси ишдан келиб жуда хафа бўлдилар. «Бирпас сабр қилмайсанми, ўзим ёриб бермайманми», дедилар.

Мен турган жойимда қотиб қолдим. Онам ёлғон гапирарди. Ёлғон гапирарди-ю, негадир бу менга жуда ёқар эди...

— Ана!— Келинойи шанғиллади.— Сизнинг эрингиз ўтинингизгача ёриб беради. Маники бўлса, бир пақир сув олиб келмайди, қўлгинанг синиб акашак бўлгур. Уйим-жойим деб бўйнини эгмайди, бўйнигинанг кесилгур, эшшак! Худоё бўйнигинанг ҳазрати Алининг қиличида кесилмаса, у дунёю бу дунё розимасман-а!

Ортиқ қараб туролмадим. Негадир йиғлагим келди.

Ҳозир ҳам эри сал қовоғини солса «мелиса» билан қўрқитиб, «ўн беш сутка»ни пеш қиладиган баъзи хотинларни кўрсам, онамнинг қаноатини, Келинойининг қарғишларини эслайман.

Сурат

Дунёнинг ишлари доим шошилинч. Одатдагидек тик турганча нонушта қилаётган эдим. Онам одатдагидек қистарди:

— Ўтирсанг-чи, болам. Бир пас ўтиргин.

— Бўлди, кетдим.

— Шошма, болам.— Онам кўзимга одатдагидан бошқача, қандайдир мунг билан термилди.— Гап бор.

Типирчилаб соатга қарадим: ҳали бензин олиш керак, ишга бориш керак, кейин нашриётга ўтиш...

— Нима эди?

Онам кўзимга ҳамон маъюс термилиб ўтирарди.

— Суратга тушайлик,— деди тўсатдан.

Ажабландим:

— Нега?

— Яқинда мен ўламан.

Онам бу гапни худди «Қўшниникига чиқиб келаман», дегандек оҳангда айтди. Кулиб юбордим.

— Қўйсангиз-чи, ойи.

Шундай дедим-да, чиқдим-кетдим.

Орадан икки ҳафта ўтди-ю... Кечалари уйғониб кетаман, ўйлайман. Ўйлайман: сен номард, сен аҳмоқ нимага, нимага ўшанда кулдинг? Суратга тушишга вақтинг йўқмиди? Керак бўлса топасан-ку! Китоб учун, журнал учун, иш устида, боғда, кўчада... Нима, сен кино юлдузимисан? Жаҳоншумул шахсмисан?! Ана: бир даста суратинг ётибди. Ҳар хил. Ҳар ерда... Фақат... Онанг билан тушган суратинг йўқ!

Туш

Туш кўрсам, онам чироқ кўтариб юрганмиш. Юзини аниқ кўрмасмишман-у, аммо қўлидаги чироқ хира нур сочиб турганмиш. «Кўзингга қара, болам. Чуқур бор», дермиш нуқул. Қарасам, чуқур йўқ. Уйғонсам, онам ҳам йўқ...

Баъзан иш билан, баъзан мажлислар билан, гоҳида улфатчилик билан уйга кеч қайтардим. Бир куни Намангандан меҳмонлар келиб қолишди. Уйга боришга кўнмай, ўзимни ресторанга судрашди. Ярим кечагача қолиб кетдим. Уйга қайтганимда кайфим бор эди. Дарвозани онам очди. Совуқда муштдеккина бўлиб дилдираб турибди.

— Шу вақтгача ухламадингизми!— дедим зарда қилиб.— Эшик очишга сиздан бошқа одам йўқми?

Онам маъюс жилмайди:



— Уйқу қатта, болам?— У-ўтирибман.

Эртасига редакцияда навбатчилик чўзилиб кетди. Қарасам, яна онамнинг чироғи ёниқ.

— Нега ухламадингиз?

Онам яна маъюс жилмайди:

— Биласан-ку, жон болам, камуйқу бўлиб қолганман.

Мен нодон, онамнинг камуйқу бўлиб қолганига ярим кечагача юраманми, тонготар қайтаманми, онамнинг чироғи муттасил липиллаб туришига хўп кўниккан эканман.

Қайси куни ишдан кейин москвалик меҳмонларни аэропортга кузатиб қўядиган бўлдим. Самолёт кечикиб учди. Ярим кечада уйга қайтсам... ҳаммаёқ жимжит. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Ҳамма ўз ороми билан...

Тушимда онам чироқ кўтариб юрганмиш.

«Той»

Бултур эрта баҳорда эшигимиз олдидаги гулларни суғораётган эдим, яп-янги «Москвич» келиб тўхтади. Машина эшиги очилиб, забардаст гавдали йигит тушиб келди. Таний олмадим.

— Ҳорманг, деҳқончилик каттаку!— деди нотаниш йигит дўриллаган овоз билан.

Шунда ҳайратдан бақириб юбордим:

— Ия, Тоймисан?

Ҳа, худди ўша Тойнинг ўзи. Фақат шунча бўй, бунақа узун қўл-оёқларни қаёқдан олди экан? Яқиндагина булоқдек оқиб турадиган бурнини эплолмай машаққат чекадиган бола эди.

— Пошша ойимларни кўргани келдим!— деди у баҳайбат қоматига унча мос келмайдиган алфозда мулойим жилмайиб. Узун оёқларини катта-катта босиб ҳовлига кирдию онамга дуч келди.

Қизиқ, онам уни дарров таниди.

— Вой, ўзимнинг тойчоқ ўғлимдан айланай! Вой, ўзимнинг қочқоқ ўғлим келиб қолибди-ку!

Онам пешанасидан ўпаётганда Той икки букилиб турди.

— Машина тегувди,— деди яна жилмайиб.— Сиздан фотиҳа олгани келдим. Юринг, бир айлантириб келай.

Той онамни олдинги ўриндиққа ўтқазди. Ярим соатча айлантириб келди.

Онамнинг ёш боладек бировнинг машинасига тушиб «катайса» қилиши менга эриш туюлди. Аммо онам хурсанд эди.

— Нордек йигит бўлибди,— деди қувониб.— Исталавойда шепповир экан. Худоё умридан барака топсин.

Той кейин ҳам ўтган-кетганда бизникига тез-тез кириб турадиган бўлди.

Уни ҳар кўрганимда болалигимни эслайман. Кичкиналигимизда орамизда энг бўш-баёв бола эди. Уйимизнинг орқасида каттагина майдонча бўларди. Узоқ-яқиндан мол боқишга келган болалар шу ерда йиғилиб шовқин-сурон солиб ўйнардик. Той ҳаммадан узоқдан — Бешқўрғондан ўзига ўхшаш ювош, шохсиз сигирини олдига солиб келарди.

Ҳар фаслнинг ўз ўйини бор: эрта баҳорда чиллак, варрак, ёзда футбол, кеч кузда ланка тепиш... Уйин-ку яхши. Бироқ зиммамизда мол боқиш вазифаси ҳам бор-да. Бировнинг дайди сигири, бировнинг шайтонга дарс берадиган эчкиси зум ўтмай экин оралаб кетади. Шунда мўйлови қорайиб, овози дўриллаб қолган онабошимиз буюради:

— Той! Галинг келди, эчкини қайтар!

— Сигирга қара, Той, сигирга!

— Той! Қўй картошкага оралаб кетди-ку!

Негадир Тойнинг навбати ҳамманикидан тез келаверарди. Сигири худди ўргатиб қўйгандек эгасидан нари кетмайди. Аммо бошқаларнинг молига ҳам кимдир қараши керак-ку. Той бурнини тортиб қўяди-да, индамай полизга қараб югуради. Диконглаб сакраётган такани қайтариб келгунча бирон буқача думини хода қилиб жийдазорга югургилаб қолади... Ўйнаб-ўйнаб чарчагандан кейин ҳаммамиз тол соясида дам оламиз.

— Той, биз чарчадик. Бир мизғиб олмасак бўлмайди. Сен дежурсан, молларга қараб турасан.

Той бурнини жаҳл билан тортади-ю, индамайди.

Бир куни у астойдил ялинди:

— Мени Той деманглар. Ўзимнинг отим бор — Тойир.

Онабошимиз қувлик билан ҳаммага бир-бир қараб қўйди.

— Бўпти!— деди дўриллаб.— Сенга уч кун муҳлат. Уч кунгача ҳамма-



нинг молини яхшилаб боқсанг, Той отингни ўзгартирамиз. Аммо кечқурун сигиримнинг елини тирсиллаб турсин. Билдингми?

Чиндан ҳам Той уч кунгача сидқидилдан хизмат қилди. Биз маза қилиб футбол тепдик. Тўртинчи куни онабошимиз «мажлис» тўплади.

— Болалар-— деди тантана билан.— Энди Тойни ҳеч ким Той демасин. Катта бўлиб қолди. Бугундан бошлаб уни — Ғунон дейлик. Яна бир йил ҳаракат қилсанг, ўсиб Дўнан бўласан.

Ҳаммамиз хаҳолаб кулиб юбордик. Той кўзларини жавдиратиб болаларга бирма-бир қараб чиқди-да, бурнини тортди. Индамай ер чизиб ўтиравєрди.

Чиллак ўйинининг шафқатсизроқ бир қоидаси бор: ютқазган бола зувлаб нафаси етмай қолса бир оёқда ҳаккалайди. Қоқилиб кетсами, иккинчи оёғи ерга тегсами, тамом! Тағин таёқ билан чиллакни уриб саналади-да, яна чиллак отилади. Чиллак бориб тушган жойдан қайтадан зувлаши шарт.

Бир гал Тойни салкам ярим чақирим жойдан зувлашга мажбур қилдим. Турган гапки, нафаси етмади.

— Лўкилла!— дедим бақириб.

У чап оёғини кўтарганча ҳаккалаб сакрай бошлади. Аммо ўн қадам ҳам юролмади. Ҳар сакраганда бурни булоқдек қайнайди. Қайта-қайта артгани билан фойдаси йўқ. Болалар хаҳолайди. Айниқса, мен ҳузур қилиб куламан. Охири бўлмади — Той йиқилиб тушди.

— Бўлди! Қайтадан зувлайсан.

— Зувламайман!

— Зувлайсан!

— Зувламайман! Зувламайман!— дея Той тўсатдан жазаваси тутиб ерни муштлаганча йиғлаб юборди.— Ҳаммангни ёмон кўраман! Айниқса, сен ёмонсан!

Шовқин-сурон билан бўлиб онамнинг чақирганини эшитмай қолибман. Бир маҳал қарасам, тепамда онам турибди.

— Тур, болам,— дея онам Тойнинг бошини силади. Этагини қайтариб бурнини артди.— Вой, онанг ўргилсин, қўй, йиғлама, болам.— Кейин мени четга имлади.— Бу ёққа юр-чи.

Нарироққа бордим.

— Нега укангни йиғлатасан?— деди онам қаҳр билан.

— Қайси укамни?

— Уша укангни!

— Той-ку! Қанақасига укам бўлсин?— дедим илжайиб.

— Шунақасига! Нега қийнайсан бола бечорани? Ёғочнинг бўшини қурт емай ўлсин.

— Ғирромлик қилмасин-да, бўлмаса!— дедим чийиллаб.— Нега зувламайди?

— Ўлиб қолдингми шу билан...

Ўшандан кейин кўп ўтмай Тойлар кўчиб кетишди. Қаёққалигини болалар суриштиришмади ҳам.

Той... ўша ўзимизнинг Той шундай йигит бўлганига ҳамон ҳайрон эдим.

Онам вафот этганда Той онаси Нисо холани бошлаб келди. Кейин ҳам кўп елиб-югурди. Кунора келади. «Бизга хизмат борми», деб машинасини тўғрилаб туради.

Қайси куни ишдан келсам, эшик олдида яна Тойнинг машинаси турибди. Қарасам, айвонда Той билан Нисо хола ўтиришибди. Сочлари оқариб кетган Нисо хола мен билан айланиб-ўргилиб кўришди.

— Пошша опамни туш кўрибман,— деди кўзига ёш олиб.— Тойиржонни етаклаб юрган эмишлар. Шунга сизлардан бир хабар олай, деб кєлдим.— У бир зум индамай қолди-да, овози товланиб давом этди:— Пошша опам қандоқ одам эдилар-а! Тойиржонни қандоқ яхши кўрардилар-а!— Нисо хола кўзимга тикилиб оҳиста сўради:— Биласиз-а?

— Биламан, жуда яхши кўрардилар,— дедим болаликдаги ўша воқеаларни эслаб.

Нисо хола кўзимга яна диққат билан тикилди.

— Айтган бўлсалар керак?

— Нимани?

— Айтмаганмилар?

— Нимани айтадилар?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Ия, Тойиржон сизнинг укангиз-ку!— Нисо хола астойдил ажабланди. Кейин маъюс тортиб жимиб қолди-да, хўрсинди:— Ўшанда сиз талпинчоқ бўлиб қолган эдингиз. Тойиржоннинг чилласи чиқмаган... Худонинг ҳам бандаларига атаган азоби кўп экан. Бир кечада оғир касалга чалиниб қолдим. Кўкрагимга ёмон яра чиқиб, қирқ кун ол кет-ол қўй бўлиб ётибман денг... Айни қаҳатчилик, уруш, биров-бировга ҳолинг нима кечди, дейиши ҳам маҳол... Ўзимку майли, болам ўлиб қолади, дейман. Докага ангишвонадек ёғми, нонми ўраб чақалоқнинг оғзига солиб қўйишади. Шунда денг, бир куни Пошша опам келиб қолдилар. Айланиб-ўргилиб, Тойиржонни бағрияларига босиб эмиздилар. Шу ердан Бешқўрғонга саратонда куйиб ҳар куни уч маҳал қатнайдилар. Қирқ кун шундай қилдилар. Бир кўкрагини сиз эмасиз, биттасини,— Тойиржон.— Нисо хола ҳиқиллаб қолди. Ёш ғилтиллаган кўзини рўмолининг учи билан артди.— Қандоқ хотин эдилар-а! Нима билан рози қилишимни билмайман. Сўрасам, уришиб бердилар. «Вой, гапингиз қурмасин, овсин, она сути ҳам сотиладими», дейдилар. «Бировга яхшилик қилиб, кєтидан тамъа қилган одамнинг савоби гуноҳга айланади», дейдилар... Қандоқ эдилар-а!..

Нисо хола рўмолининг учини ғижимлаганча ўйга толди. Мен ҳам, шу пайтгача ўзим билмаган кўкалтош укам Тойиржон ҳам бир нуқтага тикилиб қолган эдик. Ҳар қайсимиз ўз ўйимиз билан банд эдик, ҳаммамиз бир одамни — онамни ўйлардик.

Китоб

Бугун китобим чиқди.

Ҳар гал янги китобим чиқиши билан биринчи нусхани онамга атар эдим. Ҳар гал бир хил сўз ёзиб берардим: «Биринчи ўқитувчим — онажонимга»... Онам китобни кўриши билан кўзлари қувончдан порлаб кетар, узундан-узоқ дуо қилар, пешанамдан ўпиб, яккаш битта гапни такрорлар эди:

— Сен менинг суянган тоғимсан, ўғлим...

Кейин худди биров олиб қўядигандек китобни ёстиғининг тагига яширарди. Шунда мен китобим чиққани учун ўзимдан кўпроқ онам қувонганини билиб турардим.

Бир куни маҳалланинг нариги чеккасида турадиган нонвойникига кириб қолдим. (Нима юмуш билан борганим эсимда йўқ.) Қарасам, ёғоч сўрида китобим ётибди. Варақлари титилган, офтобда сарғайиб кетган. Қизиқиб қўлимга олдим. Ўқисам, ўзимнинг дастхатим: «Биринчи ўқитувчим — онажонимга».

Ўшанда нима учун бундай аҳволга тушганимни билмайман. Худди биров мени масхара қилаётгандек бўлиб кетди. Келиб онамга тўнғилладим:

— Китобни етти маҳалла нарига ташлаб келинг, деб берганмидим сизга!

Онам айбдор қиёфада маъюс жилмайди:

— Мавлу ҳеч қўймади-да, болам. «Битта ўқиб бераман», деди.

Мавлудагача яна мингта қўлдан ўтгани кўриниб турибди,— дедим зарда билан.— Мақтангансиз.

— Ўзингни сиқма, жон болам. Ҳозир олиб келаман.

Чиндан ҳам, ўша куни китоб қайтиб келди.

Ҳар гал китобим чиқса, онам бир гапни айтарди:

— Сен менинг суянган тоғимсан, ўғлим...

Билмаган эканман, мен онамнинг эмас, онам менинг суянган тоғим экан. Тоғим тўсатдан қулаб тушди.

Бугун янги китобим чиқди. Биринчи нусхасини эмас, битта нусхасини эмас, 60 минг китобнинг ҳаммасини онамга бағишладим. Лекин...

Бола йиғиси

Онамнинг жаҳли чиққанини камдан-кам кўрардим. Аммо бир гал жуда қаттиқ аччиқланди. Опамникига кетаётган эдик. Тор кўчага бурилишимиз билан йиғи овози эшитилди. Кўча четида уч ёшлардаги бола ерга думалаб тажанглик билан чинқирар, оппоқ кўйлаги, иштончаси қора тупроққа беланган эди.

— Машинани тўхтат, ўғлим,— деди онам хира тортган кўзларини ўша томон тикиб.

— Нима эди?

— Тўхтата қол, болам,— деб онам машинадан тушди.

Иккиланиброқ тўхтатдим.

Онам инқиллаб-синқиллаб эшикни очиб тушди. Уюшиб қолган оёқларини уқалаганча оқсоқлана-оқсоқлана орқага, бола йиғлаётган томонга қараб кєтди. Мен ҳам беихтиёр эргашдим. Бола ҳамон ерга думалар, ҳар юмалаганда қулоқни тешиб юборгудек чинқирар эди. Унинг тепасида ўзи ҳам ўпкасини аранг босиб турган ёшгина жувонни энди кўрдим.

— Жинни бўлиб қолган бу,— деди жувон йиғламоқдан бери бўлиб.— Мороженое олиб бер, деди. Олиб берсам, бунақа қиляпти.

Бола ҳамон чинқириб йиғлар, хархаша қилар эди:

— Иссиқ манож! Иссиқ манож оберинг!

— Унақасини қаёқдан топаман?— жувоннинг тоқати тоқ бўлди шекилли, думалаётган ўғлини ердан юлқиб кўтарди. Орқасига бир-икки шапатиларди.

— Ҳой қизим, бола-я бу, бола-я!— дея онам чумчуқдек чирқиллаб жувонга ёпишди.— Кєл, жоним,— деди болани бағрига босиб.— Келақол, ўзим сенга иссиқ морожний олиб бераман.

Бола йиғидан тўхтамади. Аммо аввалгидек типирчиламасди. Унинг шунчалик жаҳлини чиқарган «совуқ манож» оқиб кўйлакчасининг олдини шалаббо қилган, бошидан оёғигача лой эди.

— Нимага қараб турибсан!— деди онам менга тўсатдан.— Ё сен ҳам боламисан? Бор, олиб кел машинангни. Ҳозир у-утага борамиз. Ди-дитга тушамиз-а?

Ростини айтсам, болани шу аҳволда машинага ўтқазгим келмади. Чет элдан келтирилган янги поролон ғилоф олган эдим. Ҳаммасини расво қилиб юборади энди. Ноилож машинани тислантириб олиб келдим, қовоғимдан қор ёғаётганини ўзим ҳам сезиб турардим.

Онам ёнига ўтирган жувонга тушунтирди:

— Бунақада бола ҳуйлик бўлиб қолади, қизим. Алдаб-сулдаб овутинг-да. Ана, ди-дитга тушдик.

Бола энди йиғламас, аммо ўпкаси тўлиб тўхтовсиз ҳиқиллар эди.

— Қаёққа кетаётган эдинглар, ўргилай?— деди онам аёлни ҳам юпатувчи оҳангда.

Мени она-боланинг қаёққа бориши эмас, ўриндиқнинг қанча жойи лойга белангани кўпроқ ўйлантирарди.

Аёл чимирилиб ўтирганимни сезди шекилли, хижолат чекиб шоша-пиша қўл силтади:

— Мана, келдик. Раҳмат. Шу ердан троллейбусга чиқамиз.— У овуниб қолган ўғилчасини кўтариб шоша-пиша машинадан тушди.— Катта раҳмат, барака топинглар.

Қарасам, худди ўзим ўйлагандек; ўриндиқнинг ярмичаси лойга беланибди.

— Қизиқсиз,— дедим жаҳлимни босолмай,— ҳамманинг ишига аралашаверасизми?

— Нима ҳамманинг иши?

— Бировнинг боласи бўлса... Йиғласа сизга нима? Йиғлаб-йиғлаб овунади.

— Нимага бировнинг боласи бўларкан!— Тўсатдан онамнинг жаҳли чиқиб кетди.— Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўладими? Уялмайсанми шунақа деган! Йиғлаб турган норасидага раҳми келмаган одам одамми?

Индамадим. Аммо бари бир ўшанда онамни ноҳақ ҳисоблаган эдим. Йўқ, чамамда, оналарнинг биз тушунмайдиган, бизнинг ўлчовимизга сиғмайдиган ўз олами борга ўхшайди.

Маҳалланинг «шайхи»

Қачондир унинг исми бўлса бўлгандир. Бироқ маҳаллада ҳеч ким унинг отини билмайди. Ҳамма Шайх деб чақиради.

Айтишларича, уруш пайтида бир бева хотин беш-олти ёшлардаги боласи билан шу ерга келиб қолган. Инсофли одамлар унга чойхона ёнбошидаги пастак ҳужрани ажратиб беришган. Бола — бари бир бола-да. Баҳорда ҳужранинг томига чиқиб варрак учираётган экан, варрак ҳаволаган сайин қизиқиб кетиб ипни торта-торта тисарилиб борибдию томдан чалқанчасига йиқилиб тушибди. Шўрлик онанинг дод-фарёдига чойхўрлар ёпирилиб чиқишса, боланинг боши ёрилиб, қонга беланиб ётганмиш. Табиб кампир унинг бошига кигиз куйдириб босибди, қоракуя сурибди, ҳайтовур, бола тузалиб кетибди. Фақат эси айниброқ қолибди. Ўшандан буён ҳеч ким унинг бирон марта йиғлаганини кўрмаган. Қачон қарасангиз, илжайиб туради. Илжайганда ҳам тилининг учи оғзига сиғмай доим чиқиб туради. Шундан бўлса керак, ондасонда устара тегадиган дўрдоқ лабининг икки чети оқариб ётади. Урушдан кейин онаси вафот этдию Шайх ёлғиз қолди. Эски чойхона бузилганида уларнинг ҳужрасидан ҳам номнишон қолмади. Бироқ Шайх кўчада қолгани йўқ. Маҳалладаги ҳамма уй Шайхники. Унинг учун ҳамма эшик очиқ. У бизникига ҳам тез-тез келиб туради. Онам билан узоқ-узоқ гаплашганини кўрардим-у, онам бу девонз билан нимани гаплашишига ақлим етмасди.

Жамики тўй, жамики маъракa Шайхсиз ўтмайди. Унинг ўз вазифаси бор: самовар қўяди. Хотиношида маҳалла отини, никоҳу базмларда тўйбоши эркаклар Шайхнинг хизматига муҳтож.

— Шайх, тўрт чойнак чой! Уч чой-





нак фамил, бир чойнак кўкидан бўлсин.

— Ҳодзир...

Шайх ғалати гапиради, «з»ни айтолмайди, «дз» дейди, «с» деёлмайди, аллақандай «тс» қилиб айтади.

— Шайх, тезроқ! Нозик меҳмонлар келиб қолди.

Шайх шошилмайди. Ишини билиб қилади.

— Тсекин. Нодзик бўтса, ўдзига,— дейди илжайиб.

Одамлар ранжимайди. Шайхнинг пухталигини билишади. Шунча йилдан бери бирон тўйда биронта чойнак дарз кетмаган, бирон меҳмон чойсиз қолмаган.

У фақат пиво ичади. Кўп эмас, икки шишагина. Тўй эгалари Шайхнинг улушини алоҳида ажратиб қўйишади. Тўй тарқаши олдида, хизматини қилиб бўлганидан кейин Шайх шишани оғзига қўйиб пивони ичиб олади-да, бирдан ўйинга тушади. Ёқавайрон бўлиб, оғзидан кўпик сачратиб хўп ўйнайди.

Одамлар қарсак чалган сайин баландроқ сакрайди.

— Бўш келма, Шайх!

— Маладес, Шайх! Орангутан бўлиб кет-эй!

Бундай «мақтовлар» Шайхни баттар жазавага солади. Ҳар тепинганда ер зириллаб кетади.

Баъзан ҳангаматалаб йигитлар Шайхни ўртага олиб қолишади.

— Бу... тўйни қачон бошлаймиз, Шайх?

Шайх тилини чиқариб илжайиб қўяди.

— Сенга ҳам хотин олиб берайлик бундоқ.

— Хотинматс, қидз...

— А?.. Вой кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Сени кўрган қиз инфаркт бўлади-ку.

Шайх хафа бўлмайди. Умуман, хафа бўлишни билмайди. Илжаяди.

Онамнинг йигирмаси бўлаётган эди. Ғира-шира тонг отаётганда эшикдан кўйлакчан Шайх лапанглаб кириб келди.

— Ия, ана, Шайх келиб қолди!— деди аллаким тантана билан.— Қани, самоварга ўзинг қарай қол.

Аммо Шайх ҳовли бурчагида турган самоварлар томонга юрмади. Ҳеч кимга қарамай бир ҳатлаб айвон зинасидан чиқди-да, ойимнинг хонасига йўналди.

— Ҳой, Шайх ўлгур, қаёққа?— дея аёллардан бири унинг йўлини тўсди.— У ёқда қариялар ўтиради.

— Қоч!— деди Шайх кўзини олайтириб. Кейин онамнинг хонасига кирдию тўсатдан ўзини ерга отди.

— Ойи!— деди хириллаб.— Ойи-и-и!

Ёқасига чанг солиб бир тортган эди, кир кўйлаги шир этиб йиртилди-да, қоп-қора, бақувват елкалари титраганча оғзидан кўпик сачратиб ҳайқирди:

— Ойи! Ойи!

У ҳар «ойи» деганда бошини ерга урар, ерни муштлар эди. Бир пасда пешанаси моматалоқ бўлиб кетди.

— Ойи! Қаёққа кетдидз, ойи!

Умрида йиғламаган Шайхнинг ноласи ҳаммани карахт қилиб қўйган эди. Кимдир кўтармоқчи бўлган эди, Шайх уни силтаб юборди.


— Тегманглар!— деди аллаким пичирлаб.— Майли, йиғлаб олсин.

Анчадан кейин у гандираклаб ўрнидан турди. Ҳеч кимга қарамай ҳовлига тушдию индамай чиқиб кетди.

Оқ мармар, қора мармар...

Баҳор дэворларнинг офтобрўя этакларидан бошланмайди. Баҳор ариқларнинг кунгай соҳилларидан бошланмайди. Баҳор гўристондан бошланади. Илк майсалар мунгли дўппайган қабрлар ёнбошидан униб чиқади. Тўнғич чучмомалар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маъюс қўнғироғини чалади. Бағри қон қизғалдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади.

Ким билсин, табиатнинг марҳумлар руҳига йилда бир марта кўрсатадиган марҳамати эҳтимол шудир. Чўғдек ловиллаган қизғалдоқлар, саф тортган гулсафсарлар орасида мармар тошлар кўринади. Оқ мармар, қора мармар, кўк мармар... «Онажон, сизни тоабад унутмаймиз», «Онажон, қилдингиз бизга жон фидо, эвоҳ, тақдир сиздан айлади жудо», «Онажон, хотирангиз қалбимизда мангу яшайди»...



Оқ мармар, қора мармар... Бу сўзларнинг ҳар битта ҳарфига қанчадан-қанча кўз ёши томганини биламан. Эҳтимол булар инсон боласининг ҳаётда айтган энг рост сўзларидир. Фақат... Ҳар гал уларни ўқиганда бир нарсани ўйлайман. Мана шу сўзларни юрак-юракдан, изтироб билан айтган фарзанд онаси ҳаёт эканлигида қанчалик кўнглини ололди экан? Хотинига қимматбаҳо пўстин олиб бераётганида, онасига бир кийимлик кўйлак қўшиб олиш ёдидан чиқмадимикан? Уз уйини чет эл мебели билан тўлдириб қўйганида онасига ақалли бўйрадеккина гиламча совға қилишни унутмадимикан? Қизини туғилган кунида атлас кўйлак, ўғлини велосипед билан қутлаганида онасига оддий бир пайпоқ олиб беришни эсидан чиқармадимикан?

Билмадим... Фақат бир нарсани аниқ айтишим мумкин. Мабодо табиат марҳумларга қайта жон ато қилсаю оналар тирилиб қолса, ҳаёт пайтида меҳр берганми, бермаганми — бари бир фарзандларини мақтаб гапирган бўларди. Оналар ҳатто вафотидан кейин ҳам оналигича қолади.

...Баҳор дэворларнинг офтобрўя этакларидан бошланмайди, баҳор ариқларнинг кунгай соҳилларидан бошланмайди. Баҳор мана шу ердан бошланади. Қабрлар устида қўнғироқ чалган чучмомалар, ловиллаб ёнган қизғалдоқлар оналарнинг фарзандини юпатиш учун тақдим этган чечаклари бўлса ажаб эмас.

Унутилмас сиймолар

ЮКСАК МАҚСАД БИЛАН КЕЧГАН УМР

Уста Ширин Муродовнинг 100 йиллигига

УСТА ШИРИН бундан юз йил аввал, 1880 йили Бухорода туғилди. У усталар сулоласидан эди. Бобо калони уста Умид ҳам, боболари уста Фузайл, уста Носир, отаси уста Мурод ҳам моҳир гилкор эдилар. Уста Ширин ўн бир ёшидан бошлаб отасига қарашиб юрди. Ўн тўрт ёшида ота-онадан етим қолди. Шундан кейин амакиси уста Ҳаёт уни ўзига шогирд қилиб олди. Уста Ҳаёт замонасининг етук санъаткорларидан бўлиб, уста Сафар, уста Азиз, уста Раҳим, уста Акрам сингари номдор меъморлар унинг шогирди бўлган эдилар.

Уста Ширин амакиси қўли остида ўн саккиз йил ишлади. Амакиси уста деб фотиҳа берганида уста Ширин йигирма икки ёшда эди. У энди биноларни мустақил қурадиган ва безайдиган даражада малака эгаси бўлиб қолган эди.

Уста Ширин ёшлигидан серҳафсала, ўзига ниҳоятда талабчан эди. Ишдан кеч ва чарчаб қайтишига қарамай вақтини бекор ўтказмас, қурилажак бинонинг нақш-режаси, безаклари тарҳини чизар эди.

Уста Ширин Бухоро ва унинг атрофларида кўплаб бинолар, саройлар қуриб, номи эл оғзига тушди. Ҳасадгўйлар у ҳақда: «Уста Ширин сарой кишиларини ёқтирмайди», деган гап тарқатдилар. Шу сабабдан Бухоро амири уста Ширинни сарбозликка сафарбар қилди. Кейин амир Аҳадхон уни эллик кишилик усталар тўдасига қўшиб Карманага жўнатди. Бу ерда у чорбоғ ва саройлар қурилишида иштирок этди. Оладиган кунлик маоши беш тангагина эди. Ўн беш йил Карманада тер тўкиб орттиргани беш-олти адрас тўн ва салла бўлди. Қиш кунларининг бирида у оёғини совуққа олдириб, умрбод оқсайдиган бўлиб қолди. Аҳадхон вафотидан кейингина уста Ширин Бухорога қайтиб, мустақил равишда бинокор-усталик қила бошлади.

Амир Олимхон Ситораи моҳи хоса чорбоғида ўзи учун бир неча бино қурдирмоқчи бўлди. Усталар танланар экан, уста Ширинниng номи ҳам тилга олинди. Ўша кеч уста Ширинни аркка таклиф қилдилар. Олимхон уста Ширинга меҳмонхона токчасидаги синиқ панжарани кўрсатиб, тонг отгунча уни тузатиши лозимлигини, акс ҳолда жазога мустаҳиқ этилишини айтди. Устанинг қўлида бир чопқи бор эди, холос. Бурчакда ярим гардиш ганч турарди. У қўлидаги пичоқча билан панжара гулига мослаб ганчга гул ўйди, сўнг уни панжаранинг кўчиб тушган жойига ўрнатди. Амир эрталаб келиб панжаранинг уланган жойини синчиклаб текширди. Бироқ устанинг ишидан камчилик тополмади. Уста маҳоратига тан берган амир Ситораи моҳи хосадаги хонаи сафеднинг ганчкорлик ишларини унга топширди.

Уста Ширин икки ой давомида хонани безаш йўлларини ўйлаб юрди ва бинокорликда учрамайдиган янгича усул топди. Ойна фонида ганчкорлик нақшларини чекмоқчи бўлди. Девор ва шифт безаклари тарҳини ўзи чизиб, ўзи қолиплади. Хонаи сафедни шинам қилиб жиҳозлашга ҳам уста Ширинниng ўзи бош бўлди. Қўшни хоналар ҳам шунга мослаб безатилди ва жиҳозланди. Бу ишга у ўймакор уста Абдуғафур ва наққош уста Ҳасанжонни жалб қилди. Шу тариқа хонаи сафед Бухоро ганч ўймакорлиги анъаналарини ўзида мужассам этган халқ наққошлигининг хазинасига айланди.

Ўша йилларда Бухородаги Болойи ҳавз масжиди олдида баланд айвон қурилаётган эди. Бу айвонни наққош Қурбон Йўлдош ўғли безади. Масжид ёнидаги минорани эса уста Ширин қурди. Минора янгича қолипланган ғиштлардан, фонуси эса қуйма сопол бўлакларидан терилди. У Масжиди калон ёнидаги кўшкни қуришда ҳам шу усулни қўллади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли асрлар бўйи зулматда мудраган ўлка эрк ва озодлик қуёшининг нурларига чўмди. Шунгача ўз истеъдоди мевасини халқига бахш этиш имкониятидан маҳрум бўлган уста Ширин сингари санъаткорларнинг ҳам елкасига офтоб тегди.

1918 йилда В. И. Ленин имзо чеккан декретга биноан қадимий ёдгорликларнинг халқ мулки сифатида сақлаб қолиниши лозимлиги қонунлаштирилди. Бу қонун ёдгорликларни муҳофаза қилиш соҳасида амалга ошириладиган кейинги тадбирларга асос бўлди. Жойларда ташкил топган осори атиқаларни сақлаш муассасалари (Самкомстарис[1], Туркомстарис, Средазкомстарис, Узкомстарис) меъморий ёдгорликларни ҳисобга олиш,

[1] Комстарис — Комитет по охране памятников старины — Осори атиқаларни сақлаш комитети.

ўрганиш, таъмирлаш бўйича катта ишларни бошлаб юборди. Бу орада Бухоро инқилоби юз берди. Инқилобдан сўнг усталар меъморчилик обидаларини таъмирлаш ишларига жалб қилиндилар. Бундай хайрли ишларга қатнашмоқни фахрий бурч деб билган уста Ширин Мираб мадрасаси нақшларини, Абдулазиз мадрасаси пештоқини, Исмоил Сомоний мақбарасининг нураган жойларини, Мағоки Аттор масжидининг жанубий пештоқидаги ғиштин безакларни таъмир этди. У С. Оржоникидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институти биноси қурилишида икки йил қатнашди. Кейин С. Айний номидаги Бухоро область театри биносини безади.

1937 йилда уста Ширин Муродов самарқандлик Шамсиддин Ғафуров ва Турсун Исмоилов билан биргаликда Москвада қурилаётган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасига таклиф қилинди. Мазкур усталар бу ерда халқ санъатининг юксак нафосатини жаҳон миқёсида намойиш қилдилар. Айниқса уста Ширинниng Ўрта Осиё павильонларини безатишдаги ижодий иши машҳур меъморлар томонидан юксак баҳоланди.

Халқ усталарининг 1939 йили Самарқандда ўтказилган съездидан сўнг Самарқанд ва Бухоро усталарининг бир гуруҳи область ижроия комитети биноси (ҳозирги Шарқ қўлёзмалари институти биноси) қурилишига жалб қилинди. Уста Ширин ана шу бинога шарафа ва панжаралар ишлади.

1940-43 йиллар давомида уста Ширин Самарқандда Узкомстарис қошидаги қурилиш санъати усталари тайёрловчи курснинг ўймакорлик бўлимига бошчилик қилди. Кекса усталар бу ерда ёшларга гиреҳ нақшлар композицияси ясашни, мураккаб деталларни ўйиш усулларини ўргатар, ғишт теришнинг хилма-хил усулларини амалда кўрсатар эдилар.

1943 йили уста Ширин Тошкентда, ҳозирги Муқимий номли музикали драма театри биносини қуришда қатнашиб, бинонинг шарафасини, устунларнинг нақшини, жимжимадор панжараларни ясади. 1947 йили эса, уста театрнинг асосий гумбази ва фойе галереяларини безади. Лўлапардоз бандлари, чокапардоз чоклари, табақапардоз шохалари ва пахпардоз бўртмаларини бир-бирига уйғунлаштириб, уста Ширин ажойиб нақш нусхаларини яратди.

1943 йилда уста Ширин Тошкентга кўчиб келди. Бу ерда у Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри (архитектор А. В. Шчусев лойиҳаси), Тошкент куранти (архитектор А. А. Муҳамедшин лойиҳаси), Қишлоқ хўжалиги министрлиги (М. Бўлатов ва Л. Караш лойиҳаси) биноларининг ганчкорлик ишларини бажарди. Навоий кўчасидаги уч қаватли уй лоджиялари ва ҳавзакли ички шарафаларини М. Бўлатов ва Л. Караш лойиҳалари асосида ижро этди.

Шарқ Қўлёзмалари институти ёнидаги уй дарвозасининг, Собир Раҳимов номидаги кинотеатр шарафаси ва панжараларини, Оржоникидзе районидаги колхоз чойхонасининг ўйма намоёни ва панжараларини, Шоҳимардондаги Ҳамза мақбараси шарафасини меҳр билан ишлади.

1944-46 йилларда уста Ширин бир гуруҳ шогирдлари билан Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг Бухоро залини безади. У девор ва шифт безакларининг тарҳларини ўзи чизди. Унда Бухоро меъморий наққошлиги ва ганчкорлик санъати анъаналарини изчилроқ намоён этди. Опера ва балет театри биносини безашда уста Ширин ойнали пардоз санъатини қўллади. Намоён нақшларининг нисбати, шохланишлардаги мавзунлик, тасвир характери ва кўламида уста Ширин ўз истеъдодини яна бир карра кўрсата олди. У ўзбек хонадонига хос бўлмаган улкан кўламни театр залига татбиқ этди.




...Деворга латиф нур таралади, қандил таъсирида шифт шарафалари ўз кўркини ёркинроқ намоён этади. Уста Ширин бу ниятни амалга оширишнинг сирларини ниҳоятда синчковлик ва изчиллик билан ишлаб чиққан эди. Уч қаватли шарафа нақшин деворга қошдек ярашиб турибди. Кенг шифт турунжида қандил ўрнатилган бўлиб, унга ҳам шарафа ясалган. Унча баланд бўлмаган деворда ўзбек уйининг анъанавий ички изоралари йўқ. Йирик намоён ва ҳошияларда турли-туман оригинал нақшлардан фойдаланилган. Ганчкорий нафис майда нақшлар деворга осиб қўйилган тўр парда тасаввурини беради. Шарафаларга берилган новозик соя, турунжларнинг жимжимадор ўйма нақшлари ва пардози уста Ширинниng ганчкорликдаги имкониятлари бепоёнлигидан далолат беради.

Ганчкорлик санъатининг услуби жиҳатидан театрнинг ҳар олти зали дастлабки қарашда бирдек туюлади. Эътибор билан нигоҳ ташлаган киши Самарқанд залида Қули Жалилов (1891—1960) бажарган йирик гулдаста ва япроқ нақшлар Бухоро залидаги табақапардоздан фарқ қилишини билиб олади. Термиз залида уста Ширин ўз шогирди Исмат Неъматов билан қадимги ўймоқ ва ҳавзакли Термиз ганчкорлик анъаналарига қайта ҳаёт бахш этди.

Қисқа қилиб айтганда, уста Ширин Муродов тимсолида Бухоро меъморчилик мактабининг услублари ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг Бухоро залини томоша қилган ҳар бир киши уста Ширин Муродовнинг ўлмас заковатига тасанно ўқийди.

А. ЖДАНОВ фотоси



Умрининг охирларида уста Ширин Ўзбекистон меъморий обидаларини таъмирлашда мураккаб ишларни амалга оширди. Бухородаги Улуғбек мадрасаси, Абдулазизхон мадрасасининг шарафали гумбаз пештоқларини, Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида меҳроб ва шарафаларни қайта тиклади. Кейин эса Гўри Мир мақбараси пештоқининг меҳроби шарафаларини таъмирлашда иштирок этди.

Уста Ширин Муродов СССР Министрлар Совети қошидаги Моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитетининг буюртмаси билан кўплаб меъморий нақшларнинг тарҳларини чизиб берган эди. Бу тарҳларнинг ўзи бебаҳо хазинадир.

«Уста Ширинниng наққошлик санъатини бўлакларга ажратиб, ҳар бир намоёнини таҳлил этиш амри маҳол,— деб ёзади меъмор И. Ноткин,— нақш ясаш унга ҳеч гап эмас эди. У ҳар бир нақшга меъморчилик талаблари нуқтаи назаридан ёндашади. Намоён, тоқ ва шарафаларнинг тарҳини уста Ширин моҳир меъмор каби бино деталларига мослаб чекади. Бу нарса эса, катта тажриба ва юксак дидни талаб этади. Уста Ширин нақшларининг амалий аҳамияти, уларни турмушда синаш ва такомиллаштириш имконияти унинг наққошлик санъати ҳаётий эканлигининг далилидир».

Уста Ширин шогирдларига нисбатан ўта талабчан эди. Ўзининг нозик табиати туфайлими ёки умуман меъморчилик санъати жуда аниқликни талаб қилганиданми, у ниҳоятда маҳорат ва қунт билан ишларди. Таниқли ўзбек тарихчиси, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Рашид Набиев шундай ҳикоя қилади:

— Донгдор устанинг шогирдларидан бири қурилаётган уйнинг шарафасини ганч пардоздан чиқариб турганда уста Ширин эшикдан кириб келиб қолди. Хонага кириб, шарафанинг сифатини текшира бошлади. Шарафа жуда ҳам кўркам, бежирим эди. Аммо уста хона бурчагида нақш деталларидан бири икки-уч миллиметр чиқиб қолганини пайқаб, ҳаловга чиқди-да:

— «Тешангни бер», деди. Уста теша билан бутун деворнинг шарафасини чопиб ташлаб қайтадан шарафа ясашни буюрди.

Устознинг ундан миннатдор ва донгдор шогирдлари бир талай. Эндиликда Иброҳим Шермуҳамедов, Назрулла Муродов, Тойир Жалилов, Исмат Неъматов, Ғайбулла Неъматов, Робижон Қурбонов, Аминжон Саломов, Маҳмуд Усмонов каби шогирдларининг ҳар бири бир мактаб яратган устозлар бўлиб етишдилар.

Партия ва ҳукуматимиз уста Ширин Муродовнинг мўътабар санъатини юксак тақдирлади. 1943 йили у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонини олди ва ЎзССР Фанлар академиясининг фахрий аъзолигига сайланди. Уста 1945 йили Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 1948 йили эса Алишер Навоий номли Опера ва балет театрининг Бухоро залини безагани учун Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон меъморчилик санъати равнақига муносиб ҳисса қўшган, инсонни гўзалликдан баҳраманд этишдек юксак мақсад билан яшаган санъаткор уста 1957 йилнинг 12 февралида Тошкентда вафот этди. Уста Ширинниng шу сўзлари унинг ўз касби ақидаларига умр бўйи содиқ қолганидан далолат беради: «Ганчкорлик санъати тезроқ камол топиб, ҳар бир уйга кириб келса, дейман. Нақш дилга қувонч, ором беради, бундай уйда мискинлик ва жаҳолатга ўрин қолмайди. Бундай шинам уйда яшаган кишининг уйи, Ватани ва халқига меҳри ҳам кучли бўлади».

Наим НОРҚУЛОВ

ЖОССОҚ ШОИР

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

Эсингизда бўлса, «Гулистон»нинг 1977 йил, 1-, 2-, 3-сонларида шоир ва адабиётшунос Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Жуманбулбул», 1978 йил, 3-сонида эса «Тилла кампир» эссеси эълон қилинган эди. Муаллиф бу асарларида ўзбек халқининг маънавий хазиналаридан бири ҳисобланмиш Қўрғон достончилик мактабининг икки улуғ намояндаси — Тилла кампир ва Жуманбулбулнинг ижодий фаолияти, ҳаёти тўғрисида фольклоршунослик манбалари, шунингдек, донишманд қарияларнинг билган-эшитганларига суянган ҳолда фикр юритган эди. Автор Қўрғон достончилик мактаби муҳити, унинг устодлари ҳаёти ва ижодини ўрганишда давом этиб, беназир достончи — Жоссоқ шоир Мулла Холмурод ўғли ҳақида тадқиқот яратди. Қуйида уни диққатингизга ҳавола этамиз.

Мен келиб, кафтдай юракда
тоғдай оғир юк бугун,
Ҳам тилимда айланар оҳанги
йўқ овозгина.
Мен учарман, эҳтимол, сенсиз
ҳам бироқ,
Менга хушдир, қушлардай·
ёнма-ён парвозгина.

Жоссоқ шоирнинг невараси, марҳум Райим Жолғош ўғлининг машқ дафтаридан.

Жуманбулбул акаси Жоссоқ бахшини шоирларнинг устози деб таърифлаган эди. Эргаш Жуманбулбул ўғли эса Жоссоқ шоир тўғрисида шундай маълумот беради:

Мулла Холмуроддан учта ул қолган,
Учови ҳам катта шоирлар бўлган,
Жошузоқ шоир дейди каттасин отин,
Шоирликда кўп шогирдлар чиқарган.

«Жоссоқнинг устоди — XVIII асрнинг машҳур достончиси, Катта Бўрон лақабли Бўрон бахши эди», деб ёзадилар В. Жирмунский ва Ҳ. Зарифов. «Жоссоқ 80 га яқин халқ достонини ёд билар ва достонларни дўмбира билан айтар эди. Жоссоқ машҳур куйчилиги билан қимматли бўлиб қолмай, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги кўп машҳур куйчиларнинг устози бўлиши билан ҳам қимматлидир. Ҳозирги машҳур ўзбек куйчиси Пўлкан Жомрот ўғли ҳам Жоссоқ бахшининг шогирдларидандир», деб таъкидлайди академик Ғафур Ғулом.

Мукар хола Ўтамурод хатиб қизининг ва Зиёдмомонинг айтишларича, Жоссоқ шоир укаси Жуманбулбулдан ўн йиллар чамаси кейин — саксонга бориб вафот қилган. Жуманбулбул 1822 йили туғилиб, 1890 йили кўз юмган. Жоссоқ шоир тахминан етмиш етти ёшга кирган ва укаси Жуманбулбулдан тахминан икки ёш катта бўлган деб ҳисобласак, у 1820 йилларда туғилиб, 1897—98 йилларда оламдан ўтган. Бу ҳисоб тахминий, лекин XIX асрда яшаб ижод этди, дегандан кўра аниқроқ.

Жоссоқ шоирнинг мана бу термасигина йиллар шамолида совурилмай, бизгача етиб келди:

Осмонлаб учган булдуриқ,
Сув сугорган шилдинг йириқ,
Сен кўрдингми Нишонойни?
Жонмирзанинг қатортоли,
Жоналининг Норхол кали,
Сен кўрдингми Нишонойни?
Ободининг[1] катта қири,
Эрнозбойнинг Аҳмад ули,
Сен кўрдингми Нишонойни?
Жаноқ жойга[2] экдим тори,
Оқ эшакка минган қори,
Сен кўрдингми Нишонойни?
Қодир Хидирнинг улоғи,
Елтиймаснинг[3] қўзғилоғи[4],
Сен кўрдингми Нишонойни?[5]

Жоссоқ шоирнинг яна бир термасининг мана шу баланд авжли мисралари ҳам одамлар хотирасида сақланиб қолган:

Кўлмоҳиёнларим бордир,
Боғу чорбоғларим бордир,
Юргин энди бизнинг элга!
Жамолингдир нақшин олма,
Ошиқ бўлсанг, биздан қолма,
Сочинг — узун, белинг — толма,
Юргин энди бизнинг элга!

Инсон руҳини ана шундай кўтаринки тарзда тасвирлаш Қўрғон мактаби учун хос хусусиятлардан ҳисобланади. Жуманбулбул — Эргаш Жуманбулбул ўғли «Равшан» достонидаги энг яхши эпизодлар, Жоссоқ — Пўлканнинг «Гулнор пари» достонидаги бахшининг рамзий тажассумига айланган майна қуш образи бу фикрнинг ёрқин исботидир: «Гулнор пари, Маржон пари, уч юзча Ҳиндистоннинг кичкина подшосининг қизлари шу супага чиқиб, ёстиғини ёнбошига қўйиб, «Уҳ, чарчадим», дейишиб, жилмайибгина кулишиб, бироз-бировининг баданларини ушлашиб, «воҳ-воҳ» дейишиб, маст қизлар қаҳ-қаҳ уриб кулишиб, булбул, тўтилар маст бўп кетди қизларнинг ҳангомасига. Жонивор майна бу қизларнинг маст бўлганига кўнгли жўш уриб, қизларнинг шон-шавкатига қараб, бир сўз айтди...

Кўнглим жўш уриб кетди,
Обод Гулнорнинг боғоти,
Супанинг эгаси етди.
Қизларнинг айтган сўзига,
Суягим ўртаниб кетди.
Кулишганингга, ҳой, балли!

Жоним жавлон келган сулув
қизларга,
Байт айтдим жовдираган кўзларга.
Дод, дедим ўзим ойдай юзларга,
Яхши куёв бергин сулув қизларга!
Қоши-кўзига ҳой, балли,
Ширин сўзига, ҳой балли!..»

Таъбир жоиз бўлса, майна қуш — қувватни кучлантириб берадиган ўтказгич. Қизлар мажлиси замирида ифодаланган гўзалликни муайянлаштирадиган рамз. Майна қуш кечинмалари воситасида шоир достон ғоясини бадиий равшан ифодалайди, тингловчи эса дарҳол фаҳмлаб олади.

Майна қуш тилидан айтилган шеърлар достон ички моҳиятини моддийлаштиришдан ташқари, асарга сирлилик бахш этади. Сирлилик-эртакомизлик эса, фольклорнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Яна майна қуш такаллумига қулоқ солайлик: «Гулнор пари Соқи билан Гўрўғлибекка тўрдан ўрин берди... Ана энди оқи оқ, кўки кўк тоққа томошага келган беш юздай қиз яшнаб, бир ўтириш қилди... Тўти, майна, қумри, булбул баландликларда чақчақ қилиб, яна майна қуш Гулноржонга қараб бир сўз айтаверди:

Юраклардан кетди қайғу-ўйингиз,
Гавҳар, садаф ўтиришга жойингиз.
Муродингни олло берди, жон қизлар,
Энди қутли бўлсин, ойим, тўйингиз!..
Гўрўғлибек оша юртга опкетар,
Меҳнат қилган одам муродга етар,
Эрларингиз қутли бўлсин, ойимлар,
Дам — ғанимат, ўйнаб-кулгин,
бибижон...»

Индивидуаллик устидан умумийликнинг ҳукмронлиги эпос учун табиий ҳодиса. Шу сабабли Гўрўғли келиши билан Гулнор пари кўнглидан кечган ўй-туйғулар ёзма адабиёт шинавандалари назарида етарли равишда бадиий аниқ ифодаланмагандек. Достончи: «Шу юзлари анор билан қизил олмадай яшнаб кетди», дейди-да, Гўрўғлининг келиши Гулнор пари учун айни муддао бўлганига ишора қилади. Майна қушнинг юқоридаги сўзлари эса, достончи томонидан Гулнор парининг,— равшанлаштирилмаган бўлса-да, тингловчи ўз савқи табиийси ёрдамида билиб оладиган, — маъшуқона орзумандлигига далда беради, унинг пинҳоний қарорини маъқуллайди. Натижада ҳиндистонлик парининг ички дунёси воситали равишда тингловчи диққатига етказилади.

Майна қушнинг тилга кириши достон учун истисно воқеадек, тупроқда ўсган нилуфардек кўриниб, кишини сал таажжублантиради; лекин бу янгилик достон танасидаги бачки эмас, балки руҳининг маҳсули... Зеро, достончи майна қушни сўзлатиш жараёнида ҳар гал янги ижодий вазифани ҳал этади.

Майна қуш — достончининг рамзий образи, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам достончининг бўлаётган воқеа-ҳодисага муносабати майна қуш сўзлари воситасида муайянлашади: «Жонивор тўти[6] ҳақиқат бир сўзни айтаётир қизларга қараб:

Қонғар тоққа кетган, дейди,
Айши ишрат этган, дейди,
Кетсангиз ҳам элингизга,
Ўрушсангиз биров билан
Гўрўғлининг қўшиниман
Томоша тоғнинг бошида
Айқалашиб ётган, дейди...
Уят ўлимдан ёмондир,
Тегинг энди, тегинг энди!»

Достончининг ўз эпик қаҳрамонлари тақдирига бу қадар самимий инсоний муносабати, уларнинг келажагини ўйлаб, куйиниб-қайғуриши ғоят таъсирли. Биз бу мисолларда чинакам халқчил тенденциозликнинг ибратли намунасини кўрамиз. Аммо, шу билан бирга мазкур образнинг достондаги аҳамияти шулар билангина чекланмайди: майна қуш «Гулнор пари» достонининг ишқий-романик хусусиятини бўрттириб кўрсатади... Бу, табиийки, Жоссоқ шоир устодлик қилган Қўрғон достончилик мактаби бахшилари маҳоратининг шарҳга муҳтож бўлмаган мисолидир.

Эпик қаҳрамонларнинг ҳаёти — гўё халқ шоирларининг ўз ҳаётидек. Бахшилар қаҳрамонлар билан бирга жангга кирадилар, эпик қаҳрамонларга ҳазил қилиб сўз қотадилар. «Шайбонийхон»ни куйлаётган Жоссоқ шоирнинг шогирди қизиб, ўзи ҳам уруш иштирокчиси бўлиб кетади... «Шу урушда Пўлкан шоир жўш қилиб, дўмбирасиниям қучди...», деб, жанг тасвиридан дўмбира таърифига кўчади шоир. Шеърият рамзи бўлиб келаётган дўмбира талқини ҳаётийлиги билан ажралиб туради. У энди «бедов» деб таърифланмайди: энди у халқнинг ҳожатбарор фарзанди. Дўмбира — одатда, ер билан кўк орасида воситачилик қиладиган, башар фарзандини Кўҳи Қофга, Боғи Эрамга элтиб, самога олиб чиқадиган муқаддас бедов сифатида тасаввур этиларди. Чамаси, Жоссоқ — Пўлкан даврига келиб, дўмбира ҳақидаги тасаввур халқнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос ҳолда муайянлаштирилади:

Карсонинг — зардоли, қопқоғинг —
тутдан,
Мақтов билан келдинг Қотоғон
юртдан.

Шеърият — халқнинг гўзалликни кўрадиган кўзлари, гўзаллик завқшавқи тўла юраги. У меҳнаткаш бечоранинг кўнглига дунёни гўзал қилиб кўрсатади, унинг некбин туйғуларига баҳра беради; зеро, шеъриятнинг бир хислати — халқ маънавий кучларининг шу бебаҳо қудратига суяниб туриб, унинг ҳамиша соғлом, қобил, фаол бўлишида ўзининг муносиб улушини қўшишидир.

Сен бўлгансан менга адрасу парча,
Елонғочда чопон бўлган дўмбирам.

Шеъриятнинг таржимаи ҳоли — халқнинг таржимаи ҳоли. Шу сабабли бахши уни жуда яхши тасаввур қилади, эзгу сўзлар айтиб мақтайди; дўмбира билан достончининг якдиллигидан халқнинг мурод-мақсади аниқ намоён бўлади. Дўмбира меҳнаткашлар орасида бирдар бўлиб яшайди. Қўшнилар сулув қизини турмушга чиқарганда, у онахонлар билан бирга келин-куёвни қўл ушлаштириб, ойна кўрсаттириб, куёвга келин сочини сийпаттиради... Ажойиб!

Бу термадан кейин, достон воқеаларини давом эттиришдан аввал: «Урушда ўзбеклар зўр чиққан сўнг «Дўмбирам»ниям айтдим», дейди шоир... Бу қистирма терма достончи руҳий ҳолатининг авж лаҳзаларидан бирида яралган. Достон воқеалари таъсирида шоир достончилик санъатининг моҳияти ҳақида ўйлайди, шеърият — халқнинг садоқатли фарзанди, деб тингловчилар қулоғига қуяди.

Шоир достон давомида тенденциозлик билан эпик Шайбонийни ёқлайди, унинг тақдирига ҳусни таважжуҳ билан қарайди. Натижада шоирнинг кўнглида достончилик ва ижтимоий ҳаёт муносабатлари хусусидаги ўй-кечинмалар, икрорлар қайтадан уйғонади, ўзбек достончилиги, жумладан, Қўрғон мактаби эстетик принциплари халқчил негизга эга эканини рўй-рост кўрсатадиган юқоридаги терма созга ўтади. Бизнингча, «Шайбонийхон» достонида нисбатан ёрқин кўринган тенденциозлик Пўлкан шоирнинг «Хасан кўли», «Комсомолка Ойтўти» достонларида синфийлик принципига айланади. Мардикорликка борган, инқилобгача бўлган ижтимоий турмушнинг баланд-пастини бошқа достончиларга нисбатан яхшироқ англаган, «Мос-

---

1 Оқтов чўққиларидан бири.

2 Жаноқ жой — бир томони жарлик, бир томони қир бўлган нишаб ер.

3 Елтиймас — сой.

4 Қўзғилоқ — қўзиқулоқ — ўт.

5 Жоссоқ шоирга мансуб термаларни Раҳматулла шоир Юсуф ўғлидан ёзиб олдик.

6 Достонни ёздириш чоғи шоир беихтиёр тўти деб юборган шекилли: майна қуш бўлиши керак — **М. Қ.**

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

ква, Нижний, Қозон, Нўғой»ни кезган, социалистик революция ғалабасини кўрган, янги ҳаётнинг фаол курашчиларидан бирига айланган шоир талқинида тенденциозлик руҳининг ривожланиб бориши табиий. Терманинг Пўлкан таржимаи ҳолига оид тафсилотларга сероблиги ҳам шунга ишорадир. Лекин достонга хос кучли тенденциозлик руҳи Жоссоқ шоирдан мерос. Майна қуш образининг, дўмбиранинг, «Гулнор пари», «Шайбонийхон» ва Жоссоқ — Пўлкан репертуарига мансуб бошқа достонлардаги тенденциозлик яққол ички бир интизом билан ишлангани — улар устод шоирдан қолган «йўл» эканидан шаҳодат беради. Таҳлил пировардида юзага чиққан айни хулосаларни тасдиқловчи бошқа маълумотлар ҳам йўқ эмас. Қўрғон шоирларининг достонини эшитиб юриб эсини таниган кексаларнинг айтишларича, Жоссоқ бир мажлисга шогирди Пўлканни эргаштириб боради. Мезбонлар катта чодир тикадилар. Жоссоқ достон бошлайди.

ки устод ижодининг Пўлкан шоир индивидуаллиги бағрига сингиб кетган сарчашмаларини ахтармоқдамиз... Назаримизда, Пўлкан шоирнинг замонавий «Комсомолка Ойтўти» достонидаги шу парчада саволимизга жавоб бор: онаизор бир неча еридан пичоқ еб, қизил қонига бўялиб ётган қизи —

Ойтўтининг юзларини силайди,
(Кўрган шоир сўзин-сўзга улайди).
Ойтўтининг оқ сут берган онаси
«Болам!», деб қулундай бўзлаб
йиглайди.

Ёзиб олувчи шундай изоҳ бериб ўтади: «Шоир Пўлкан ўз қишлоғида кечган бу қонли воқеанинг шоҳиди бўлган, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган. Воқеанинг ана шу нозик жойига келгач, дўмбирасини тиззасига қўйиб, носвой чекади ва менга қараб ҳасратлана бошлайди:

— Ука, қизди кўриб мен ҳам жиладим. Юрак-бағрим эзилиб кетди. Ёшим ошиб, кучдан қолмасам, икки

ди, куйлашдан тўхтаб, ҳамсуҳбати билан ҳасратлашиб, тўлиб кетган юрагини бўшатиб олади... Ваҳоланки, достоннинг бу жойи «Гулнор пари», «Шайбонийхон» достонларидагидек, баланд авжли бир қистирма термани тақозо этмоқда; буни шоир сезади, шунинг учун «Кўрган шоир сўзни сўзга улайди» дейди, лекин «ҳукмфармо кўҳна овоз» амрини эшитиб турмагани учун кўнглидаги муддаосини бадиий ёркин ифодалай билмайди. Бу нарса — майна қуш, дўмбира билан боғлиқ ўринлар Пўлкан учун анъана, Жоссоқ шоирдан мерос йўл эканини кўрсатади. Бинобарин, Жоссоқдек устод шоир ижодий хазинасида майна қуш, дўмбира билан боғлиқ шеърлар каби ҳар қандай достон гултожи бўла олгулик тароналар мавжудлиги аён-ошкордир.

Жоссоқ шоир Қўрғон достончилик мактабининг репертуар булоғи эди. «Энг бой бахши — Жоссоқ. Достончининг шоирлиги зўр бўлса, узоқ-узоқларга бориб, қўшиқ айта олган,— дейди Раҳматулла Юсуф ўғли.—

Жонингди ҳийласин қилгин,
Бовирхон,
Энди келди Самарқанди эгаси.
Ўлдинг, ҳай, қочавер!..

Ана, жер айтади қочқин, деб, дарахтларам айтади қочқин, деб, томларам айтади: Бовирхон қочавер, деб. Ана энди Бовирхон ҳаросат пайдо қилди. Ана энди шуйтиб Бовирхон қўрқди бечора».

Қўрғон шоирлари кароматли тушларни, кўнгилнинг олдиндан сезишини, башоратли ҳодисаларни жуда ўрнида қўллайдилар. Юқоридаги мисол ўшандай эпизодларнинг биридир. Ёки мана бу руҳий ҳолатларга эътибор беринг:

«Холбека ойим меҳмонхонанинг токча тешигининг ичидан қараб, икки гўдакни кўрди. Икковини кўрган ҳамоно, увуз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб, жамий аъзосига ларза пайдо бўлиб, эмчагига сут келгандай бўлди»; «Подшо кўргандан меҳри тоблаб, оталик меҳри қайнаб, баччаларни кўргандан увуз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб, кўнгли бузилиб... бир сўз деди...» («Кунтуғмиш» достонидан).

«Оқбилак ойим шу куни чошкагача ухлаб қолди. Энаси: «Бундай асло ухламовчи эди, бунга бир бало, ё Аҳмадбекка бир бало бўлди», деб бечора қизининг бошида бетига қараб ўтириб эди...» («Якка Аҳмад» достонидан).

Қўрғон мактабига хос бу хусусиятлар моҳиятини академик Д. Лихачевнинг қуйидаги фикри равшанлаштириши мумкин: «...кўнгилнинг олдиндан сезиши ва башоратларнинг соф адабий вазифаси ҳамиша ва ҳамма замонларда битта: достоннинг драматик кескинлигини кучайтиришдир».

Хуллас, Қўрғон мактаби муҳитида «достоннинг драматик кескинлигини кучайтириш»нинг бутун бир силсиласи барпо этилганки, бу мактаб намояндалари ишқий-романик, қаҳрамонлик-романик достонларни зўр маҳорат билан куйлаганлар.


Жоссоқ — Пўлканнинг «Шайбонийхон» достони Қўрғон мактабига хос бошқа фазилатларни ҳам белгилашга ёрдам беради. Қўрғон шоирлари ижтимоий воқеликдаги, халқ ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни эпик воқеликка пайваста эта борганларини, шу тариқа ўзларини тарбиялаб вояга етказган она заминдан ҳамиша қувват олганларини кўрсатади.

«Эпосга тарихий номлар кириб қолган тақдирда, уларнинг соҳиблари достон поэтикаси қонунларига бўйинсунади ва эпик персонажларга айланади», дейди улуғ фольклоршунос В. Пропп. Шу муносабат билан олим қуйидаги мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлайди: «Тарихий воқеаларни ва тарихий шахсларни куйлаш унинг (эпоснинг — **М. Қ.**) вазифаси ҳисобланмайди, эпос поэтикаси бундай вазифаларни ҳал қилиш даражасида камолга етмаган. Бу вазифани кейинроқ тарихий қўшиқ ўтайди. Лекин куйчиларнинг хоҳиши ва эстетик интилишларига қарамай, эпосда тарихий воқелик кенг равишда инъикос этилади».

Бу фикр «Шайбонийхон» достонига нисбатан олганда ҳам мутлақо тўғридир.

Эпос поэтикаси «тарихий воқеаларни ва тарихий шахсларни куйлаш» даражасида такомиллашиб улгурмаганини Шайбонийхон ҳақидаги достонга Хуршидой тақдири билан боғлиқ сюжетнинг уланишидан ҳам сезса бўлади.

Адабиётшунос олим Н. Маллаев таъкидлаганидек, «бу достонда тарихий фактлардан кўра, ижодий тўқима кўпроқдир... Бу достондаги Шайбоний образи, айрим тарихийлик элементларига қарамай, тарихий Шайбонийхон образи бўлмай, балки феодал ўрта аср шароитида халқ орзу қилган идеал ҳукмдор образидир. Достонда халқ тарихий Бобир образини яратиш



Совет замонаси туфайли ўзбек халқ шоирлари рўшнойликка етдилар. Қўшработ район, Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги совхоз маркази — Жўшда Жоссоқ шоирнинг жияни Эргаш шоирга қўйилган ҳайкал партия, ҳукуматимиз халқ ижодкорларига кўрсатаётган чинакам ғамхўрликнинг тимсолидир.
А. ШОДИЕВ фотоси

Бир вақт чодир атрофида хотин-халаж, бола-бақра тўлиб кетади. Достончининг овози кучли бўлгани билан, ташқаридагилар қўшиқдан ичкаридагиларчалик баҳра ололмайдилар. Шу сабабли устод шогирдини ўзига ҳамнафас қилиб олади. Жоссоқ шоир — ичкарида. Пўлкан шоир — ташқарида; елкама-елка ўтирганича баравар айтаверишади. Икковининг сози ҳам, овози ҳам жўр... Қарангки, бир ўринда Пўлкан бошқача айта бошлайди. Устод ўша замони, чодирнинг бу томонида туриб, шогирдини дўмбиранинг орқаси билан бир уради. Одамлар кулиб юборадилар. Пўлкан кўнглига олмайди: «Урса ҳам — устодим; сўкса ҳам — устодим», деб кулимсирайди... Пўлкан шоир устодининг қаттиққўллиги ва талабчанлигини уқтиргандек, «Шайбонийхон» достонининг аввалида шундай дейди: «Жоссоқ бахши — Жолғош шоирди отаси. Мен олти жил шунда ўқидим. Жоссоқ бахши: «Шуйтиб айтасан», деб айтувди. Мен шундан уйранган сўзимди айтаман. Қайтиб уйранган бўлсам, устоднинг айтгани — вожиб, шундай қиб айтмасам, бўлади тарки вожиб».

Жоссоқ шоир ҳам, унинг шогирди Пўлкан шоир ҳам бутун бир мактабни ўзида мужассам этган достончилар эди. Зеро, бири устод, бири шогирд бўлишига қарамай, ҳар достонда уларнинг ўз индивидуаллиги барқ уриб кўрингани барчага аён. (Ҳалиги нақлда Пўлканнинг беихтиёр бошқача айта бошлагани ҳам бежиз эмас.) Лекин айни ўринда бизни «Гулнор пари», «Шайбонийхон» достонларида Жоссоқ шоирдан шогирдига қолган «йўл» қизиқтиради, чунқўлим билан золимди бўғиб ўлдириб қўярдим. Ҳай, аттанг-а, у, қизмисан қиз эди, ўн беш кунлик ойдай тўлган эди. Гап-сўзга чаққон эди, комсомолка бўлса, бир йилдан сўнг Тошкентга кеп, Охунбобоевнинг ёнида ишларди,— деди. Пешанасига уриб оҳ тортди».

Улуғ испан шоири Гарсиа Лорканинг «Алла» мақоласида ғоят нозик илғанган шундай ўрин бор: «Бундан бир неча йил муқаддам Гренаданинг ён-верларини кезиб юрганимизда, бир қишлоқда боласини аллалаётган хотиннинг қўшиғи қулоғимга чалинди. Юртимизнинг аллалари нақадар қайғули эканини анчадан буён сезиб юрардиму лекин ана шу ҳақиқатни бу қадар аччиқ ҳис қилмаган эдим. Қўшиғини ёзиб олай, деб яқинига борсам, у келишган, ўктам, ғамгинликнинг зарра нуқси урмаган андалузиялик жувон; лекин жонли анъана давом этар ва бу жувон баайни қонида гувиллаган, ҳукмфармо кўҳна овозларга итоат этар эди...»

Испан шоири таъкидлаганидек, «баайни қонда гувиллаган, ҳукмфармо кўҳна овозларга итоат» фольклор қонуниятидир. Акс ҳолда энг зўр достончи ҳам, ҳаттоки, кимсан Пўлканнинг ўзи ҳам сўз денгизида сувдаги балиқдай эркин сузолмайди... Шу сабабли «Комсомолка Ойтўти» достонида Пўлкан шоир шаҳид Ойтўти жасади устида фиғон чекаётган онани, ёру биродарларни кўриб, таъсирланиб кетади... Аммо майна қуш тилидан ёки дўмбирани таърифлаб айтилган термалар каби, достон ғояси ва бахши позициясини яққол акс эттирадиган қўшиқ тўқиб юборолмайди. Шу туфайли у дўмбирани тиззасига қўяЖоссоқ шоир қўшиққа чиққанда жуда узоққа кетган, чунки достонни кўп билган». Пўлкан шоирдан ёзиб олинган достонларга қараб фикр юритсак, дарҳақиқат, Жоссоқ шоир ижодий олами бой ва ранго-ранг, асарларининг сюжети, фабуласи оҳорли ва пишиқ. «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Авазхон», «Гўрўғлининг туғилиши», «Юнус пари», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали» ва бошқа достонлар фикримизнинг далилидир. Шубҳасизки, бу ва Пўлкан шоирдан ёзиб олинган бошқа достонларнинг ғоявий-бадиий таҳлили ҳам устоднинг, ҳам шогирднинг ижодий сиймосини равшанлаштира олади.

«Шайбонийхон» достони Қўрғон достончилик мактаби, унинг Жоссоқ, Пўлкан каби улуғ вакиллари ижодига хос бадиий хусусиятларни ўзида ёркин намоён қиладиган асарлардан биридир. Масалан, қуйидаги эпизодга эътибор берайлик: «Жер Бовирхонга қараб бир сўз айтаяпти:

Шайвалига қолди энди Самарқанд,
Урушсанг бўп кетар жерлар тўла қон.
Ол, Шайвали келди, қочқин
шаҳардан,
Чинғистон авлоди келди, Бовирхон!
Қочавер, ўлдинг!

Ўртанади уруш қилсанг гулдай тан,
Оҳ урсанг, куяди мунда хону-мон.
Ол, Шайвали келди, Бовирхон,
қочқин
Жонингди ҳийласин қилгин,
Бовирхон!
Қоч-қочавер, ўлдинг!

Жовда қайнар ботирларди мияси,
Сани урди бу давлатти куяси.

вазифасини ўз олдига қўйган эмас. Унда Бобир, тарихий ҳақиқатдан қатъий назар, золим подшоларнинг бир тимсоли сифатида тасвирланади». Бинобарин, Хуршидой ҳақидаги қисмни ажратиб ташлаганда, «Шайбонийхон» достонининг ғоявий-бадиий йўналиши — жанр хусусиятлари ўз-ўзидан хиралашиб қолади. Чунки «маиший новелла-эртакни тарихий сюжетга қўшиб юбориш эпосда тарихий материални қайта ишлашнинг бошқа, қўлласа бўладиган йўли эканини билдиради. Достончи анъанавий маиший қиссани машҳур тарихий номга боғлаб, тарихий хроникани сиёсий воқеалар фонида ҳикоя қилиши туфайли расмий тарихни халқ ҳаётига яқинлаштиради, уни халқ учун қадрли ва мароқли қилади». (В. Жирмунский, Ҳ. Зарифов). Бинобарин, «Шайбонийхон» достонининг Хуршидой тақдири билан боғлиқ қисмини алоҳида асар сифатида нашр этиш жоиз эмас эди[1]. Эҳтимолки, бу янглиш қадамнинг илдизи Қўрғон мактаби ғоявий-бадиий олами хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олинмаганидадир.

Қўрғон мактаби, жумладан, Жоссоқ — Пўлкан достонларига хос ғоявий-бадиий негизлардан бири — халқ маънавий куч-қудратини ёрқин ҳис қилиш, унинг даҳосини зўр бадиийлик билан ифодалашдир. Шу туфайли ҳам Гўрўғли «эл қаримаса, эр қаримайди», деб ишонади. Гўрўғли она халқи, ватанининг таянчи бўлгани каби, она халқи, ватани — Гўрўғли қалбининг қуввати, эътиқоди, тириклик булоғи. Гўрўғли образида халқнинг демократик майллари зуҳур этади. Чунончи, «Гулнор пари» достони Қўрғон шоирларидан ёзиб олинган бошқа достонлар сирасида Гўрўғли курашлари асосини Ватан мустақиллиги, адолат, муҳаббат, эрк тантанаси йўлида кўрсатилган жасоратлар ташкил этишини порлоқ бир илҳом билан намоён қилади. Гулнор парини олиб келиш мақсадида, Гўрўғли Ҳиндистонга қилган сафар самараси шу бўладики:

«Тевараклда ғайрилар: «Мана баччағар Гўрўғли етимак ўзини тутиб олиб кетди. Шу баччағар Гўрўғли келмаса, ўзлигингиздан билиб, тегманг», деб ётаверди.

Сап йигитнинг ўткири, сап бир билаклиги, кеп, ҳар уруғдан келиб, хизматкор бўлаверди. Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари Гўрўғлининг хизматини қилиб, маст бўлиб ётаверди.

Тўй соп бўп тарқаб кетди.

Ўлганларга мол сўйиб, худойи қилди Гўрўғлибек. Ана энди Қобилистон, Фарангистон, Чин-Мочин, Хитой-Хўтан, Олтой, Қирғиз, Фарғона, Тошкент, Туркистон Гўрўғлининг овозасига тебраниб қолди.

Янги тахти чоқлаб, Гўрўғлибек полвонларни тахтлаб подшога ўхшаб қолди», («Гулнор пари» достонидан).

Шунингдек, Гўрўғли сафари туфайли эпик Ҳиндистонда ҳам адолат ўрнатилганини, Чамбилнинг хони одил Симинни подшо қилиб кўтарганини эсдан чиқармаслик лозим.


Бу сиёсий ғалабалар Гўрўғлининг адолатпарвар, фуқаропарварлиги натижаси эди. Чамбилнинг ҳукмдори Ҳиндистон сафари давомида эпик Афғонистон билан эпик Ҳиндистонни ўз Ватанининг дўст, қардошига айлантиради. Абди Оталиқ ва Симин дўстлашади:

Ўз миллати, мазҳабига,
Гўрўғлиман Симин вазир,
Бирин динига киргани йўқ,
Кўнгли бир жойдан чиқиб,
Эр киши хизматдан топган,
Бесабаб ҳеч иш бўлмайди.

Гўрўғли билан Симин вазирнинг дўстлиги Қўрғон достончилиги муҳитидагина эмас, бутун ўзбек достончилиги тараққиётидаги савия жиҳатидан юксак ўзгаришлардан биридир. Бу — чинакам инсоний дўстлик, на миллат бошқалиги, на диний айирма унга соя сола олади. Гўрўғли билан Симин дўстлигининг асоси — инсонпарварлик, ватанпарварлик, фуқаропарварлик каби эзгу фазилатлардир. Ўтҳинди табиб: «Душман босиб келиб қолди», деб хабар берганда, Тойҳинди подшо Симин вазир билан Амин вазирга маслаҳат солади. Амин вазир ўзининг ҳудбин манфаатларидан келиб чиқиб, подшони мамлакатнинг бошига бало орттирадиган йўлга тортади:

Қиз халқи касофат бир иш орттирар,
Хон Гўрўғли олса, қийин бўлади.
Гардангинанг қийин бўлиб қолади.
Чин-Мочин подшоси лашкарман келиб,
Ҳиндистон элни теп-текис қилади.
Вақтида элатдан лашкарни йиққан,
Урушмасанг, ишинг — уят бўлади...

Жоссоқ шоирнинг шогирди «Гулнор пари» достонини куйлар экан, тингловчилар ҳар бир характер моҳиятини тўғри илғаб олиш лозимлигини диққат марказида тутиб, шундай изоҳ бериб ўтади: «Симин — эсли эди, Амин ҳиндиларнинг бир деган одами эди. Ўзи айғоқтоброқ эди». Зеро, характер моҳиятини тадрижий равишда давра қулоғига қуйиб бориш, тингловчи руҳий кайфиятини ҳамиша кузатиб, зарур пайтида, бадиҳа йўли билан, жамоат диққатини достон ўзанига тўла буриб юбориш Қўрғон достончилари ижодига хос хусусиятлардан бўлган. Дарвоқе, Симин билан Амин урушиб қолади.



Қўрғон достончилик мактабининг муносиб вакили Раҳматулла шоир Юсуф ўғли достонлар замиридаги эзгу ҳақиқатни янги насл руҳига сингдираётгани билан фахрланади.

Жанжалга вазирларнинг хотинлари ҳам аралашадилар. Пўлкан шоир:

Ҳеч гап бўлмас, кўзи қиймас бир-бирин,
Хафа бўлманг, жанжал қилган ўз-ўзи,—

деб, тингловчилар кўнглини тинчлантириб қўйишни лозим кўради.

Достончи энди доно Симин вазирнинг қалбини очади. У инсонликнинг, инсоний муҳаббатнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади: «Қиз бўй етса, ихтиёри ўзида»,— дейди. У Ватаннинг, фуқаронинг манфаатларини назарда тутган ҳолда фикр юритади ва Аминга қарата:

Подшо одам йиғиб, урушлар қилса,
Қора тоғда одам чалкашиб ўлса,
Гулнор пари Гўрўғли билан бўлса,
Ҳиндистонни Гўрўғли ғорат қилса,
Ундан кейин қандай одам бўласан?—

дейди.

Гўрўғлининг кураши эзгу эди. Шу сабабли Симин вазир Чамбил ҳукмдорини кўрмасданоқ, унинг томонига ўтади. «Бир яхши гапнинг Ҳиндистондан келишини кўринг». Симиннинг қизи Маржон пари: «Отам сиз томон бўлиб урушади», деб, Гўрўғлига хабар беради. Маржон пари шундай деб таъкидлайди:

Хатсизлари фуқародир,
Хатсизи — отам одами.

Яъни, «Гулнор пари» достонида ижтимоий табақалар ўртасидаги айирма аён. Симин вазир фуқаронинг, меҳнаткашнинг сарвари бўлиб майдонга чиқади. Гўрўғли эса, халқ орзу қилган Ватан мустақиллиги, марказлашган давлат, адолат, тинчлик, фаровонликнинг рамзи эди. Хуллас, Гўрўғли билан Симин вазир дўстлиги теран, халқчил негизга эга. Симин эпик Ҳиндистоннинг одил подшосига айланишининг сабаби ҳам шунда:

Ҳар ким бўлса, тўғри бўлсин,
Арзни дуруст сўрагандан,
Бева-бечораларнинг
Кунларига ярагандан,
Ҳақиқат қип сўрагандан,
Ўлмасин, Симин ўлмасин!
Ёмондан битта қолмасин!

Симиннинг доно сиёсати туфайли эпик Ҳиндистон марказлашган давлатга айланади:

Шундай Тойҳинди юртига,
Кўп катта мамлакатига,
Адолатли подшо бўлди,
Ҳар шаҳардан ҳинди келиб,
Бул Симинга тобе бўлди.
Аҳди омон қип ҳаммаси
Симиндан инъомлар олди.

Қўрғон достончилари Гўрўғлини идеал қаҳрамон сифатида талқин этадилар, айни пайтда Гўрўғлини майдонга чиқарган Чамбил заминини, афсонавий қаҳрамонни «ўраб турган» маънавий муҳитни ҳам ёрқин ифодалаб берадилар. Оға Юнус пари, Мисқол пари, Соқибулбул, Саҳмон, Холдорхон, Хидирали Элбеги, Аҳмад Сардор (асосан «Гулнор пари»ни назарда тутаётирмиз — **М. Қ.**), Шодмон мерган, Ҳасан Чопсон, Ҳасанхон, Авазхон образларини эслаш кифоя. Лекин бу ерда таъбир жоиз бўлса, Гўрўғлининг камолига камол қўшган ҳалқаро маънавий муҳит — Абди Оталиқ, Симин вазир, Маржон пари маънавий муҳити ҳақида сўзламай ўтиш мумкин эмас. Бу — Қўрғон достончилари ижтимоий тафаккури тадрижий равишда такомиллашиб борганлигининг далилидир.

Гўрўғлининг маънавий таянчларидан бири — Оға Юнус паридир. «Оға Юнус деб аталишининг маъноси шу эди: Гўрўғли бир шаҳарга Чамбилдан ёвлаб кетганда, Чамбилни Юнус сўраб тургувчи эди».

Гўрўғли Гулнор парини олиб келиш учун Ҳиндистонга кетганда, Чамбилга араблар бостириб келади. «Юнус, Мисқол милтиқни ота-ота, милтиқ қип-қизил чўғ бўлиб, ана милтиқларнинг довуши чиқмай қолган экан. Шуни совитиб отарини билмай, ҳей аттанг, деб, Юнус, Мисқол пари: «Қанот боғлаб, давра олиб учсам хотин бечораларнинг ҳоли қандай бўлади? Ҳар гап бўлса, кўп билан бўлай», деб». Эргаш шоир айтган «Холдорхон» достонида эса, Оға Юнус парининг образи Чамбилнинг ҳимоячиси сифатида яна ҳам муайянроқ. Бинобарин, Оға Юнус образи Қўрғон достончилик мактабига хос яна бир хусусиятни — эпик қаҳрамон-

[1] Қаранг: Хуршидой. Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. «Фан» нашриёти, Тошкент — 1965.



Ўзбек фольклоршунослари Қўрғон достончилик мактаби хазиналарини рўёбга чиқариш борасида диққатга молик ишларни амалга оширмоқдалар. Суратда: А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор сектори мудири, филология фанлари қандидати Тўра Мирзаев (чапдан иккинчи), филология фанлари кандидати Музайяна Алавия, фольклор сектори ходими, Жоссоқ шоирнинг эвара жияни Шомирза Турдимов.

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

ҚЎРИҚНОМА САҲИФАЛАРИ

Рассом Владимир Митрофанович Петров асарларини журналхонларимиз яхши танийдилар. Қирқ йилдан бери рангли тасвир жанрида ижод қилаётган рассом Петров республикамиз деҳқонларининг фидокорона меҳнати билан серҳосил пахтазорга айланган қўриқ ерларнинг деярли ҳаммасини айланиб чиққан. Бу сафарлар рассом яратган полотноларда ўз аксини топди. Унинг ижодида Ўзбекистондаги қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг ўзига хос тасвирий хроникаси ана шу тариқа юзага келди.

Владимир Митрофанович Петровнинг таржимаи ҳолини ўзи тенгги рассомларникига ўхшаш деса бўлади. У 1920 йили Астрахань шаҳрида туғилди. У ердаги Рассомлик билим юртини тамомлаб, бир неча йил қишлоқ мактабларида тасвирий санъатдан дарс берди. 1939 йили фахрий бурчини ўташ учун харбий хизматга жўнади. Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганидан кейин Рига шаҳридаги Рассомлик академиясида ўқиди. 1949 йили академияни тамомлаб, Ўзбекистонга келди, серқуёш республикамиз рассомнинг иккинчи ватани бўлиб қолди.

Рассом ижодининг маълум қисми ҳарбий-ватанпарварлик мавзуига бағишланган. П. Бенькова номидаги Рассомлик билим юртида ўз шогирдларига тасвирий санъат сирларини ўргатган йилларда ҳам, «Рассом» комбинатида ишлаганида ҳам уруш ва тинчлик мавзуида бир қанча полотнолар яратди. Бу асарларнинг кўпчилиги ўз вақтида турли кўргазмаларда намойиш этилди, газета ва журналларда эълон қилинди.

Петров — портрет жанрида ҳам олижаноб ишларни бажарган рассом. У кўпгина ўзбек классик шоирларининг портретларини яратди.

Рассом кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳаёти мавзуида ижод этишга рағбат сезди. Пахтакорларимизнинг коллектив меҳнати, қишлоқ кишилари турмуш тарзининг ўзгариши, қишлоқларимизда янги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши, қисқаси, коллективлаштириш мавзуи бу санъаткорнинг дилига яқин бўлиб қолди.

Рассом дастлаб республикамиз қишлоқ ҳаётида юз бераётган янгиликларни кенг, изчил ўрганишга киришиб, санъат ва адабиётимизнинг кўпгина намояндалари сингари Жиззах ўлкини ўз кўзи билан кўришга отланди.

— Мен Жиззах областига илк бор пахта йиғим-терими пайтида бордим,— деб ҳикоя қилади Петров.— У ерда кўрганларим мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Чўлқуварларнинг меҳнати тасаввуримдагидан бутунлай бошқача эди.

Рассом чўлқуварлар орасида одатдагидан ўзгача, мураккаб шароитда ишлади. У қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар меҳнатининг романтикасини акс эттиришга интилиб, бир бригададан иккинчисига, қурилиш майдонидан пахтазорга, ирригаторлар даврасидан «зангори кема» капитанлари ҳузурига ўтди, гоҳо акварель бўёқ билан, гоҳо қалам билан расмлар чизди. Бу лавҳалар кейинчалик рассомнинг серияли асарлар ва рангли тасвирдаги йирик полотнолар яратиши учун асос бўлди. Катта асарларнинг юзага келишида «хомашё» хизматини ўтаган ана шу хилма-хил эскизларни кўздан кечирган киши рассомнинг боғ-бўстонга айланиб бораётган чўл қиёфасини бўёқлар воситасида ифодалашга зўр иштиёқ билан киришганини кўради.

Рассом баъзан эскилик билан янгиликни таққослаш орқали томошабин эътиборини тортадиган янги-янги белгилар ўйлаб топади. Баъзан эса, меҳнат жараёнини ҳаракатда кўрсатиш учун чинакам тасвирий усулларни қўллайди, яъни чўлқуварларнинг бекиёс интилишларини, меҳнатнинг шиддатини ифодалаш учун хилма-хил тўлқинлар ҳамда жилваларга бой, мураккаб композициялар тузади. «Биринчи палатка», «Сув айирғич», «Чўлқуварларнинг биринчи гўшалари», «Ишдан кейин» сингари асарлар рассомнинг чўлқуварлар ҳаётини зўр эҳтирос билан тасвирлаганини кўрсатади.

Кўпинча Петров ўз нигоҳи билан узоқ масофани илғаб олиш, меҳнат кишилари билан қудратли техниканинг ишини кенг планда кўрсатиш учун қушлар парвозига тенг келадиган баландликларда туриб расм чизади. Бу жиҳатдан рассомнинг «Ҳашар», «Дала шийпони», «Зангори кемалар парки», «Дастлабки экинзор» асарлари диққатга сазовордир.

— Мен аввалари машиналар ва механизмларни ишлатишнинг бунчалик қийинлигини яхши тасаввур қилмас эканман,— дейди рассом.— Баъзан расм чизмасдим, фақат чўлқуварларнинг меҳнатини кузатардим. Ишламаган бўлсам ҳам шу қадар чарчардимки, кечга яқин тинка-мадорим қуриб, ётоқхонага аранг етиб олардим. Нега бундай ҳолатга тушишимни ўша пайтларда ўйлаб ҳам кўрмас эканман. Энди билсам, ана ўша «кузатиш» пайтидаги ҳис-ҳаяжоннинг ўзиёқ мени чарчатиб қўяр экан... Гоҳо, одамлар билан механизмларнинг иши тасаввуримдаги композицияга мос тушмагунча даладан кетмайман, деб аҳд қилардим. Кўпинча айтганим бўлмасди. Гоҳо тракторнинг ортидан югурардим, гоҳо прицепга ўтириб олардим. Мен одамлар ва машиналар ҳаракатининг ўзим ўйлаган композиция учун мос келадиган нуқтасини излардим.

Владимир Петров меҳнат лавҳаларини тасвирлар экан, қўриқ ерларнинг бугунги жамолини кўрсатиб беришни ўзига мақсад қилиб олди. Чўлқуваларларнинг меҳнатга иштиёқи, сурури рассом асарларини маънавий жиҳатдан бойитди, уларга таъсирчанлик бахш этди. Петров яратган асарларнинг ҳаётийлиги, ижодий услубдаги оддийлик, образларнинг самимийлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу асарлар дабдабадан йироқ, уларда чўлқуварларнинг одатдаги шиддатли ҳаёти акс эттирилган.

Владимир Петров — қўриқ ўзлаштиришдек олижаноб мавзуни кенг ёритган дастлабки рассомларимиздан бири. Унинг асарларида юксак гуманистик ғоялар публицистик ҳис-ҳаяжон билан талқин этилгандир.

Р. СОДИҚОВ

лар образини халқ орзусига мос равишда, тадрижий тарзда муайянлаштириб бориш анъанасининг ифодасидир.

Қўрғон достончилик мактаби ўз анъаналарини асрлар давомида барқарорлаштирган, лекин бу асрий анъанани шоирларнинг ва тингловчиларнинг ҳар бир янги авлоди, ҳар бир янги достончининг юрагида қайтадан вояга етказмоқ керак эдики, буни Жоссоқ шоир сингари устодлар яхши билар эдилар. Бундай эзгу мақсадни устодларнинг ҳар бири ўзига хос равишда рўёбга чиқариш пайидан бўларди. Жумладан, Жуманбулбул, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби достончилар ўзларининг адабий-эстетик қарашларини шоирларни яхши ва ёмонга ажратиш, улар фаолиятининг мағзини чақиш, панд-насиҳат йўли билан ғоявий-бадиий баркамолликка чорлаш, халқ қаҳрамонлари сиймосини муносиб жонлаштириш орқали ифодалаганлар. Жоссоқ, Пўлкан каби достончилар эса, бевосита эпик шоир образини яратиш билан ғоявий-бадиий ниятларини амалга оширганлар, анъана доирасида ижодий янгиликка эришганлар.

Дарҳақиқат, Жоссоқ шоир шогирдларига таълим берар экан, шоирлик ва устодлик ҳақида ўйлагани, идеал шоир — устод сиймосини бадиий жонлантиришга интилгани табиий. Шу сабабли унинг ижросидаги достонларда халқ шоирининг эпик образи яратилдики, бу маънавий зарурият натижаси эди. Биз бу ўринда Жоссоқ — Пўлкан достонларидаги Соқибулбул образини назарда тутаётирмиз.

Соқибулбул образи тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келади:

«Ҳасан Чопсон» достонини нашрга тайёрлаган филология фанлари кандидати О. Собиров: «Ҳасан Чопсон билан Соқибулбул худди масхарабоз қизиқчилардек бўлиб кийинадилар; уларнинг ташқи кўриниши ҳам айни шу масхарабозларни эслатади», дейди. Санъатшунос М. Қодиров «Соқибулбул образининг талқини» мақоласида Соқибулбул образини Пўлкан шоирнинг «Гулнор пари», «Мисқол пари», «Ҳасанхон» («Ҳасан Чопсон») достонларига суянган ҳолда ўрганади ва: «Пўлкан шоир достонларида яратилган Соқибулбул санъаткорнинг афсонавий эпик образидир», деган хулосага келади.

Табиийки, Жоссоқ — Пўлкан достонларидаги Соқибулбул образи ҳақида ўйлар экан, достончилик синкретик санъат эканлигини, достончи — синкретик санъат намояндаси эканлигини назарда тутиш керак бўлади. Ана шунда кўз ўнгимизда Соқибулбул образи муайянлашади, у эпик шоир бўлиб гавдаланадики, шоирлиги, созандалиги, қизиқчилиги, корфармон — режиссёрлиги истеъдодининг ёрдамчи қирралари экани ўз-ўзидан равшанлашади; бошқа бундан муҳимроқ фазилатлари ҳам кўзга ташланади.

Гўрўғлибекка бобоси шундай деб тайинлаган эди:

«Соқибулбул сенга ҳам устод бўлади, ҳам Ғиркўк отнинг сайислигини қилади. Зинҳор Соқибулбулнинг айтганидан чиқмагин! Шу куни шаҳарнинг ичида бир мажлисхона бино бўлади, ҳамма одамлар йиғилади, мажлис бўлади. Соқибулбул сўзни айтиб, созни чалади, соқий бўлиб, майни ҳаммага беради; қўрғонингга от қўйилади. Соқибулбул нима деб қўйса шаҳарнинг оти шу бўлади».

Бобоси Гўрўғлибекка яна шундай деган эди: «Чамбилни «...қиёматгача ёв ололмайди, қиёмат бўлганда, сув олиб кетади». Лекин Эргаш шоирнинг «Холдорхон» достонида нақл этилишича, Гўрўғли Қрим сафаридан қайтиб келса, Аҳмад Сардор Чамбилни вайрон қилиб ташлабди. «Шунда Гўрўғлибек далага тушди, ҳамма ҳайрон бўлиб қолди». Яъни, Чамбилни чилтанлар барпо этгани ва Соқибулбулнинг чилтанлиги ҳақидаги гап — кейинги қатлам; акс ҳолда, уни Аҳмад Сардор вайрон эта олмас эди.

«Энди, беклар,— дейди Гўрўғли,— анжомларингни олишинг, баринг бирдан лойга тушинг; ҳа деб хас билан лойга тушинглар. Аркни кўтариб, ундан сўнг қора қўрғонни қилинг». «Кўпга нима гап экан, бир фаслда Гўрўғлибекнинг аввалги жойидан неча ҳисса зиёда қилиб, жуда ўхшатди». Хуллас, одамлар Чамбилни аввалгисидан яхшироқ қилиб, қайта қурадилар. Бу ўринда Соқибулбул алоҳида хизмат кўрсатолмайди.

Соқибулбул эпик шоирлиги ғоят қадимийдирки, унинг бу фазилатларини кейинги қатлам — чилтанлиги босиб кетолмаган, балки мазкур қатлам эпик шоирнинг айни шу хислатларига суянилган ҳолда, жуда усталик билан амалга оширилган.

Соқибулбулнинг Қўрқут ота типидаги эпик шоирлиги Ханнон, Маннон шоирларга нисбатан олганда яна аниқ биланади; Аҳмадбек Ханнон, Маннон шоирларга қараб: «Сизлар — шоирсизлар, ҳар элни айтиб кенглар», дейди. «Мисқол пари» достонида достон айтиб турган Соқибулбулни кўрганда, Гўрўғли олган таассурот шундай берилади: «Соқибулбул созни чалиб, сўз айтиб ўтирибди, ҳеч ақлга тўғри келмайди». Аниқлик учун таъкидлаб ўтиш жоизки, Пўлкан шоир «Соқибулбул соз чалиб, сўз айтиб ўтирибди», деган ҳамма ўринларда «Соқибулбул достон айтаётибди» деган маънони назарда тутади. Қуйидаги мисралар фикримизнинг далилидир. «Гулнор пари» достонида Гўрўғли:

Соқибек чалибди қизиқ созини,
Айтаётир катта достон сўзини,—

дейди.

Пўлкан Соқибулбулни достончи сифатида тасвирлар экан, унинг ўзини қандай тутишини ҳам кўрсатади, Гўрўғли айтади:

Соқибулбул бежой созин чертибди,
Эсон банда муродига етибди.
Юрагимга ҳовур тушган, халойиқ,
Тиззасига ёстиқ қўйиб бек соқи,
Хотинлар ичида айтаётибди.

Соқибулбул ўзининг баркамол синкретик санъати билан мажлис қуриб ўтирган хотин-қизларнинг ҳам, ташқарида туриб қулоқ солган Гўрўғлининг ҳам ҳушини ўғирлайди. Гўрўғли шундай деб эслайди:

Хотини тушкур ишқибоз экан,
Ҳамма хотин бежой болқиб кетибди.
Айтаверсам соп бўлмайди кўрган сўз,
Юраккинам пича куйиб кетибди.

Мисқол пари Соқибулбулнинг достончилигини назарда тутиб, шундай дейди:

Яхши экан, оқшом созни чертади,
Сўзлаганда бадан болқиб кетади.



ҲАШАР.




КЎКЛАМГИ ЭКИШ ПАЛЛАСИ.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ХОНАДОНИ.




РАССОМ В. ПЕТРОВ АСАРЛАРИДАН

ЯШНАЁТГАН САҲРО.




ЙИҒИМ-ТЕРИМ БОШЛАНДИ.





СУВЧИЛАР.



КИМЁВИЙ ИШЛОВ БЕРИШ.

ИШДАН ҚАЙТИШ.





ДАЛА ШИЙПОНИДА.

Маълумки, ўзбекнинг тўю маъракаси шоирсиз, достонсиз ўтмаган. Юнус пари айтмоқчи:

Тўй бор ерда яхши созман сўзники.

Соқибулбул Юнус париникида бўлган базмни яхши созу сўзи билан безайди, «Ана энди бир тун, созу сўз билан бир минутча бўлмай, тонг отди». Бу — шоирнинг энг зўр баҳоси!

Чамбилнинг эпик достончиси париларни ажойиб бадиҳагўйлиги билан ром қилади:

Юзи гулнинг нақши экан,
Ўзи элнинг Рахши экан;
Кўриб келдик Чамбил элни,
Соқибулбул созин чертди,
Ҳаммамизни мақтаб айтди,
Бежой шоир бахши экан.

Соқибулбулни мақтаган сари Мисқол парининг сўзи адо бўлмайди:

Соқибулбул созни чертди,
Шоирлик қилиб мақтади.

Гўрўғлининг парилари бу қойил бўлишлари ҳам гап эканми! Эпик шоир Соқибулбул Пўлкан шоирнинг ўзини ҳам мафтун қилиб қўяди.

Гулнор кеп Ҳиндистондан,
Ҳеч қўрқмайман ширин жондан.
Қутулмайсан баринг мендан;
Умидим анча кўп сендан.
Ўзим келдим Қотағондан,
Жўш қинг, аллаёр-аллаёр!—

дейди у париларга атаб терма айтаётган Соқибулбул тилидан.

«Гулнор пари» достонида достончи ва тингловчилар давраси ўртасидаги нозик руҳий муносабат ҳам яхши берилган: «Энди Соқибулбул бир созни чертиб сўз айтди. Шу қизлар Соқибулбулнинг юзидан, ҳеч жиримайди сўзидан. Жуда рози бўлди Соқибулбулнинг ўзидан. Қизлар Соқибулбулнинг димоғини чоқлаб турса, қирқ кун айтса ҳам жанғилмайди Соқибулбул сўзидан».

«Гулнор пари» достонида Гўрўғли билан Соқибулбул тенг кўриб эъзозланади: «Гулнор пари Соқи билан Гўрўғлибекка тўрдан ўрин берди. Мисқолнинг ўтирадиган тахтини Соқибекка берди. Юнуснинг ўтирадиган тахтини Гўрўғлибекка берди».

Соқибулбул ўзининг бутун шоирлик кучини Гўрўғлининг эзгу муродмақсадини амалга ошириш йўлида сарфлайди. У Гўрўғли ғояларининг жарчисидир. «Гулнор пари» достонида жангнинг энг ҳал қилувчи пайти Соқибулбул Гўрўғлибекка, турган ҳамма кўнгилли халққа қараб айтган сўз келтирилади. «Ана энди Гўрўғлибек: «Баракалла, Соқибулбул. Йигитларни йўлбарсдай қилишга келтирдинг», деди. Хуллас, Жоссоқ — Пўлкан ижодида Соқибулбул ижтимоий фаол образ. У жангларда қирқ йигитнинг ҳеч биридан кам жонбозлик кўрсатмайди:

Соқибулбул чўғдай жайнаб,
Мажнунқўк остида ўйнаб,
Тойҳинди олдига етди.
Узун ходани қўлга оп,
Фил тумшуғи етмас ердан,
Бурнига ёмон туртди.

Шодмонбек ярадор шоирни отига ўнгариб олади. Буни кўрган Саҳмон полвоннинг эси чиқиб кетади. Унинг сўзларида Гўрўғли одамларининг Соқибулбулга бўлган бутун меҳр-оқибати аён:

Холдоржоним, кун қиёмат бўлдими?
Очилмайин гулгинамиз сўлдими?
Ойдайин ярқиллаб Соқи кўринди,
Ҳангомачи Соқибулбул ўлдими?

Охиратга сафар қилиб кетдими?
Ё билмайман, ёлғончидан ўтдими?
Сўзчигинам, созчигинам Соқижон
Жони чиқиб ҳузурида ётдими?

Булбулдайин тилли Соқи, шоирим,
Овжи келса, кўп гап айтар тоирим,
Ростин айтгин, Холдор маҳрам, тилингдан,
Оҳангдор наъмагар Соқи ўлдими?

Саҳмон полвон Соқибулбулни «ҳангомачи, сўзчи, созчи, оҳангдор наъмагар» деб йўқлайди. Бу таърифлар ҳарир пардаси орқасида синкретик санъат — достончиликнинг ажойиб намояндаси бўлмиш эпик шоир образи яна бир карра жонланади. Дарвоқе, Соқибулбулнинг номиёқ эпик шоирлигини уқтириб туради. Чунки халқ достончиларни шоир, бахши, юзбоши, соқи, жиров, санновчи ва бошқа номлар билан атайди. Булбул эса, бу шоирларга берилган баҳо (Йўлдошбулбул, Жуманбулбул каби). Яъни, Соқибулбул — булбулдек достончи, дегани.

Эпик шоир образи қадимдан мавжуд.

«Қўрқут ота — турк улуси орасида шуҳрати андин артуғроқдурки, шуҳратқа иҳтиёжи бўлғай,— деб ёзган эди улуғ шоир Алишер Навоий.— Машҳур мундоқдурки, неча йил ўзидан бурунқини, неча йил ўзидан сўнгқини келурни дебтур. Кўп мавъиза омиз мағзлиқ сўзлар орада бор».

«Ҳам пайғамбар, ҳам табиб, ҳон маслаҳатчиси ва уруғнинг муҳтарам оқсоқоли бўлган эпик шоирнинг архаик типи, — дейди академик В. Жирмунский «Туркий қаҳрамонлик эпоси»да,— ўғуз эпик туркуми — «Қўрқут китоби»даги Дода Қўрқут образида мужассамлашган».

Хуллас, юқоридаги доно фикрларга суяниб айтсак, эпик шоир Соқибулбул образининг Қўрғон мактаби муҳитида камол топиши учун миллий адабий замин, йўлчи юлдуз бўлолгулик салаф бор эди.

Лекин айни қолат Қўрғон достончилик мактаби унинг Жоссоқ шоир, Пўлкан шоир каби истеъдодли вакилларининг Соқибулбул образи равнақидаги ижодий ҳиссасини етарли баҳоламасликка олиб бормаслиги керак. Муайян образнинг пайдо бўлиши ёки анъанавий эпик образнинг қайтадан оёққа туриши учун маънавий-ижтимоий эҳтиёж, уни муносиб бадиий ифодалай оладиган ижодий сиймо талаб этилгани табиий. Қўрғон достончилик мактабининг бир неча асрлик тараққиёти, унинг катта ижтимоий нуфузи Қўрқут ота типидаги эпик шоир образини яратишни тақозо қилди, деб айтиш мумкин. Шу сабабли ҳам Жоссоқ — Пўлкан достонларида Соқибулбул марказий образлар даражасига кўтарилди. Бу — ажойиб ҳодиса: Қўрғон мактаби, унинг Жоссоқ шоир сингари устодлари шеърият нинг, шоирнинг граждан лик салоҳиятини, ижтимоий мавқеини кучайтиришга ҳамиша интилиб келганидан шаҳодат...

— Ҳа мен Зиёд момонгиз бўламан. Жоссоқ шоир менинг қайнатам эди. Қоратоб одам эди. Мен кўрганда, саксонни йўқлаб қолиб эди. Қариган шердек, кунгайда мизғигантоб бўлиб ётар эди. Ётганда, оёғини қиблага узатиб ётгич эди. Нега уйтади десак, қулоғи остида қолганларнинг (яъни ўлганларнинг — М. Қ.) оёғини қиблага қаратиб қўяди экан... Қайнатам раҳматликнинг: бу дунёдан умидимни уздим, ошаримни ошаб, яшаримни яшадим, дегани экан-да бу. Қайнатамнинг акаси Ёрлақаб шоирку қирчинида қирқилган, ёш кетган бояқиш. Бу пайтлар укаси Жуманбулбул ҳам ўлган эди. Қайнатам бечора: «Отлар айланган жерларда отадошим йўқ, желлар айланган жерларда энадошим йўқ, эмраниб ҳолимни сўрайдиган эмчакдошим йўқ», деб қўйгич эди... Илгари улкан одам экан, қариган сўнг кичкинагина



Зиёд момо болаларга Жоссоқ шоир тўғрисида ҳикоя қилишдан чарчамас эди.

В. КЛЕПКО фотолари

бўлиб қолган эди. Ёнбошлаб, мудраб ётишлари кўзимдан кетади дейсизми, болам?! Э, минг сўйлаган билан Жоссоқ шоир энди гўридан тирилиб келармиди! Ундай шоир бир ўтди-кетди-да! Дўмбиранинг тили эди, элнинг жони-дили... Жоссоқнинг соясида не-не шоирлар соялагич эди! Ўғлим, мен қариб қолдим. Бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда. Эсим ҳам кирарли-чиқарли. Ўн битта болани шундай иссиққина бағримдан узиб олиб, қора ерга қўйдим. Ўшалар ҳам Жоссоқ шоирнинг невaралари эди[1]. Улар тирик бўлсами, вой-вой... Жоссоқ билан Жолғошнинг қўшиғи қора ерга кетармиди? Жоссоқнинг қўшиғи айтувсиз, беэга қолиб, арвоҳи сарғайиб юрармиди? Шу гаплар эсимга тушди, куймаган хону моним куйди, куйгулиги қолмаган жоним куйди. Энангиз ўргилсин сиздан, энди сўраб келасизми? Жолғошнинг кўзи тирик эди, ўшандан сўрамайсизми: отасини қўшиқ билан тирилтириб берар эди. Эргаш ота кўзи тирик эди, ўшандан сўрамайсизми? Амакисини жони билан баравар кўрар эди, Жоссоқ деса жонини ҳам берар эди. Пўлкандан сўрамайсизми, Жоссоқнинг кўрар кўзи эди. Мен нима? Болаларининг куйиги билан бағрини захга бериб ётаверган ақли суйилиб қолган кампир. Эсимда қўшиқ қоптими? Майли, йўл тортиб келибсиз, ноумид қилмай, билганбилмаганимни айтдим. Жоссоқ шоирнинг Шакар деган қизи бор эди: Шакар Бибисора деган қиз кўрди. Бибисора Урганжида эди. Қартайиб, манглайи ерга тегиб юриб-юриб ўлди. Бобосининг номи худди тириклигининг номидай эл оралаб юрибди. Улар шоир-да, номи, гапи, сўзи юраверади...[1].

Зиёд момо ҳақ гапни айтган эди: Жоссоқ Мулла Холмурод ўғлидек устод шоирларнинг номлари сира унутилмайди. Чунки шоирлар ўлса ҳам, халқ ўлмайди, ўзининг истеъдодли фарзандлари куйлаган достонларни, қўшиқларини келгуси авлодларга авайлаб-асраб етказаверади.

Машҳур венгер шарқшуноси Герман Вамбери Туркистонга келганда Тилла кампир, Жуманбулбул, Жоссоқ шоир, Ёрлақаб шоирнинг қўшиғи авжида эди. Аммо сайёҳ бундан хабардор бўла олмади, зеро ўзбек достончилик мактаблари мавжудлигини ҳали фан билмас эди. «Ўзбекларда достон ва достончиликнинг оғзаки анъанасини бой ёзма адабиёт ва шаҳар маданияти сиқиб чиқариб ташлаган», деган хулосага келди Вамбери. Улуғ Октябрь шарофати билан вужудга келган ўзбек фольклористикаси унинг бу фикри асоссиз ва нотўғри эканини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Вақтида илм аҳлига маълум бўлмаган достончилар рўёбга чиқди.

Жоссоқ шоир эса ўзининг муносиб шогирди Пўлкан шоирдан ёзиб олинган достонларда ҳаёт. Давримизнинг улуғ мақсадларига камарбаста, бутун эл-юрт билан ҳамқадам авлодлари руҳида тирик. Алишер Навоий таъкидлаганидек:

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик била қолса от.

---

[1] Жоссоқ шоирнинг ўғли Жолғош бахши Фазилат исмли аёлга ҳам уйланган. Жолғош бахши билан Фазилат момонинг фарзандлари — Жоссоқ шоирнинг невaралари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Шоирликка ихлос қўйган невараси Райим Жолғош ўғли эса автомобиль ҳалокатидан ўлган.

[1] Марҳума Зиёд момо билан 1976 йил, 4 декабрь куни бўлган шахсий суҳбатимиздан.



Катта адабиётни истеъдод, қобилият даражалари турлича бўлган юзлаб қаламкашлар ҳамжиҳатликда яратади. Бу бағри кенг даргоҳда буюк сўз санъаткорлари билан ёнма-ён, бир сафда туриб камтарин адиблар ҳам ижод қиладилар, инсоншунослик санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Аслида, адабиёт оламининг умри ана шу заҳматкашлар саъй-ҳаракати билан ҳам боқийдир.

Хоразмлик адабиёт заҳматкаши — журналист, шоир, ёзувчи ва драматург Раҳим Бекниёз ҳақида сўз кетганда шундай фикрлар хаёлдан кечади. Раҳим Бекниёз бундан қирқ йил муқаддам дастлабки шеърларини матбуотда эълон қилди. Шундан бери тинмай изланиб келади. Унинг 1960 йили нашр этилган илк шеърлар тўплами — «Биринчи учрашув» ҳам, «Овчининг куйлари», «Дерсу Узала изидан», «Қалдирғочлар» каби шеърий ва насрий китоблари ҳам, кейинги йилларда ёзилиб, Хоразм область театрида саҳналаштирилган пьесалари ҳам ана шу тинимсиз изланишлар, заҳматлар самарасидир. Бу асарларда Раҳим Бекниёз ўзи туғилиб ўсган ўлканинг ўзига хос табиати, хушчақчақ, мард ва меҳнаткаш одамларининг гўзал маънавий оламини, кураш ва интилишлари, орзу-умидларини самимий ифодалашга ҳаракат қилган.

Адибнинг «Дерсу Узала изидан (овчининг ҳикоялари)» тўплами китобхонлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди, танқидчиликнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. «Раҳим Бекниёз бу китоби билан ўзини ўзи «кашф» этди,— деб ёзди таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов тўплам ҳақида.— Сир шундаки, бу гал у ўзи яхши кўрган, яхши билган ҳаёт материалига қўл урди, бу материални алоҳида муҳаббат, завқ ва шавқ билан акс эттирди». Адиб ўтган давр мобайнида «Овчининг ҳикоялари» туркумидан яна бир қанча асарлар ёзди. Бу туркумга мансуб баъзи намуналар «Гулистон» мухлисларига яхши таниш.

Олтмиш йиллиги нишонланаётган адибимиз Раҳим Бекниёз айни кучғайратга тўлган ёшда. У илҳом билан ижод қилар экан, ўзи бошқараётган Ёзувчилар союзининг Хоразм область бўлимида қизғин иш олиб бормоқда, янги-янги ёш истеъдодларни излаб топиб, рўёбга чиқаришда ҳормай-толмай бош-қош бўлмоқда.

Биз кўп минг сонли журналхонлар номидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, чарчамас ижодкор Раҳим Бекниёзга узоқ умр, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Қутлаймиз!

Раҳим БЕКНИЁЗ

Ҳой, қизлар!

Кулиб боққан янги ойнинг ўроғи
Чевар қизлар билагига ўхшайди.
«Оқ олтин»нинг беш чаноқли кўсаги
Бўз йигитлар юрагига ўхшайди.

Пахтазорда чарх урувчи ой қизлар,
Билагингиз толиқмагай, толмагай.
Қанор-қанор пахта терган, ҳой қизлар,
Юрагингиз толиқмагай, толмагай.

Пахта териб билагингиз толиқса,
Шунқорингиз билагини тутади.
Жавлон уриб юрагингиз толиқса,
Дилдорингиз юрагини тутади!

Пахта кузи

Дераза пардасин тортқилаб, юлқиб,
Дарчадан шивирлаб уйғотар насим.
Янги меҳнат куни мусаффо балқиб,
Чиқ, деб, пахтазорга, қилар табассум.

Уфққа талпинган қуёш зарраси
Чақнар пахтакорлар қорачиғида.
Чамандек барқ урар пахта даласи
Қуёшу қуралай кўзлар тиғида.

Оппоқ, оппоқ, оппоқ далалар, оппоқ!
Бунча дилкушомас инжу, дурдона.
«Оқ олтин» дегани бўлар-да шундоқ.
Пахта усталари, сизга тасанно!

Хирмону омборлар тўлиб-тошмоқда,
Тошмоқда лиммо-лим сербарака куз.
Ризққа ризқ, бойликка бойлик қўшмоқда
Сахий куз, сероб куз, сермаърака куз.

Пахтакор кузи бу, пахта кузи бу,
Келди пахтакорнинг бахтин етаклаб.
Машаққатли бахтнинг айнан ўзи бу,
Бой берма бахтингни, олгин этаклаб!

Тўтиё

Не жаҳондир бу чаман — битмас-туганмас конми ё?
Тилло конидек нурафшон чайқалиб сочгай зиё.
Унга дунё мунтазирдир, унга дунё маҳлиё,
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Ҳам азизу ҳам мукаррам, сийму зардир толаси,
Шамсул анвар ёғдуси янглиғ мусаффо шуъласи:
Ўзбекистоннинг ҳарир тилласи бу, оқ тилласи!
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Бой хазина бу замин, ҳассос хазина бу замин,
Мавжланиб тошгай тобора қайнаган-тошган сайин,
Барқ урар, осуда тонглар хавф-хатарлардан амин,
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Чўлқуварлар деб танилдик мамлакатга, элга биз.
Бойлаганмиз маҳкам ғайрат камарин белга биз.
Ҳар чигитни асрадик бермай балою селга биз.
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Не илож: нозик мезож, заҳмат талабдир еримиз,
Ҳам ювар, ҳам суғорар ораста манглай теримиз.
Тер билан омухта унга долға-долға меҳримиз.
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Қудратин кўргил, Раҳим, уйларга бахш этмиш сафо,
Қўш соҳил бўйлаб туташ тўйларга бахш этмиш сафо,
Тўй-ҳашамда янграган куйларга бахш этмиш сафо.
Пахта деб шуҳрат қозонган ушбу қудратли гиёҳ
Дийдаларга тўтиёдир, тўтиёдир, тўтиё.

Раҳматнома

Самоватнинг тирговучи, кароматли хирмонлар,
Дунё қаддин ростлаб турар шарофатли хирмонлар!
Қаҳратон қиш, илк баҳорда ҳоримасанг, толмасанг,
Довулларда, қор-ёмғирда иш бошида қолмасанг,
Гулдурмомо гувлаганда шиддат билан устингда
Посбон каби мардонавор турмасанг ўз постингда,
Ташна бўлиб сувсаганда қор эритиб ичмасанг,
Сарвинозинг қўмсаганда васлидан воз кечмасанг,
Баракали хирмон қайда, шараф қайда, шон қайда.
Дастурхонда нон қайдаю шоирга достон қайда!
Раҳмат сенга, деҳқон ўғли, жонгинамни тикайин,
Ўпиб нурли манглайингдан, қадоқ қўлинг қисайин.

Хоразм

Адабий танқид

«Правда» газетасида «Сен етим эмассан» босилиб чиққанда бир жангчи Ғафур Ғуломга хат ёзган ва унда: «Сизнинг Гитлерга қараб отган ўқингиз нишонга тегди», деган эди.

Лириканинг таъсирчанлик қудрати ҳақида айтилган бу сўз унинг ижтимоий моҳияти ҳамда қимматини ҳам белгилаб беради. Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг садолари аллақачонлар тинди, тўпларнинг халқумлари совиди, инсон қони тўкилган бепоён Европа далалари лолазорларга айланди. Лекин Ғафур Ғуломнинг шеъри ҳамон нишонга уриб келади. Унинг лоақал бир сўзидан ҳам ҳарорат кетган эмас. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бунинг сабаби шеърда ифодаланган ҳақиқатнинг қудратида, ҳақиқат билан чамбарчас бўлиб кетган ғоявийликнинг қудратида. Мана шу икки нарса «Сен етим эмассан»ни беҳад фаол ҳодисага айлантиради. «Сен етим эмассан»да ифодаланган ҳақиқат оламшумул ва ўлмас гуманистик ҳақиқат, у буюк ғоялардан ўсиб чиққан ва буюк ғояларнинг пафоси билан қувватланган.

«Сен етим эмассан»нинг ҳар бир сўзи ҳаяжон, ҳар бир сўзи буюк шафқат ва инсоний дарддан ийланган ва етилган. Шунинг учун у нишонга урган, шунинг учун ҳамон ва токи ер-заминда ёвузлик тентиракан, тамомила нишонга уриб бораверади.

Биз ҳаётнинг лирикага кўчган ҳақиқати ҳақида сўзламоқдамиз. 70-йилларда ким лирика ҳақида сўзлайдиган бўлса шундай фикрларни айтарди. Чунончи, лирикада оғизга тушадиган йирик асарлар яратилмаётир, лирика тобора назмбозликка айланиб кетмоқда, лирика саёзлашиб қолди. Ҳаммадан ҳам ёмони кенг миқёсда етакчилик қиладиган улкан шоирлар қолмади. Шеъриятда йўлбошчилар йўқ. Ҳамманинг таланти ва қилаётган иши, ёзаётган асарлари маълум даражада бир-бирига тенг ва бир-бирига яқин. Лириканинг одамларга, ижтимоий ҳодисаларга таъсир қуввати сўнмоқда. 70-йиллар шеърияти ҳақида гап кетганда шу каби мулоҳазалар кўп айтиладиган бўлиб қолди. Албатта, бундай фикрларнинг кўпи ҳаддан ташқари муболағали ва ҳаддан ташқари кескин айтилган. Лекин уларда ҳақиқат ҳам йўқ эмас. СССР Ёзувчиларининг VI съездида шу ҳақиқатга СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. Марков эътиборни жалб этган эди: «Танқидчилар, шоирлар ва китобхонларнинг анчагина кенг тарқалган фикрларига қараганда, лирик ижодда гарчи маълум бир ютуқлар оз бўлмаса-да, лекин кўзга кўринадиган йирик муваффақиятлар йўқ. Бунга қўшилишга тўғри келади». Мазкур сўзлар, умумий кенг миқёсдаги ҳолатни тўғри акс эттиради. Бундай фикрлар кўпроқ шеърият денгизга айланган ва денгиз сатҳини маълум бир вақт мобайнида ўткинчи хас-хашак босган чоғларда пайдо бўлади. Лекин денгиз бор, у ҳамиша бор ва у ҳамиша ўзини хашаклардан, юзини тўсган кўпиклардан тозалаб туради. Лирика шундай денгизки, бир қудратли шеър сарин ва беҳад тоза шамолга айланиб, денгизнинг абадий мовий сатҳини яна очиб юборади ва

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

МЕҲР—СЕВГИ—НАФОСАТ

биз «Нега мунча мовий, мунча шаффоф, мунча теран бўлмаса бу денгиз!», деб ҳайратга тушамиз.

Лирика ҳеч қачон ўз қуролини ташламайди. Лириканинг кўзи ҳеч қачон хира тортмайди. Лириканинг қалби ҳеч қачон сўнмайди. Истеъдод самараси бўлмаган ҳодисалар қанчалар баъзан кўп туюлмасин, улар, ҳар қалай, ўткинчи. Лирика эса абадиян яшил, абадиян жозиб, абадиян сеҳрлидир. Мана, Ҳалима ёзади:

Яшаяпман... билмай қай рангда
сукут —
Бетоқат, тоқатга тўлдир жонимни.
Ўлсам ҳам... қачондир ўлдиради ўт —
Ҳаяжон олади жонимни...

Шундай овоз билан сўйлаган лирика қачон енгилган, қачон сарғайган, қачон изланишдан, йўл топишдан ҳорган, чарчаган?

Бундай лириканинг овози ҳамиша жаранглаб туради, у ҳамиша қалблар эшигини очишга қодир. Зотан, у абадий ҳаяжон, абадий безовта ҳаяжондир...

Шуларни ёзарканман, мен бугунги лирикани заррача бўлсин камситолмайман, уни ишламаяпти, етуклик сари интилмаяпти, деб айтолмайман. Бунга ҳеч қачон тилим бормайди. Чунки бундай дейиш хато ва ёлғон бўлур эди.

КПСС XXV съезди — истеъдод миллий бойлик, деган улуғ ғояни ўртага ташлади. Бу ғоя Ленининг, истеъдод ноёб ҳодисадир, деган сўзларидан ўсиб етилгандир.

70-йилларнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаракатчилик шу ғоянинг ҳарорати билан шаклланди. Талантнинг қадри яна ортди. Талантларга эътибор ортди. Бундай ғоялар талантда масъулият ҳиссини ўстиради ва воягa етказади. Талантлар бундай ғоялардан миқёс туйғусини касб этадилар. Талант — миллий бойлик! Бу яратувчи инсоннинг кўкрагини бениҳоя юксалтирадиган сўз. Назаримда, кейинги беш йил ичида яратилган лирика шу сўзларнинг шукуҳи ва файзини ўзига сингдиргандир.

Сўнгги йиллар лирикаси, янги минг йилликнинг арафасида турган ва шунинг учун ҳам ўйчан бўлишга, янги минг йилликка янги фикрлар билан пешвоз чиқишга, янги ифодалар топишга чорланган лириканинг бутун изланишлари инсон қалбига қаратилгандир. Бу йиллар мобайнида у қалбий кечинмаларни тасвирлашдан ҳам кўра кўпроқ қалб фалсафасини кашф этишга, қалб сирларини очишга уринди. Лирика қалбдаги исёнлар, ғалаёнлар билан иш кўрди. Андрей Вознесенский эса «Фақат ҳиссиёт гўзал» деган ғояни ўртага ташлади. Мен унинг бу сўзларини таҳрир қилиб, «Фақат меҳр гўзал! Фақат муҳаббат гўзал!», дейишни истардим. Қалб деяпмиз, у нима? У муҳит зарбларини ўзлаштирувчи бепоён муҳитдир. У доимо муҳит зарбларини кўчиради. Муҳит зарбларидан шаклланади, тарбия кўради. Ана шу сокин, руҳий ғалаёнлар билан тўлган муҳит бугун юракка нималарни ҳадя этар экан? Бугунги лирика ўзининг энг ўлмас мавзуи севгини қандай талқин қилмоқда? Севги талқинларига бағишланган шеърлар бугун ҳам худди кечагидай ғоятда кўп. Бугун ҳам шоирлар севгини муқаддас деб биладилар, эъзозлайдилар. Унга ўз бисотларидаги энг ноёб таърифларни берадилар. Шуҳрат ўз китобининг номини «Шайдо кўнгил» деб қўяди. Рамз Бобожон эса бир неча йиллик шеърий изланишлари акс этган янги лирика китобини «Муҳаббатга таъзим» деб атайди. Ва ўзининг сўнгги йилларда яратган энг гўзал шеърларидан бири «Куз»да шундай ўтли, маънодор сўзларни айтади:

Табиат рассомдай чизди чизиқлар
Муҳаббатдан бўлак ҳамма нарсага...

Куз одамнинг, умрнинг, яхшилик ва ёмонликнинг — ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон, лекин фақат муҳаббатгагина унинг кучи етмайди. Муҳаббатнинг абадий ёш чеҳрасига, абадий ўлмас жозибасига у ҳеч қачон чизиқлар тортолмайди. Бинобарин, чизиқ тортиш мумкин бўлган нарса ҳеч қачон муҳаббат деб аталмайди. Буни шеъриятнинг ота Гомердан бошланадиган узун тарихи яхши исботлайди. Замонамиз шоири ҳам муҳаббатнинг мазмунини оддий сўзлар билан шунча теран ифодалайди. Муҳаббатнинг шундай гўзал таърифлари Ҳамид Ғуломда ҳам, Шуҳратда ҳам, Туроб Тўлада ҳам, Шукруллода ҳам бор. Бундай шеърлар муҳаббатни авайлаш ва эъзозлаш руҳи билан суғорилган.

Бошқа бир қанча шоирларда эса муҳаббат дардга, оташин, алангали, юракнинг бардош бериши қийин бўлган туғёнли кечинмасига айланган. Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Баланд тоққа бориб солай ҳайё-ҳув!
Пойинг узра дарё бўлиб тўлғансин
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.
Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Вижир-вижир қалдирғочга айтайин.
Ҳар баҳорда шу зангори сўзлардан
Бўғотингда уя қурсин атайин.
Айтолмайман чекиб оҳу нолалар
Ерга кўксим қўяр бўлсам ногаҳон,
Юрагимдан хабар топган лолалар
Фарёд солиб қирга чиқсин бағри қон...

Бу Омон Матжоннинг шеъри. Бу ишқ-дард. Бу ишқ-дарднинг яна бир сирқираган гўзал ифодаси. Ошиқ қалбидаги ишқ қудратини қарангу унинг маъшуқа қошидаги абадий журъатсизлигини қаранг. Шу инсоний журъатсизликдан мажнунона шавқ яралмоқда. Чин ишқ қанчалар шоир қилади одам боласини! Омон ифодалаётган ишқ шунчалар зўрки, агар ошиқ уни тоғ чўққиларидаги асрий қорларга айтса, улар шу ишқ ҳароратидан севгили қизнинг пойига юмма-юмма тўкилади. Қалдирғочлар бу ишқ таърифини эшитиб қолсалар, ундан зангори уя қура бошлайдилар, вижирлаб севги сўзларини такрорлайдилар... Ҳалима ҳам ишқ ҳақида ёзса, дард билан ўртаниб ёзади.

Ишқ гул эмас, кўкракка бешафқат
санчилган тиғ,
Е ўлдиргай, ё эса қуёшга
кўтаргай тик,
Қуёш ўтими яқин, албон букун
юзларим,—

дейди у бугунги энг оташин шеърларидан бирида. Ҳалима ишқда жасорат ва алангани ҳаммадан юқори қўяди:

Ишқсиз бўлса ҳамроҳга шавқим,
додим йўқ менинг,
Юлдўзим тушгай чоҳга, давоматим
йўқ менинг,
Ерни буркарман оҳга, ҳаловатим
йўқ менинг,
Ишқдан ўзга оллоҳга тиловатим йўқ
менинг,
Шу сабабким севгини аршга қўйиб
сизладим.

Бу жуда мардона ва инсоний бугуннинг лирикасини ишқнинг олижаноб туғёнлари сари етаклайдиган шеър. Кунлар сокин тароватга тўлган бир даврда шундай сўзон ишқий шеърларнинг яратилиши қалб доимо ўз драмалари ва ўз зиддиятлари билан яшаётганидан, драмалар тобланиб олижаноблик, теран инсонийлик касб этаётганидан далолат беради,

Бу жаҳоннинг мангулиги
муҳаббатнинг кашфидир,
Кашфиётлар ўз-ўзидан қўлга кирмиш
қайси дам?—

деб ўзини сўроқлабди Ойдин Ҳожиеванинг лирик қаҳрамони. Шоира қарашларида муҳаббат ҳаракатдаги абадий кашфиёт. Одам оламга муҳаббатнинг кўзи билан қараганда уни олижаноброқ, етукроқ, гўзалроқ, маърифатлироқ бир ҳолда кўради ва кашф этади. Севган қиз қалби мана бу шеърда қанчалар нафис хаёлларга ғарқ, у оламни қанчалар баркамол кўради ва ифодалайди:

Сенга топинганим билдию тоғлар —
Деди: «У биз каби басавлат, сокин».
Ёниб улгурмаган қизғин чақмоқлар
Деди: «У биз каби бешафқат, ёркин».

Йўлимда шивирлаб қолди дарахтлар:
«Ишқи илдизлари бизнингдай
маҳкам!»
Бошимдан чақчақлаб учди қўш
каптар:
«Укпар патларимдай майин ишқи
ҳам...»

Омоннинг шеъри каби бу ерда ҳам оташин севгига табиат ҳамроҳ. Севги ўзининг энг гўзал даражасига етганда табиатни оғушига тортади. Инсон юрагидаги севгининг нақадар улуғлигини табиат ўзининг гўзал шоирона кучлари билан тасдиқлаб, уни янада гўзаллаштиради.

Аста пичирлади қай куни шамол:
«Биздай донишманду ақли тиниққан».
Ойнинг шуъласида ўқидим бир фол:
«У сени топгуси, йўлингга чиққан...»

Қалбимни Уйғуннинг, Ҳамид Олимжоннинг, Зулфиянинг энг гўзал севги шеърларининг шавқи эгаллайди. Ойдин Ҳожиеванинг мана бу шеъри ҳам ўша оташин шоирларнинг тўлқинли, дардли, мунаввар бағрида нафас олиб етилгандай бўлиб туюлади. Бу шоирлар куйлаган ва куйлаётган мунаввар муҳаббатда қанчалар бағрдошлик ва қанчалар гўзал ҳаётийлик, шоирона порлоқлик зуҳур этмоқда. Шеърнинг сўнгги сатрлари муҳаббат ҳиссиёти шоирлар учун туғма ва азалий эканлигини англатади:

Қишин-ёзин шу ҳол. Шундай
эрта-кеч,
Толмадим таърифинг лол
тингламоқдан.
Сени кутгандайман, келгандайман
дуч
Ер узра илк қадам қўйганим
чоқдан...

Мен Ҳалима Худойбердиева ва Омон Матжон, Абдулла Орипов ва Ойдин Ҳожиеванинг, айниқса, муҳаббат ҳавосида яратилган шеърларида фикр қурилишининг беҳад гўзаллиги ва юксаклиги, мумтоз шоирона ифодаларга бойлигини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Муболағасиз айтиш мумкинки, 80-йилларга, яъни сифат ва моҳият жиҳатидан биз учун тамомила янгича бир аҳамиятга эга бўлган ўн йилликларга кириб бораётган бугунги ўзбек шеъриятида инсоний теран муҳаббат ҳақидаги энг оғизга тушган, замондошлар юрагида кучли акс садо бераётган шеърлар кўпинча мана шу шоирлар қаламига мансубдир. Бу шоирларга яқин интилишлар билан адабиётга кириб келаётган бир ёш шоира бор. У — Қутлибека Раҳимбоева. Ёш шоиранинг шеър усулида Ҳалиманинг кескин шиддати ва Ойдиннинг латифлиги кўзга ташланади. Шу билан бирга бу зоҳирий ўхшашликлар ичидан унинг ўзига хос бўлган томонлари ҳам бўртиб кўринмоқда. Қутлибекада одампарварлик кучли. У ўтли муҳаббат ҳақида ёзади. У ўз одампарварлигида жуда қатъиятли ва кескин. Унинг сатрларида муҳаббат қандай ҳароратли бўлса, шафқат ҳам шунчалар ҳароратли. Лекин унинг шафқати қаттиққўл одамнинг энг зарур пайтдагина зуҳур этадиган шафқати каби алангаланади:

Дилларда азоб бор, севинч бор,
демак,
Зулматлар бир чақа! Бу — буюк
оқшом
Фақатгина дўстим, ойдин йўлларда
Бўм-бўш юрак билан судралмоқ,
даҳшат!—

дейди Қутлибека. Унинг муҳаббати кескин эканлиги шеъридан, шеърининг кескин оҳангидан равшан кўриниб турибди. Юрак ҳали азоблар ва қувончлар жомини лиммо-лимлигича кўтаришга қодир экан, демак, яшаса арзийди. Демак, зулматларни енгиб ўтиш қийин эмас. Қутлибеканинг қаҳрамонини қийинчиликлар, номаълум мушкулликлар қўрқитолмайди. У худди ҳаётда албатта қийинчиликлар, машаққатлар бўлишига олдиндан тайёргарлик кўргандай. У ўзи севган одамнинг руҳан беҳад кучли бўлишини истайди. Унда шундай матонат етишмаётган бўлса, томирига уни қуйишни истайди. Бўронлардан қўрқиб ўтирма, бўрон сиққан жойга биз ҳам сиғамиз, дейди.

Дунёда севгидан йироқ ҳисларнинг,
Йироқ туйғуларнинг ўлгани яхши!—

дея барала хитоб қилади Қутлибека бошқа бир шеърида. Бу севгида ёшликнинг ботирлиги ва ўжарлиги акс этади. Лекин булар ҳаётга рўй-рост ва очиқ юз билан, жуда қимматли инсоний самимият билан қарашлардан туғилган сатрлардир. Булар Қутлибеканинг қалби шеъриятга ҳаммавақт ҳам ардоқли бўлган туйғулар билан тўлиб-тошиб келаётганлигидан, юрагида шеърият учун беҳад азиз бўлган олов ловуллаб турганидан дарак беради.

Муҳаббат лирикаси ҳақида сўзларканмиз, бугунги ўзбек шеъриятини шу номларнинг ўзи билангина чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Ўзбек шеъриятида овозлар кўп ва ранг-баранг. Кичик бир мақолада эса уларнинг ҳаммасига тўхталиб ўтишнинг иложи

йўқ. Шунинг учун мен жуда ўзига хос ва ёрқин мисолларгагина тўхталмоқдаман. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева бугунги ўзбек шеъриятида ҳаракат қилаётган талантларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар бугунги кунда ўзига хос, ўз услубларига эга, мустақил мавқега эга бўлган шоирлар каби шаклланиб улгурдилар. Улар шеърияти жуда ҳаракатчан, ўсишга, янги ижодий имкониятлар қидиришга ва топишга қодир бўлган шеърият. Улар шахс ва инсон сифатида камолга етган сари шеърларида ҳам янги бадиий силжишлар, кўтарилишлар сезиларли бўлиб бормоқда. Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар», «Руҳлар исёни» каби асарлари, Ҳалима Худойбердиеванинг «Иссиқ қор», Ойдин Ҳожиеванинг «Наво» ва «Тароват», Абдулла Ориповнинг «Юзма-юз», Омон Матжоннинг «Ёнаётган дарахт» ва «Ҳақ қуш қичқириғи», Гулчеҳра Нуруллаеванинг публицистик руҳдаги шеър китоблари мана шундай сифат ўзгаришлари рўй бераётганлигини англатади. Бу шоирлар шеъриятда жуда фаол ишламоқдалар. Шеър уларнинг умрлик ишига, умрларининг тугал мазмунига айланиб қолгани тобора кучлироқ кўзга ташланмоқда. Улар шеърни, бадиий сўзни муқаддас деб биладилар, улар замондошлари қалбига ўзларининг гўзал самимиятлари, илғор ва муҳаббатли қарашлари, олижаноб, одампарварлик билан юксалган ҳиссиётлари билан кириб боришни истайдилар ва шунга жондилдан интиладилар. Мен, бугунги ўзбек шеърияти бу шоирларнинг ҳассослиги ва донишмандлиги қиёфасида ўзининг энг яхши сифатларини яна қайтадан кашф қила бошлади, деб ҳисоблайман. Ана шу шоирлар ижодида замондош билан ҳаяжонли мулоқат баъзан шу қадар эҳтиросли тўлқинга кирадики, уларнинг юраклари бу эҳтирос шиддатига қандай дош бераётганлигига одам ҳайрон қолади. Уларнинг сўзларидан ҳаяжон балқиб туради.

Зулфия «Пушкинга» деб аталган виқорли бир шеърида: «Биласиз, шеър демак, дилдираган жон», деган эди. Юрак сўз, фикр, кечинма шавқи билан шундай жўшиб турганда, лирика ўзининг сеҳр тугунларини еча бошлайди ва ой, юлдузлар кўк тоқидан шеър тоқига туша келади. Тарихларнинг қатламлари очилади. Янгича онглар туғилади. Шарафли мавзулар янгича жаранг касб этади.

Шеър бошдан оёқ оламга ҳаяжонли муносабат. Совуқ ақлий муҳокамалар тизмаси билан, аллақачонлар кашф этилган гапларни озгина рангбўй қўшиб, такрорлаб, ўз муносабатини билдириб қўйиш билан шеър битмайди. Ҳар қандай ҳолда бизнинг идеалимиздаги шеър, бизнинг улуғ боболаримиз ёзган шеър бу — инсоний муносабатлар ичра портлаган ҳаяжон:

Бир даста гул келтирди қизлар,
Орасига бир шеър яшириб.
Гулни қўйдим гулдонга,—

деб ёза бошлайди Зулфия. Шеър одам қалбининг ойнаси. Қаранг, шоира ҳаяжонини босиб олмоқчи. У осуда, босиқ фикр юритмоқчи. Лекин маълум бир нуқтага келганда у ҳароратга дош беролмайди. Меҳрнинг гўзаллиги бунга йўл қўймайди, шоиранинг ҳиссиётлари портлайди:

...ҳислар
Минг томиримда қуюн тошириб,
Тўлқинига қуёш тўшади...

Портлаш алангаси баландга ўрлай бошлайди:

Ўйноқ дил-ла ўқийман шеър:
Дил тубида бўрон кўчади.

Биз шу бўрон кучайгандан кучайиб бораётганлигини ҳис қилиб турамиз:

Мен зилзила кафтидаги ер
Мисол...
Бутун борлиғим вайрон,
Ўталмаган бурчдан хижилман:
Шодлигингиз недан бир жаҳон,
Недан сизга шунча азизман?

Шеър қанчалар шахсий ҳодиса. Лекин у қанчалар ижтимоий руҳ касб этадиган ва ўз ҳаракатида ижтимоий-тарихий реаллик билан чамбарчас боғланиб кетадиган шахсий ҳодиса. Бинобарин, шоир шахсан, одамийлик даражаси жиҳатидан қанча улкан бўлса, унинг ижоди шунчалар тез ижтимоийлашади. Зулфиянинг қизлар шоирага бир даста гул келтирганда туғилган шеърини ўқиб, инсонга оддий эътибор, оддий бир меҳрнинг қадри шунчалар баландми, инсоний меҳрнинг, эътиборнинг қудрати шунчалар улуғми, деб ўйлайсиз. Шогирдларнинг меҳри Зулфиянинг катта қалбида жилоланиб, теран акс садо берди. Шоир шахсий ҳаётида рўй берган бир воқеа, факт қалб кўзгуси орқали улуғворлик касб этди.

Бу шеър қаттиқ ҳаяжон ичида яратилганлиги шоира жуда ёрқин ифодалаётган ҳолатдан кўриниб турибди. Ҳалима, Омоннинг шеърларида ҳам биз шундай кучли эмоционал-экспрессив ҳолатга, ҳаяжонли сўзларга дуч келган эдик. Уларда бу шеърий ҳаяжоннинг табиати бирга ўхшайди. Лекин ҳаяжоннинг ифодаси, унинг оҳанги, мусиқаси қанчалар ранг-баранг! Қанчалар ўхшаши йўқ уларнинг!.. Шамоллар ер кўксидан чиққан оҳлардан, ҳароратлардан ҳосил бўлганидек, шеър ҳаяжондан туғилади. Шеърнинг онаси ҳаяжон. У оламга ҳаяжонли муносабатларнинг сифатларини акс эттиради ўзида. Ҳаяжон гуркираб турмаган шеър у ҳар қанча маҳорат билан ёзилган бўлмасин, ҳиссиётларимизга таъсир қилмайди, юракларимизни жизиллатмайди ва ўзига эргаштирмайди. Мен Зулфия, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов сингари шоирларнинг шеърларида ҳаяжоннинг тафти ва даражаси ҳамон баланд деб биламан. Шеърият ўзининг шундай навқирон, ёшлик завқлари ва ёнишларини йўқотмаган ҳаяжонлари билан янги ўн йилликка, янги минг йилликка кириб бораётир. Юрак доимо шеър дарди билан яшаганда, юрак доимо излаганда, ҳаяжон унга боқий қувончлар бахш этади. Асқад Мухтор ўз янги шеърларида умрнинг маъно ва мазмуни ҳақида теран ўй суради. Ўз ҳаётининг чегараларини, ҳаракат доираларини белгилаб олмоқчи бўлади. Бир шеърида у ўзига устма-уст: «Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим?», деб савол беради. Шоир қалбига ғулув, қаттиқ ҳаяжон солган ўй-хаёлларнинг чегарасини чамалаб олгиси келади. У ўзига, шуурига, талантига янги имкониятлар қидираётгани англашилади. У безовта онг билан шу саволларга жавоб ахтаради. Ва ҳаётни теран англаган катта ижодкор каби бу чегараларни топади. Инсоннинг хаёли коинот ғуборларидан, энг олис юлдузларнинг бизга етиб келмаган шуълаларидан тортиб, кўк дарахтнинг кўк япроғигача қамраб ола олади. Инсоннинг ўта сезгир ҳиссиётларига дарахтга бевақт урилган болта, замин пучмоқларида пайдо бўлган қора байроқ, маҳаллага келган қора хат, пешанасига нур битмаган тақдирлар — ҳаммаси қаттиқ таъсир қилади, ҳаяжонли муносабат уйғотади. Шоир юраги аланга олишга тайёр туради. У ўтмишга меросхўр, келажакка ворис. Шунинг учун Бруно ёнган ўт ҳали ҳамон унинг елкасини куйдиради. У келажакка масъул. Келажакнинг қиёфасини ўз ўйларида суратлантиради. Келажак одами ҳақида ўй суради. Бугундан келажакка қолаётган ҳодисалар ҳақида чуқур ўйга толади. Ва мана шулар баробарида у яна ўзига ўша нотинч саволни беради: «Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим?» Ҳаёт доимо нуқтадан нуқтагача давом этади. Нуқтадан нуқтага қадар чегара. Сўнг бошқа нуқталар бошланади. Бошқаларнинг дахлсиз умри нуқталари. Мана шу икки нуқта орасида чегарасизлик бор. Бепоён такрор ва бепоён ранг-баранглик бор бу нуқталар орасида. Инсон шу икки нуқта ўртасида қоғозга тушириб тугаллаб бўлмайдиган қувончлар ва ташвишларни бошдан кечиради. Шоир умрнинг ўрта ҳолатида туриб яна ўзига ўзи савол берган-дай бўлади: дунёга келиб мен нима орттирдим? Одам боласи ким бўлишидан қатъий назар, эртами кечми ўз олдига шу саволни қўяди. Бу табиий, албатта. Лекин шу драматик саволга қониққудек жавоб берадиган одамлар ҳали кўпмикан дунёда? Биз буни янги минг йиллик бўсағасида қаттиқ ўйлашимиз керак. Лирика бунга ўзини сафарбар қилиши зарур. Асқад Мухтор ўзининг бугунги камолот поғонасида туриб, бу саволга шундай жавоб беради:

Мен дунёга келиб дунё орттирдим.
Ҳаммасини қолдириб кетарман.
Қалбни эса
сўнгги ҳужайрасигача
Ловиллатиб ёндириб кетарман.

Бу шоирнинг бугунги қарашларини, ҳаётий позициясини белгилайдиган сўзлар. Одам шундай аҳд билан яшаса ва аҳдида устивор бўлса, у — бахтлидир. Асқад Мухторнинг шу сўзлари унинг кейинги йилларда яратган фалсафий теран шеърларини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Шоир «Кўнгил» деган шеърини «Нимадир етмайди инсонга ҳамиша, Озга қониқмайди, кўпга интилар», деб бошлайди. (Ўрни келганда айтиб ўтишим керакки, Асқад Мухтор ҳар бир шеърини жуда интенсив маънодор сатр билан бошлайди. Шеър бошидаёқ унинг айтаётган фикри кўнгилга жаз этиб тушади. Сўнг бу сўздан кўнгил узиб бўлмайди. Бошламада у қандай ўткир сўз ташлаган бўлса, шеър оёғида ҳам шундан қолишмайдиган, балки ўткирроқ фикр беради. Асқад Мухтор миниатюраларининг композицияси жуда ҳам мароқли.) Асқад Мухтор ўз шеърларида китобхонни бирга фикрлашга чорлаб туради. У кўпинча китобхонни мустақил фикр юритишга даъват этаётгандай бир тассурот қолдиради. Унинг шеърида ўзак фикр айтилади ва шунинг атрофида кенг фикрлашга имконият қолдирилади. Бу фалсафий лириканинг энг гўзал хусусиятларидандир. Бояги шеърга қайтайлик. Яъни: «Нимадир етмайди инсонга ҳамиша». Шоир халқ фалсафасида кенг баҳс этиладиган ҳаётий бир фикрни ўртага қўйди. Демак, инсонга доимо нимадир етмайди. Шу фикр сизнинг тасаввурингизни турта бошлайди. Шоир сизга фикрнинг битта ҳалқасини берди. Сиз унга энди ўз ҳалқаларингизни улай бошлайсиз. Санъатда жуда гўзал абрбанд деган тушунча бор. Шунга қиёс қилиб, фикрбанд деган сўз яратайлик. Асқад Мухторнинг шеъри фикрбанд шеър. У фикрдан фикр келтириб чиқаради. Балки буни ассоциация деб атасалар керак. Шеърга қайтайлик. Шоир фикрингизни уйғотди, энди унга интизом билан давомли йўллар таклиф этади. Инсонга нимадир етмайди. Инсон ташна. Инсон кўпга интилади. Интилишларида жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатади. Кўкларга интилади. Ҳеч очилмаган сирларнинг очилмас пардаларини кўтариб кўргиси келади. Инсон қудратли. Лекин қудратли инсоннинг жуда нозик бир жойи бор. Бу — унинг кўнгли. Уни ноҳақлик, кўрнамаклик, дағаллик чил-чил қилиши мумкин. Малол келадиган бир оғиз сўз одамнинг кўзига ёруғ оламни қоп-қоронғу қилиб қўйиши мумкин. «Бундай пайтда кўп керак эмас, Бир ширин сўз унга кифоя», дея хотималайди шеърини Асқад Мухтор. Ана энди биринчи мисрага қайтайлик. Ахир, унинг маъноси қанчалар чуқурлашди шеър сўнгига келиб. Инсонга доимо нимадир етмайди. Лекин ширин сўздан демак, меҳрдан деб тушунайлик буни, ортиқ бойлик йўқ экан инсонга. Ширин сўз инсон кўнглининг энг ноёб давлати. Одам умрнинг узоқ йўлига чиққанда ўзи билан аввало ширин сўз ва меҳрни ола чиқиши керак экан. Биз Зулфия ва Асқад Мухтор шеърлари баҳонасида меҳр уйғотган ҳаяжонлар ҳақида сўзламоқдамиз. Менинг назаримда бугунги энг яхши ўзбек шеърида меҳр туйғуси кучли. У инсонни меҳрли бўлишга ундамоқда. У меҳрнинг фалсафасини яратяпти. Назаримда, янги асрга, янги минг йилликка ўзбек шеъри ва ўзбек шоирлари шундай меҳр фалсафаси билан кириб борадилар ва бу улар лирикасининг энг жозиб, энг инсоний, энг қимматли мазмуни бўлади. Ўзбек шеъри бу жиҳатдан келажакка ҳам назар ташлаб кўрмоқда. Мен бундай деганимда Абдулла Ориповнинг «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси» деган асарини назарда тутаман. Дунёнинг ҳамма илму фанидан бохабар беш донишманд самодан заминга тушиб «сулайиб қолган» мавжудотни ҳеч қандай йўл билан ҳушига келтиролмайди, уни тилга киритолмайди. Бунга улар эришган жуда юксак илму дониш ожизлик қилади. Маҳлуқни донишмандлар билан бирга чангалзорга борган фаррош кампир тилга киритади. Унинг тепасида гиргиттон бўлиб, айланиб ўргилади, бошларини силайди, сув тутади. Ва маҳлуқ бирдан ўзига келади, жон битади, ҳатто жилмайгандай бўлади. Олимлар нима бўлганлигини сира тушунолмайдилар ва бу ҳодисанинг илмий изоҳини тополмайдилар. Улар, бу меҳмон фаррошларнинг юлдузидан тушган бўлса керак, деган хулосага келадилар. Донишманд олимлар тушуниб етмаган нарса — меҳр эди, кампир меҳрнинг қайноқ нафаси билан самовий меҳмонга жон бахш қилди, деган хулосага келади шоир. Меҳрини йўқотган одамлар ҳар қанча донишманд бўлмасинлар ҳеч нарсага қобил бўлмайдилар. Илму дониш одамнинг ҳаётбахш ҳиссиёти — меҳрни унинг юрагидан қувиб чиқармаслиги керак. Меҳр туғилганда инсоният ҳалокатга дучор бўлади, дегандай фалсафага даъват қилади бизни шоир. Албатта, бу фикр, кунларимиз оша илму фан тинимсиз тараққий қилиб борадиган ва эҳтимол тобора биринчи даражали аҳамият касб этиб борадиган келажак сари қаратилгандир.

Ўзбек шеърияти ва ўзбек шоирлари янги ўн йилликларга мана шундай келажакка қаратилган ғоялар билан кириб борадилар. Абдулла Орипов бошқа шеърида, тўғрироғи, тўртлигида шундай ёзади:

Ҳар қалай қўлимда шарбат тўла жом,
Гар маҳзун бўлса ҳам қалбимда
илҳом.
Энди бир самимий дўст ҳам
топсайдим,
Бахтли санар эдим ўзни батамом.

Бу гўзал рубоий ҳам бизни кўп гўзал хаёллар сари етаклайди. Келинг, шеърга тўғридан-тўғри ҳаётий нуқтаи назардан ёндашиб кўрайлик. Мен шоирни ҳеч ёлғиз кўрган эмасман. Унинг атрофини доимо дўстлари қуршаган, сўзига қулоқ тутган бўлади. Лекин шунга қарамасдан, шоир ўзини ҳамон самимий дўст излаган одам деб тасаввур қилади. Унда «самимий дўст топсайдим» деган гап шеърий гапнинг ўзигинамикан? Йўқ, ундай эмас. Гап бунда Абдулланинг бошқа кўп шеърларида бўлганидек идеал устида боради. Шоир идеал дўстни назарда тутади. «Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим», деган улуғ сатрда ҳам гап идеал устида, идеал меҳрибон киши устида бормоқда. Абдулла Орипов истаган ва излаган

самимий дўст Навоийнинг излаган меҳрибонига жуда яқиндир. Лекин бу ерда гап яна меҳр устига келиб тақалди. Абдулла дўст қиёфасида аввало буюк, ҳаётбахш меҳрни назарда тутади. Гадоий айтган: «Ҳар кишинингким, кишига раҳми йўқ, иймони йўқ» ҳикматида ҳам шу меҳр устида сўз боради. Қадимгилар кўпроқ раҳм деганлар. Биз кўпроқ меҳр деймиз. Бугунги ўзбек шеъриятида инсонга идеал нуқтадан қараш туфайли туғилган шу олижаноб меҳр истаги ва меҳр туйғуси лирикамизнинг жуда қимматли инсонпарварлик сифатини белгилаб беради. Бу шеъриятимизнинг келажакка олиб борадиган, бугундан эртага ўтадиган соғлом руҳий-маънавий оламидир.

Бугунги шеъриятимиз ўзининг энг истеъдодли намояндалари ижоди тимсолида жуда чуқур изланишларни олиб бормоқда. Шеъриятимизда ранг-баранг овозли, ранг-баранг услубли, ранг-баранг қарашли шоирлар плеядаси қалам тебратмоқда. Шеъриятимиз ўзининг фалсафий-ғоявий, ҳаётий, инсоний қарашларида ва олға сураётган идеалларида жуда соғлом, жуда самимий шеъриятдир. Шеър янгича реалистик ижтимоий теранлик касб этмоқда ва гражданлик позициясида қатъий туриб, серғайрат, ҳаракатчан, таъсирчан бир сифатга эга бўлиб бормоқда (Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов). Шеъриятимиз порлоқ ҳаётий рангинликка, порлоқ гўзал образлиликка, нашъали, сурурли интим лирикага эга бўлмоқда. Бу лирика ўзининг мусаффо ва баланд қурилишли руҳи билан замондошларимиз қалбидан чуқур ўрин олмоқда (Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева, Рауф Парфи, Қутлибека Раҳимбоева...). Шеъриятимизда публицистик-гражданлик оҳанглари тобора қудратли бир овозга эга бўлмоқда. Бу шеъриятда янги онг — публицистик-дўстлик онги туғилиб вояга етмоқда (Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов, Қуснидцин Шарипов, Гулчеҳра Жўраева, Эътибор Охунова, Нормурод Нарзуллаев, Тошпўлат Ҳамид, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Душан Файзий, Сайёр, Тўлқин, Охунжон Ҳакимов, Олимжон Холдор, Азиз Абдураззоқ, Раззоқ Абдурашидов, Миразиз Аъзам, Асқар Қосимов, Машраб Бобоев, Маъруф Жалил, Омон Мухтор...). Бизнинг мана шу ранг-баранг оламни яратаётган чаман лирикамиз ўзининг туб мағзида ижтимоий ва инсоний фаол лирика эканлигини намойиш этмоқда. Умид қиламизки, у ўзининг эртанги кунига шундай олижаноб ва самарадор фаоллиги билан кириб боради. Лириканинг шарафини ҳимоя қилади. Унинг инсонпарварлик байроғини янада баланд тутади. Бир ёш шоир чиройли рубоий ёзиб, унда шундай дейди:

Ҳаёт — рубоб, ҳамма чолғувчи,
Ҳар ким ўз куйини чалади.
Кимнинг куйи бир лаҳзалидир,
Кимнинг куйи мангу қолади.

Бу шеъриятимизнинг узоқ Сурхондан эшитилаётган янгроқ саси. Бу — Шафоат Раҳматуллаев. Бугунги лирикада бораётган ҳаракатни жуда лўнда ифодалайди бу шеър. Ростдан ҳам, бугунги шеъриятимиз зўр оркестр. Унда ҳар кимнинг ўз куйи жаранглamoқда. Кимнинг куйи ёркин бир лаҳзада давом этади. Кимнинг куйи абадиян қудратли овоз касб этиб келажакка ўтиб боради. Лекин ҳаётнинг рубоб эканлиги аниқ. Лирика шу рубобнинг энг нозик, энг нафис, энг тиниқ оҳанги. Лирика одам қалбининг рози. Демак, лирика сарафроз инсон демакдир. Партия ҳам санъаткорларимизни мана шундай инсонни, келажак кишисини — коммунизмнинг фаол қурувчисини тарбиялашга тинимсиз даъват этмоқда.

Тақриз

АФҒОН ҚИССАСИ



Атоқли ёзувчимиз Мирмуҳсин ижодида хорижий Шарқ мавзуи салмоқли ўрин тутади. Китобхонлар унинг «Араб ҳикоялари» туркумини, «Искандария кўрфази» қиссасини ўз вақтида катта қизиқиш билан кутиб олган эдилар. Адиб худди шу мавзуда болаларга «Мўтилал» ҳикоялар тўпламини ҳам тақдим этиб, китобда хорижий Шарқ болаларининг оғир қисматини ҳаққоний тасвирлаб беришга қаракат қилган эди.

Мирмуҳсиннинг бу мавзуга мурожаат этиши бежиз эмас. У Осиё мамлакатларида бир неча марта сафарда бўлиб, ажнабий халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан бевосита танишди. Ана шу саёҳатлар таассуроти асосида ўнлаб ҳикоялар, қисса яратди. Бу асарларда ёзувчи хорижий Шарқ меҳнаткашларининг азоб-уқубатли ҳаёти, мустамлакачилик ва ички истибдодга қарши курашини, машаққатли турмуш шароити таъсирида улар онги ва руҳида содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттирди.

Адибнинг янги асари «Чодрали аёл»[1] қиссасида 1978 йил апрель ойида Афғонистонда содир бўлган Савр инқилоби воқеалари қаламга олинган.

Афғонистондаги Савр инқилоби Осиё қитъасининг ҳозирги тараққиётидаги энг прогрессив ҳодисалардан бири сифатида жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортди. Чунки у — инсониятнинг озодлик, эркинлик, бахт-саодатли турмушга муқаррар интилиши йўлидаги янги ғалабадир. Шу сабабли ҳам совет халқи қўшни афғон халқининг инқилобий ҳаракатларига чуқур хайрихоҳлик билан қаради ва инқилоб ғалабасини самимий қутлади.

Мирмуҳсиннинг янги қиссаси совет адабиётида Афғонистон инқилобига бағишланган дастлабки асардир. Қисса адибнинг Савр инқилобидан кейин Афғонистон Халқ Республикасига қилган сафари таассуроти асосида, яна ҳам муҳимроғи, инқилобнинг тарихий ҳужжатлари билан бевосита танишувидан сўнг дунёга келди. Қайноқ воқеалар изидан бориб, конкрет тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган бу асарда афғон инқилоби давридаги мураккаб ва қизғин ҳаёт ишонарли акс этган.

Биз афғон инқилоби ҳақида газета хабарлари ва мақолалар орқали маълум тасаввурга эга эдик. «Чодрали аёл» қиссаси яна шу жиҳатдан алоҳида қизиқиш уйғотадики, унда инқилоб жараёни «ичдан», яъни халқ оммасининг қалби орқали ёритилади, конкрет тасвирлаб берилади.

Асарнинг «Чодрали аёл» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чодрали аёл — Мадина ёзувчи бош ғоявий мақсадини мужассамлантирган образдир. У — оддий афғон қизи. Мадинанинг ўз қисмати, бетакрор маънавий дунёси, тақдир йўли бор. У ночор бир оиланинг фарзанди; ана шу ночорлик туфайли имом Руҳулло уни қирқ минг афғонийга сотиб олган. Имом даргоҳига учинчи хотин бўлиб тушиб, у ерда эшитмаган ҳақорати, кўрмаган азоби қолмайди. Мадинанинг бу даргоҳдаги аянчли қисматини адиб характерли эпизодлар ва деталлар воситасида тасвирлайди. Шу даргоҳда у инсоний бахтсизликнинг маъносини англайди, шу ерда унда имом Руҳуллодек бадбин, қабиҳ, пасткаш кимсаларга нафрат уйғонади, ҳаётнинг мазмуни тўғрисида чуқурроқ ўйлай бошлайди.

Ёзувчи афғон халқи бошига тушган фожиаларни ўнлаб эпизодларда таъсирчан чизиб берган. Бу эпизодлар билан танишар экансиз, Савр инқилоби ғоялари ана шундай оғир турмуш муҳитида шаклланиб, ривож топганини ҳис этасиз.

Мадинани имом чангалидан «Халқ» партиясининг аъзоси, кейинчалик инқилоб қаҳрамони Муҳаммад Азиз Сидқий қутқазиб олади. Сидқий уни халқнинг илғор қисмидаги янгича кайфият — инқилобий руҳ билан таништиради. Мадина, охир-оқибатда, Сидқийнинг турмуш йўлдошигина эмас, балки сидқийларга сафдош курашчига айланади. Тўғри, Мадина характери ва дунёқарашидаги ўзгаришлар янада чуқурроқ далиллашни тақозо этади. Бироқ унинг қиссада тасвирланган ҳозирги инсоний такомил йўли ҳам китобхонни ҳаяжонлантиради.

Мадина асарда кенг маъноли қаҳрамон сифатида намоён бўлади. У — инқилоб арафасидаги минглаб, миллионлаб оддий, ҳуқуқсиз афғон хотин-қизларининг қисматини ўзида мужассамлантирган, асорат пардасида яшаган, ниҳоят, Савр инқилоби чақмоқлари шуълаларидан онг дунёси ёришган, ўз инсоний қадр-қимматини англаб келаётган кишиларнинг типик намояндасидир. Чодрали аёл — Мадинанинг тақдир йўли инқилоб давридаги Афғонистоннинг рамзидир.

«Чодрали аёл» қиссаси билан танишганда улуғ сўз санъаткори Максим Горькийнинг «Она» романи кўз ўнгимизга келади. Бизнингча, Афғонистон инқилобининг моҳиятини бадиий гавдалантиришда, хусусан, Мадина ва Муҳаммад Азиз Сидқий каби инқилобчилар образларини яратишда Мирмуҳсин «Она» романи тажрибасидан ибрат олган. Мадина характери такомилида, онгининг шаклланишида, инқилобнинг халқ руҳи, қалб дунёси орқали, унинг манфаатлари нуқтаи назаридан идрок этилиши ва тасвирланишида ана шу улуғ асарнинг нафаси қандайдир даражада сезилади. Мирмуҳсин Горький романидан таъсирланган, бироқ у бизга тамомила бошқа даврда, бошқача тарихий шароитда, бошқа бир халқ ҳаётида содир бўлган инқилобни, янгича инқилобий материални, янги қаҳрамонларни тасвирлаб берди. Бу адибнинг ижодий ютуғи сифатида баҳоланиши керак.

Асар ҳажман ихчам, аммо унда инқилоб арафасида ҳамда инқилоб давридаги Афғонистоннинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида рўй берган энг муҳим зиддиятлар, воқеалар қамраб олинган. Қиссада имом Руҳулло даргоҳидаги хотин-қизларга тубан муносабатдан тортиб, Кобил дарёсининг икки соҳилидаги икки хил ҳаёт манзаралари, Довуд салтанатининг кирдикорлари, бу ҳокимиятнинг таянчи бўлган қамоқхоналар ва полиция маҳкамаларидаги даҳшатли манзаралар, президент саройидаги зоҳиран ҳашаматли, лекин ниҳоятда сохта мулозаматларга тўлиқ базмлар тасвири китобхон кўз ўнгида яққол гавдаланади. «Халқ» партияси аъзоларининг оғир шароитдаги қаҳрамонона фаолияти ҳам қиссада ишонарли акс эттирилган.

Афғон халқи ҳаётига сурбетларча аралашаётган империалистик доирз вакилларининг тубанликлари Жеймс Р. Стенли фаолияти орқали очиб берилади. Стенли асарда кам кўринади. Аммо ёзувчи унинг характерига хос аломатларни топиб ифодалаган. У Афғонистонга «ташриф» буюрарқан, полиция кортежи қуршовида ҳадиксираб Кобилга киради. Негаки, бу ерга у яхши ният билан келмаган. Унинг муддаоси иғвогарликдан иборат. У президент базмига ҳам яширинча боради, базмни иғвогарлик мажлисига айлантиради, ҳукуматни «Халқ», «Парчам» партияларига қарши гиж-гижлайди. Бу партиялар эса халқ манфаатларини кўзлаб, мамлакатда адолатли ҳокимият ўрнатиш учун курашади. Агар халқпарварлар мақсадга эришсалар, стенлилар афғон тупроғини тарк этишга мажбур. Стенли эса буни хоҳламайди, у,— Довуд тузумининг тарафдори.

Стенли маълум даражада ўз режаларини амалга оширади. Мамлакатда қирғин кучаяди, қамашлар авжига чиқади. У оддий афғон меҳнаткашларининг кулфатлари оловида исинади. Ўзининг ҳаром қўли аралашиб бу ерда юз бераётган тўс-тўполонлардан завқланади, айш-ишрат қилади.

Бироқ унинг даври тугайди. Мамлакатда инқилоб ғалаба қозонади. Стенли Кобилни шармандаларча тарк этади. У — халқлар қўлига қайтадан мустамлакачилик кишанларини солиш орзусида юрган, шу йўлда ҳеч бир ҳийла ва маккорликдан тоймайдиган империализм намояндаларидан биридир.

Асар воқеаларга, тарихий фактларга анча бой. Очиғини айтганда, ундаги воқеаларнинг, инқилоб давридаги ички зиддиятларнинг теран маъноларини очиш, қаламга олинган сонсаноқсиз қаҳрамонларнинг характерларини мукаммал бадиий тадқиқ этиш учун қисса доираси торлик қилиб турибди. Адиб қисса ҳажми имкониятларидан келиб чиқиб, воқеликнинг кўпгина жиҳатларини, айниқса, тарихий манзаралар, мамлакат ички ҳаётининг мураккаблигини публицистик таҳлил орқали ифодалайди. Шунга яраша, асар саҳифаларида Афғонистоннинг инқилоб давридаги қизғин ва чигал ҳаёти анча жонли акс этган.

«Чодрали аёл» адабиётимизда шу кунларда интернационал мавзуда яратилган яхши асарлардан бири бўлиб, феодализм ва мустамлакачилик кишанларида азоб чеккан, 1978 йил апрелидаги инқилоб туфайли бахтиёр турмушни қўлга киритган заҳматкаш ва қаҳрамон Афғонистон халқига совет халқининг меҳр-эҳтиромини ифода этгани билан қимматлидир.


Миҳли САФАРОВ

---

[1] Мирмуҳсин. Чодрали аёл. Қисса. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980.

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида



Таль қурбон беради...

Жуда кўп журналхонларимиз бизга мактуб йўллаб, собиқ жаҳон чемпиони Михаиль Таль ижоди намуналари билан таништиришимизни сўрайдилар. Дарҳақиқат, Михаил Таль узоқ йиллардан бери шахмат оламини ўзининг гўзал, ранг-баранг ижоди билан бойитиб келаётган гроссмейстердир. Унинг 1959 йили Загребда АҚШнинг ўша вақтдаги чемпиони Роберт Фишер билан бўлган ўйинининг охири Таль чиндан ҳам шахмат сеҳргари эканини тасдиқлайди.

Бу ўйин охирини «Меҳнат, истеъдод, ғалаба» китоби авторларидан бири Л. Абрамов қуйидагича шарҳлайди:

Таль пиёдани қурбон қилмоқда. 19. f2—f4 e5:f4 20. Фe3:f4 d6:c5. Бошқа жуда кўп ҳолларда бўлгани каби, Таль нима сабабдан қурбон бераётганини билиб бўлмайди, шунинг учун рақиб бу қурбонни қабул қилади, ваҳоланки, у аксинча йўл тутиши (масалан, ўйинни 20... Ке5 тарзида давом эттириши) ҳам мумкин эди. Бу ерда бутун «бало» шундаки, оқлар иккинчи пиёдани ҳам қурбон қиладилар: 21. Се2—d3! c5—b4 22. Ла1—e1 Фe7—f6 23. Ле1—e6! (албатта, 23. ўйинни С:f5... қабилида давом эттирмаслик керак, чунки бунинг оқибати вой бўлади: Ф:f5!).

«Қасосли дунё!» деб бежиз айтмаганлар: оқлар қасос оладиган вақт ҳам етиб келди. 23... Фf6:c3 24. Cd3:f5+ Лf8:f5 25. Фf4:f5+ Крh7—h8 26. Лf1—f3! Фc3—b2 (26... Кdf6 тарзида ўйнаб, бахти қайтган фарзинни бериб юборган ҳам маъқул эди). 27. Ле6—e8 Кd7—f6 28. Фf5:f6+ Фb2:f6 29. Лf3:f6.

Оқларнинг моддий устунлиги унчалик зўр эмас; лекин навбатдаги ҳар бир юриш қораларнинг оёқ-қўли боғланиб қолганини аён қила боради.

29...Крh8—g7. 30. Лf6—f8 Кg8—e7 31. Кb3—a5 h6—h5 32. h2—h4 (қораларнинг шунча сипоҳу пиёдаси савлат тўкиб турибди, аммо улардан биргина рух қимирлай олади, холос). 32. ...Ла8—b8 33. Ка5—c4 b7—b5 34. Кc4—e5, шу ҳолатда Фишер енгилганини тан олган эди.

Редакция почтасидан

ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва 1979 йил Ноябрь пленумларининг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини изчил амалга ошираётган чорвадорларимиз гўшт ва сут маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар янги-янги резервларни ишга солмоқдалар. Бу соҳада ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси ҳам салмоқли.

«Гулистон» журналининг 1980 йил 2-сонида босилган «Имкониятларимиз чекланганми?» деган мақолада ёрдамчи хўжаликларнинг шароитлари хусусида атрофлича мулоҳаза юритилган.

Дарҳақиқат, ҳар бир корхона ёки муассаса ўз имкониятлари доирасида ёрдамчи хўжалик ташкил этса ва уни ривожлантирса бўлади. Буни бизнинг Ўқув ва дам олиш уйимиз мисолида кўриш мумкин. Мана, уч йилдирки, ўзимиз сабзавот ва мева етиштириб, дам олувчилар учун лаззатли таомлар тайёрламоқдамиз. Деҳқончилик участкамиздан етиштираётган озуқа, шунингдек, ошхона чиқити ҳисобига 25 сигир ва 2 мингдан ортиқ парранда боқмоқдамиз. Сабзавот, сут ва тухум маҳсулотларининг анча қисмини ўзимиз етиштирганимиз учун давлат маблағи бирмунча тежалмоқда. Бундан ташқари, колхоз ва совхозларни ўртача 250—300 минг туп кўчат билан таъминламоқдамиз, 35—40 сўм даромад қилмоқдамиз.

Ҳисор тоғ тизмаларининг Мироқи ва Ҳисорак адирларида, Оқдарё ва Қорадарё соҳилларида ўт-ўланга бой яйловлар бор. Уларда қишин-ёзин молларни боқиш мумкин. Негадир ҳозиргача ундан яхши фойдаланилмаётир. Бу жойларда янги гўшт ва сутчилик комплекслари ташкил этилиб, унинг имкониятларидан кенг фойдаланилса, айни муддао бўлар эди.

Бойназар ТИЛОВОВ,
Шаҳрисабз районидаги
Мироқи Ўқув ва дам олиш
уйининг директори

НАЗМАТАК

ОРИЯТГА ОЛИНГАН ОБРЎ

Саломнинг ўттиз уч хил нархи бўлади, дейдилар. Эшонни унчалик хуш кўрмайдиган Абдумалик ака у билан ўттиз учинчи нархда кўришади, яъни қўлининг учини бериб, тез тортиб олади. Ҳарқалай, ўзига тўқ одам. Утилда ишлайди. Ҳар куни суяк қабул қилади.

Эшон ҳам бу нарсадан хафа эмас. Олтин қўлини ахлат титганга бермайди. Абдумалик акани кўрганида қўлини қорнидан пастроққа тушириб, бош силкиб кўришади. Бора-бора Абдумалик ака Эшоннинг саломига алик олмайдиган бўлди. Эшон эса, зўр бериб саломни қуюқлаштираверди. Биз Эшоннинг жиғига тегиш учун ҳазиллашамиз:

— Эшон ака, Абдумалик ака энди сизнинг саломингизни эллик сўмликка ўраб берсангиз ҳам олмайди.

— Эй акаси, ҳали кўрасанлар,— дейди Эшон,— менинг саломимни ўз пулига ўраб олади. Сизлар мени ким деб ўйлаяпсизлар? Абдумалик аканг, ҳали қараб турингланг, менинг соямга кўрпача солади.

— Ҳа, ҳа, сизга чой ҳам олиб келса керак.

— Албатта. Пахта гулли чойнакда чой олиб келади. Патнисда парвардаси билан.

Даврада кулги кўтарилди. Эшон кулмасдан бизга жиддий қараган-да:

— Гаров ўйнайман,— деди.

— Нимадан?

— Мана шу ўлтирганларнинг ҳаммасини опера ва балет театрига олиб боришдан.

Яна кулги кўтарилди. Эшони тушмагур қаёқдаги гапларни топади-я!

— Розимиз.

— Муҳлат ўн беш кун.

Ажралишдик. Орадан ўн кун ўтди. Тешик қулоқ эмасми, гаров ўйнаганимиз Абдумалик акага ҳам етиб борибди. У тўнини бутунлай тескари кийиб олди, фақат Эшон билан эмас, унинг атрофида юрадиган биз билан ҳам сўрашмайдиган бўлди. Оббо, энди операни ҳам кўролмайдиганга ўхшаймиз, деб ўкиниб юрдик.

Шанба куни маҳалламиздаги чойхона олдида оппоқ «Волга» пайдо бўлди. Олифта кийинган шофёр йигит машина калитини қўлида ўйнаганича оёқларини чалиштириб ўтирарди. Шу пайт Абдумалик ака келиб қолди:

— Ия, ия, қайси шамол учирди, акаси? Яхшимисиз? Омонмисиз?— деб Абдумалик ака нотаниш шофёр билан қуюқ сўрашди.

— Ҳа, энди, хўжайин билан келувдик.

— Хўжайиннинг ўзлари қаёқдалар?— деб сўради Абдумалик ака атрофга аланглаб.

— Шу атрофдалар, бир-икки пиёла чой ичиб кетсалар керак.

— Бўлмаса чой-пой ташкил қилайлик.

— Йўқ, сиз овора бўлманг, ака.

Шофёр йигитнинг эътироз билдиришига қарамай Абдумалик ака пилдираб қолди. Чойхонанинг энг яхши сўрисини супураётган самоварчи қўлидан супургини олиб, ўзи ҳафсала қилди. Юқори тарафга уч қават кўрпача солди. Ранги ўчмаган патнисга парварда ташлади. Пахта гулли чойнакни доғ сув билан чайиб, ялтирагунча артди. Пиёлалар ҳам уч-тўрт мартадан ювилиб, артилди. Чойнакка доғ сув қуйишдан олдин шофёр йигитни имлаб чақирди:

— Акаси, хўжайин келгунча озгина...

— Ҳозир келиб қоладилар.

Пахта гулли чойнак сўридаги дастурхонга келиб қўниши билан шофёр йигит ўрнидан турди.

— Ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар,— деди у.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган




— Худо ҳақи менда гуноҳ йўқ! Икки мартагина: «Марҳамат! Марҳамат!..», дедим, холос.


Сакраб ўрнидан турган Абдумалик ака янги костюм кийган Эшонни кўриб анграйганча қолди. Эшон шошилмай келиб кўрпачага ўтирди. Шофёр йигитга, сен ҳам ўтир, дегандек кўз қисган эди, нариги сўрида ўтирганлар бирдан кулиб юборишди. Улар опера ва балет театрига бориш учун Эшон билан шартлашган улфатлар эди. Ранги оппоқ оқарган Абдумалик ака эса сакраб ўрнидан турди-да, пешанаси тиришганича чойхонадан чиқиб кетди. Эшон илжайган кўйи пахта гулли пиёладаги чойни чайқатиб бизларга кўзини қисди.

— Ҳормanглар! Театрга борамизми?

— Борамиз.

— Ана, акаси, Эшоннинг ҳам обрўси бор. Ҳамма қуллуқ қилади унга... Лекин, шуни ҳам айтиб қўяйки, хўжайин зўрға икки соатгина омонат берди машина билан шоферни,— деб чой ҳўплади Эшон.





Расмларни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ҲУЖЖАТ МАШМАШАСИ

Кечқурун Эшон маҳалла комитети раисини сўраб келиб қолди.

— Эшон ака, тинчликми?

— Ҳужжат керак, акаси, муҳрланган, тасдиқланган ҳужжат. Бўлмаса хотиним менинг ўз эри эканлигимга ишонмайди.

— Хотинингизда шубҳа пайдо бўлгандир-да...

— Ҳа, акаси, ҳужжатинг бўлмаса, ҳаммада ҳам шубҳа туғилади.

Эшон пиёладаги чойни аста-аста ҳўпларкан ҳикоясини бошлади:

— Анчагина йил бўлди Содиқ экспедитор билан бирга ишлайман. Содиқвой бугун ишга келмади. Бошлиқ чақириб: «Неча йилдан бери ишлайсиз, молни ўзингиз олиб келаверинг», деб қолди. «Бўпти» дедим. Бухгалтерияга кирдим. Озгина ҳазил-ҳузилдан сўнг: «Ишонч қоғозини беринг», десам, кулгидан тўхтаб суриштира кетишди. Обдон тушунтириб, қоғозни ҳам олдик. Базага бордик. Ҳамма таниш. Бирма-бир омонлашиб бўлиб: «Бизга ҳам мол берасизларми?», деб сўрадим. «Экспедитор қани?», дейди. «Ўрнига биз келдик, ё ўхшамаймизми?», дедим. «А? Шунақами?— деб кулиб турган қиз жиддийлашди.— Қани, хонадан чиқиб, туйнукдан келинг-чи? Ҳужжатларингиз борми?». «Ҳа, ҳужжат бор», дедим. «Ишонч қоғозингиз?», дейди. «Марҳамат!», деб шартта тутқаздим. «Исмингиз Абдураҳмон эмас-ку?», деди ҳайрон бўлиб. «Акаси, асли отим Абдураҳмон, лақабим Эшон», дедим. «Шунақа денг? Паспортингизни кўрсатингчи?» дейди. Паспортимни олиб, мени биринчи марта кўраётгандек у ёғимдан-бу ёғимдан ўтиб қаради-да, охири зўрға: «Омборчига боринг, мол борлиги тўғрисида қўл қўйсин», деди. Омборчидан торозибонга, ундан бухгалтерга, кейин бошлиққа ўтиб, ҳаммасига қўл қўйдирдим. Кейин машинкачи қизга бердим. У накладнойни етти нусхада кўчирди. Сўнгра Эшон акангиз яна эшик санай бошлади. Бошлиқ, бухгалтер, қоровул, яна омбор... Молни олиб, ҳужжатнинг тўрт нусхасини қолдириб, биттасини қоровулга бериб, кўчага чиқдик. Машинадаги нарсаларни омборчига топширдик... Шуларнинг ҳаммасини эсладим-да, уйга келганда хотинимга бир ҳазил қилмоқчи бўлдим. Дарвоза олдига чиққан эди, худди танимагандек қарадим тикилиб: «Кимсан?», дедим. «Вой, ўлай, ким бўлардим? Хотинингизман!», деди. «Ишонди деб ўйлайсанми? Ҳужжатинг борми?», дедим. «Ана, Сабоҳат, Малоҳат, Омон, Вали...» дейди шўрлик. «Паспорт олмаган норисадалар гувоҳга ўтармиди? Валини қара, иштони ҳам йўқ», дедим қовоғимни солиб. Хотиним феълимга тушуниб, паспортини кўтариб чиқди. Мен тўполон кўтардим. «Вой-дод! Мени алдашган экан. Паспортдаги чиройлигина аёл-ку! Ишонмасанг, ойнага қара!», деб йиғламсирадим. «Ҳа, сизга тегмаганимда қандай эдим? Сиз шунақа қилдингиз мени!», деса бўладими! «Катта ашулани бошлама. Аввал чой олиб кел!», деб пўписа қилдим. Хотиним ўйланиб қолди-да, кейин менга тик боқиб: «Шошманг, сиз ўзи кимсиз мени текширадиган?», деди. «Жуфти ҳалолингиз», дедим. «Ҳужжатингиз борми?», деб қолди. «Ана ЗАГС қоғози, паспортим!..— дебман жон ҳолатда.— Кел, Вали ўғлим, кичкинам...» «Ёш бола гувоҳга ўтмайди... Қоғозларингиз тўғри, аммо бу уйда турмас экансиз», деди хотиним ўжарлик билан. «Ҳа, отанг вафот этганидан бери шу ерда яшаяпмиз», дедим диққатим ошиб. «Ҳа, лекин ҳужжатда йўқ. Муҳр босилмаган», дейди. «Ия, бу менинг уйим. Ремонт қилдим. Икки уй ва айвон солдим. Ҳашарга чиққанлар гувоҳ. Саккиз йилдан бери тураман. Аввалари ҳам чиқиб турардим... кечаси девор ошиб», дедим баланд келиб. «Туҳмат қилманг!», деб ўшқирди. «Ёлғонми, а, ёлғонми?», деб бўш келмадим. «Ҳужжатингиз бўлмагандан кейин ёлғонда. Боринг, битта-яримта келиб қолса: «Бу уйда турмайдиган бегона эркак билан ўтирибди», деб гап қилмасин!», дейди. «Нима-нима?», деб заҳрам учиб кетди. «Ҳа, эримсиз, аммо ҳужжатингиз нотўғри,— деди сал ҳовридан тушиб.— Ана, ҳаммасини тайёрлаб қўйдим, пропискадан ўтиб келинг. Бузилади деган гап бор бу уйларни». «Хотинжон, чарчадим. Эртага!», дедим ялинганнамо. «Йўқ, уч йилдан бери пайсалга соласиз, қани туринг, уйдан жўнанг!», деб ўдағайлаганча ҳайдаб чиқарди.

Эшон пиёла юқидаги бир қултум чойни ҳўплади-да:

— Шунақа, ўртоқлар, пропискадан ўтмасак бўлмайди, ҳеч ким ишонмайди,— деб маҳалла комиссияси раисини қидириб кетди.


Акбар ЮНУСОВ

— Тупроқни қаёққа жўнатяпсиз, ўртоқ Холхўжаев?

— Оғзингизга қараб гапиринг, тупроқ эмас, картошка бу, сотишга жўнатяпмиз.



— Бу йилни ҳам бир амаллаб ремонтсиз ўтказсам, катта мукофот ундираман.





— Мамашариф ака, дўриллоққина овозингиз бор, ашула дарсини сизга олиб берамиз.

Сифат бояқишга кўп қийин-да!



ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1974 йил мартида «РСФСРнинг Қора тупроқли бўлмаган ерларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қароридан буён орадан олти йил ўтди. Ленин комсомоли Россиянинг Қора тупроқли бўлмаган ерларини ўзлаштиришни Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилди. Қардош республикалар ва мамлакатимизнинг йирик саноат марказлари бу зонадаги областларни, автоном республикаларни оталиққа олиб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам биринчилар қаторида бу ташаббусга қўшилдилар.

Ўзбекистон мутахассислари Иваново ва Новгород областларида иш бошлаганига ҳам олти йил бўлди. Улар тўртта янги совхоз, 180 минг квадрат метр турар-жой, керамзит плиталари заводи, учта чорвачилик комплекси ва бошқа кўпгина маданий-маиший биноларни қуриш, 60 минг гектар ботқоқликни қуритиш, шундан 16 минг гектарига сув чиқариш мажбуриятини олган эдилар.

Ўзбекистон — Новгород сув иншоотлари қурилиши трести ўзбекистонлик кўнгиллиларнинг жанговар штабига айланди. Трест дастлаб ихтисослаштирилган «Тошкент-1» кўчма механизмлашган колонна билан иш бошлади. Ҳозир эса трест составида тўққизта кўчма механизмлашган колонна, уч минг киши ишлаётган хўжалик ҳисобидаги участка бор.

Биргина «Тошкент-1» кўчма механизмлашган колонна коллективи беш йиллик охиригача 10 минг гектар ботқоқ ерни қуритади, 3 минг гектар ерни суғориш иншоотлари билан таъминлаб, Шимск районининг меҳнаткашлари ихтиёрига топширади.

«Андижон-1» кўчма механизмлашган колоннанинг Пўлат Садриев етакчилик қилаётган комсомол ташкилотига уюшган Адҳам Маҳмудов, Олимжон Юнусалиев, Исроил Нишонов, Камолиддин Ҳусанов, Дамир Солиев сингари ўтюрак юртдошларимиз ботқоқлик ўрнида кўркам «Тошкент» совхозини барпо этмоқдалар.

Ўтган йил ёзида Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг студентларидан ташкил этилган «Антей-79» комсомол-ёшлар отряди зарбдор қурилишда унумли меҳнат қилдилар. Улар бу йил ҳам меҳнат семестри даврида Қора тупроқли бўлмаган ерларни ўзлаштиришда фаол қатнашдилар.

Дўстлик қудрати билан Новгороднинг қамишзор ва ботқоқ ерлари бугун яшнаган экинзорларга, боғ-роғларга айланмоқда.

Маҳмуд ИБАЕВ

1. «Тошкент-2» механизациялашган кўчма колонна ишлаб чиқариш техникаси бўлим бошлиғи Рифъат Вилдонов ўзбекистонлик ёшлар танёрлаб берган ерда етиштирилган илк ҳосилни кўздан кечирмоқда.

2. «Антей-79» студентлар қурилиш отрядининг бригадири Бердиқул Соатов отряднинг пешқадам аъзолари Жанна Муҳаммедшина ва Илҳомжон Алиқуловга вазифа топшираётир.

3. «Тошкент-2» механизациялашган кўчма колонна ишчилари Абдураҳмон Абдуллаев ва Игорь Артемьев зовур қазувчи экскаваторчилар мусобақасида бир неча марта ғолиб чиқдилар.

4. Ботқоқликни қуритиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш — қоратупроқли бўлмаган зона учун муҳим тадбирдир.


5. Инсон қудрати туфайли қадимий ботқоқлик ва харсанг тошлар ўрнида бўлиқ экинзорлар бунёд этилаётир.

6. Ёпиқ зовурларни ўрнатиш пайти.

7. 1979 йил меҳнат семестрини Новгород ўлкасида ўтказган Тошкент Политехника институтининг 51 талабасидан ташкил топган «Антей-79» студентлар қурилиш отряди 100 минг сўмлик иш бажардилар. Улар ишдан бўш вақтларини мароқли ўтказдилар.

В. ИШЧЕНКО фотолари

КРОССВОРД



Энига: 2. Ёритқич. 7. Машҳур итальян ҳайкалтароши ва рассоми. 10. Мамлакатимиздаги ярим орол. 11. Кимёвий элемент. 14. Сўз устаси. 15. Осиёдаги тоғ. 16. Ёғин. 19. Ойбек асари. 20. Маъдан. 21. Машҳур механизатор. 26. Муҳитни ўрганувчи мутахассис. 27. Киноэпопея. 29. Заҳарли модда. 30. Геометрик шакл. 31. Кавказдаги паст текислик. 34. Жангчи. 36. Тошкент областидаги қишлоқ. 37. Полиз экини. 41. Санъат. 42. Дурадгорлик асбоби. 43. Қуш. 44. Дарахт.

Бўйига: 1. СССР халқ артисти. 3. Бадиий буюм. 4. Денгиз ҳайвони. 5. Яратувчи. 6. Европадаги дарё. 8. Автоном республика. 9. Ўзбек классик шоираси. 12. РСФСРдаги шаҳар. 13. Гул. 17. Машҳур селекционер олим. 18. Хроника. 22. Африкадаги давлат. 23. Қаттиқ жинс. 24. Ой. 25. Ўтказгич. 28. Амалий санъат устаси. 32. Ўзбек бастакори ва ҳофизи. 33. Қарамақарши маънодаги сўзлар. 38. Бўёқ. 39. Қирғоқ. 40. Фасл.

Тузувчи **А. МИРЗАЕВ**

Калинин райони

9-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Чибурданидзе. 7. Пўлат. 8. Норак. 9. Игна. 10. Бўрон. 11. Нўхат. 13. Гадоий. 16. Корунд. 19. Нома. 20. Уруғ. 21. Блохин. 22. Литавра: 23. Карабин. 24. Газета. 25. Ижод. 26. Бино. 27. Ананас. 29. Невада. 31: Лазер. 35. Нўҳта. 36. Марш. 37. Болта. 38. Поезд. 39. Стаблизатор.

Бўйига: 1. Чўпон. 2. Бильбао. 3. Ратин. 4. Нанай. 5. Дирижёр. 6. Елкан. 10. Байналмилал. 12. Турғунбоева. 13. Газанда. 14. Диорама. 15. Йўлбарс. 16. Криптон. 17. Ундалма. 18. Душанба. 28. Нишолда. 30. Вобкент. 32. Ребус. 33. Амаки. 34. Ошпаз. 35. Нодир.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: 5 миллион 850 минг тонна Ўзбекистон пахтаси — Ватанга армуғонимиз!

В. СВАРИЧЕВСКИЙ фотолари

Тўртинчи бет: П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртининг 60 йиллигига атаб ўқув юрти шогирдлари яратган ишлардан.

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АХМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исломдин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» («Цветущий сад»)— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САНДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЯЎЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди. 21.08.80 й. Босишга рухсат этилди 25.09.80 й. Р — 03259. Қоғоз $70\times108^1/_8$. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267690. Буюртма 3941. Нашр А — 102.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



1




2



3



4



5



6

7





А. КОЛЧИН. ЗИЁРАТ.



А. ҲАЙДАРОВ. КУЛОЛ.

ISSN 0134—2207

Баҳоси 30 тийин.

Т. МАМБЕТОВ. СИНГИЛЧАМ.



Ҳ. АЗИЗОВ. ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ БУЮМЛАРИ.

